

тиқлол қаҳрамонлари

327
к-24

Каримбек КАМШИЙ



Дилни обод айлангиз...

Каримбек
КАМИЙ

ДИЛНИ ОБОД АЙЛАНГИЗ...

ВЧ 36
КР 4

Истиқлол қаҳрамонлари

КАРИМБЕК
КАМИЙ

ДУНИ ОБОД АЙЛАНГИЗ...

Танланган
асарлар



08



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1998

Каримбек Камий Тошкандий ўз даврининг зукко шоирларидан бири бўлган. У Муқимий, Фурқат каби классиклар билан, Хислат Абдулла Қодирий, Чўпонлар билан ҳамкорлик қилган, унинг ном олишган. Лекин шунга қарамайдан собиқ совет тузуми шаронг қора рўйхатлардангина жой олди. Ҳолбуки, унинг ғазаллари, мавийлари, асарлари босилмади, ўзи эса «реакцион» шоир сифатида қуввати ўткир, теран фикрлар билан мазмунан бўлиқ, бадварлик йўлида ҳам баракали ижод қилган. Бу китоб билан унинг шув китобхонага яхши бир шоирни кашф қилишга ёрдам берилган.

Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Олим Олтинбек

Масъул муҳаррир: О. Шарафиддинов

Каримбек Камий (Каримбек Камий Тошкандий).

Дилни обод айлангиз.... Танланган асарлар (Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов ва бошқ.) Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: О. Олтинбек; Масъул муҳаррир: О. Шарафиддинов. — Т.: «Маънавият», 1998. — 160 б. (Истиқлол қаҳрамонлари).

ББК У32

4202620204—26

К М 25(04)—98 19—98

© «Маънавият», 1998 й.

АРЧИ БИЛМАЙМИЗ ХАНУЗ КИМДУР КАМИЙ...

Хўжандлик шоир Тошхўжа Асирийнинг Хислатга қарши шеърини мактубида шундай мисраларни ўқий-диз:

Гарчи билмаймиз хануз аҳволини кимдур Камий,
Лек шоирликда соҳиб индиоларни сўранг.

«Соҳиб индио — муддао эгаси, даъвогар киши маъноси-ни. Дарҳақиқат, Камийнинг мақсад-муддаоси шоирлик эди. Шеърини деб у дунёнинг барча ишларига этак олиқди, ҳатто онла ҳам қурмади. Шунга яраша бир наста шеърлар битди. Шулар — Камийнинг бу дунёга солиб олтирган-ю, ўзидан кейин қолдиргани. Лекин, афсус, бугун биз унинг на шеърини биламиз, на шах-сини.

Каримбек Камий 1865—1922 йиллар орасида яшаган на ижод қилган шоир. Бу давр ичида унинг юрти бир фотиҳ миллатнинг икки марта талон-торожи ва қирғин-инга учради. Камийнинг шеърини мана шу даврдаги Ҳатанимизнинг тарихи, халқнинг руҳияти, орзу-умид-лари ва армонлари ҳақида сўзлайди. У — Тошкент адабий муҳитидаги етакчи ва устоз шоирлардан. Ада-бий мероси ўз даврида китобат қилинган қўлёзма ва тошбосма баёзларда, вақтли матбуотда кўп учрайди.

Каримбек Шарифбек ўғли — Камий ўтган асрнинг 65-санаида Себзор даҳа, Тиккўчада чопонфуруш-сав-догар оиласида дунёга келди. Ёш Каримбекнинг зий-раклиги, зеҳни ўткирлиги отасида айрича меҳр уйғот-ди, бўлажак шоирнинг ўқишига алоҳида эътибор бе-рилди. У дастлаб «Мозорхон» маҳаллалик Мансурхон домлада хат-савод чиқарди. Бошланғич мактабни ту-гатгач, «Бекларбеги» мадрасасига ўтиб ўқини давом эттирди. Шомаҳмуд Охунд (1823—1904) да «хатми ку-туб» қилди. «Бекларбеги»да Камийнинг ўз хужраси бўл-гани маълум. Бу ерда Сарёмий, Сидқий, Хислат, Мис-кин, Мулла Тўйчилар иштирокида адабий суҳбатлар, мушонаралар тез-тез бўлиб турган.

Камий оила қурмаган. Тошкентнинг кўзга кўрин-ган бойларидан бирининг ўғли бўла туриб, мадраса

хужраларида фақирона ҳаёт кечирган. Бу ҳақда шундай ёзади:

Харобу ҳам паришон ҳолман, раҳм айла, ҳолим с
Тутубман умрлардур чуғздек бир кунжи вайрона
Хўш, уни умрлар бўйн «кунжи вайрона»да яшаг
ма мажбур қилди? Бизнингча, шоирнинг уйланмасли
ва фақирона ҳаёт тарзини танлашининг асосий саба
би унинг дунёқарашин билан боғлиқ. Чунончи, Кам
маърифатга чорловчи шеърларидан бирида шунд
ёзади:

Айлаин десанг чу беташвини таҳсил улум,
Бетааллуқ бўл, мужаррад бўл, бу ҳолат бирла бў
«Бетааллуқ»—бу дунё неъматларига даҳлсиз бўли
шунингдек, мол-дунёга боғланмаслик, «мужаррад» э
якка-ёлғиз, уйланмаган маъносидedir. Шоир бу сў
ларин Абдуллаҳон исмли илм толибига айтган
ўзи ҳам шунга амал қилганга ўхшайди.

90-йиллар охирига келиб, Камий устоз шоирла
сафидан ўрин олди. «Бекларбег»даги унинг хужрас
энди шоирлар ва шеър ихлосмандларининг маркази
айланган эди. «Қўқалдош» мадрасасида ўқиган Хисла
Мискин, Сидқийлар шеър илмида, асосан, Камийда
таҳсил олдилар. Мўминжон Муҳаммаджонов—Тошқ
«Тошкент шоирларининг таржимаи ҳоллари» қўлёзм
асарида Хислат ҳақида гапириб туриб, бу ҳақда шун
дай дейди: «Бу чоқларда (1900 йиллар атрофи—О. О.)
Каримбек Шарифбек ўғли Камий билан танишди. Б
одам — шоир Камий Муқимий ва Фурқатлар бароба
ридаги бир шоир эди. Шоир Хислат мавлоно Камий
нинг фазлу балогатини билганидан кейин уни бирин
чи устоз сифатида ушлаб олди... Гоятда нозик табиа
лик бу устоз Хислатнинг ихлосига яраша тарбия қилар
шеър ва ғазаллар айтиш йўлларида баъзи билмаган
нуқсонларини ўргатар ва ўша замоннинг адиб ва шо
ирлари билан уни таништирар эди».

Шунингдек, «Тошкент шоирлари...»да шоир Мискин
нинг ҳам «асосий муаллими ва мударрисе Камий»
эканлиги айтиб ўтилади. Дарвоқе, Мўминжон Тошқин
нинг ўзи ҳам Камийнинг шоғирдларидан эди. У ҳам
Камийдан шоирликни «юктириш» мақсадида бўлди.
Лекин бу ҳақда шоир афсусланиб шундай ёзади: «Мен
шоирликда юқори кўтарилш ниятида шоир Камийнинг
хизматига кўп елиб-юурсам ҳам унинг сингари санъ
аткор шоир бўла олмадим».

1893 йилдан бошлаб Камий ижодида маърифатга
чорловчи шеърлар пайдо бўла бошлади. Бу мавзу шоир
ижодининг охиригача ўсиб борди. Камий бундай шеър-
ларида исломий маърифатпарварликни асос қилиб ол-
ганини кузатамиз. Яъни у илмни тарғиб қилишда
Қуръон оятлари ва ҳадислардан унумли фойдаланади.
Чунончи, «Дар таъриф у тавсифи илм...» шеърда шун-
дай мисраларини ўқиймиз:

Чинда бўлса илмни айла талаб,
Чин ҳадисига қилай десанг амал.

Икки дунёда киши топғай шараф,
Илмдин бебаҳра қолмоқлиғ залал.

Марду занға илм фарз ўлғонлиғи
Барчага машхур бу ширин масал.

Айла таҳсили улум, эй пок рў,
Шарти Аъзам покликдур ҳар маҳал.

10-йилларга келиб шоир ижодида маърифий ва мил-
лий туйғулар уйғунлашиб кетади. Ишқий мавзудаги
инъанавий шеърлар деярли учрамайди. Энди шеърят-
нинг, умуман, адабиётнинг вазифаси бошқа эди. Шун-
дан, бу даврдаги Камий шеърляти, асосан, икки: мил-
лий-маърифий ва ижтимоий мавзуда. Биринчи турда-
ги шеърлари орқали халқни жаҳолатдан уйғотишга
ва «миллатга ўзлигини англаштига ҳаракат қилса, ик-
кинчи тур шеърлари билан катта-кичик тарихий воқеа-
ларга ўзининг ҳолис муносабатини билдиради. Бу му-
носабат бугун бизни хайратга соларли даражада ҳолис
ва «дину миллат» манфаати билан боғлиқ. Масалан,
Камий Феврал инқилобидан кейин: «Тулуъ айлаб бу
кун бўрк шарқдин офтобосо, Мунаввар айлади олам,
бўлай қурбони хуррият»,—деса, Октябрь «инқилоб»нга
бутунлай салбий муносабада бўлади. Шоирнинг «Ши-
коятномаи Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона»
манзумасида ўқиймиз:

Етти де: ҳам замон, замон аҳлидин
Анга кўб ранжу зулм бирла малол.

Чунки бу иши замона, ҳам халқи
Мунқалиб, инқилоби ҳол-беҳол.

Инқилоби замона эрмасму,
Қилди олийни пастлар помол.

Е халойиқ йўқотти маслаҳатин,
Бўлди мундоғ бузуқ ҳама ақвол.

Наркушу модапарвар ўлмиш халқ,
Бу нечук шуглу бу нечук афвол.

Бу шеърнинг ёзилиш санаси маълум эмас. Лекин унинг мазмунини айнан Октябр воқеаларини эслатади. Шеърдаги «Е халойиқ йўқотти маслаҳатин» мисраси ҳам шунинг фикрини тасдиқлайди. Чунки Феврал инқилобидан кейин ерли эъёлилар Туркистон мустақиллиги учун зўр фаолият кўрсатдилар. Матбуот орқали ўз фикрларини халққа етказдилар ва шу маслаку маслаҳат атрофидан бирика бошладилар. Уларнинг саъю ҳаракати ва фикр доираси бос Қўқонда «Туркистон мухторияти» ташкил топди. Лекин бу давлат тузилмаси бешигдаёқ қонга ботирилди. Шоир бу ҳақда шундай ёзади:

Оҳ ила нолан Хўқанд самодин ўтти,
Ҳама эл ушбу мусибат ғамидин қон ютти,
Сулҳ дебон неча замон рус элига кўз тутти,
Ғалаба бизда дебон ўзларини унутти,
Болшиниклардин алар узра итоб ўлди, дариг.

Дарҳақиқат, болшевикларнинг қаҳру ғазоби, зулму адовати Қўқон халқини устига ўқ бўлиб ёғилди. Энг асосийси, ота-боболаримиз неча йиллар қалбининг қаърида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган ва бунинг учун қанча қурбонлар берган ЭРҚ, ОЗОДЛИҚ туйғуларини орзу-умидлари барбод бўлди. Бундан Камий азият чекди, афеус-надоматлар қилди.

Шоир бу даврда фақат ижод билангина машғул бўлиб қолмади. Унинг ҳаётининг сўнгги йилларида мактаб-маориф ишларига фаол қатнашгани, кутубхоналар очинишга бош қўшганига ҳақида маълумотлар бор. Қаримбек Шарифбек ўғли Камий 1922 йили ўзи туғилган ҳовлида вафот этди. Унинг маросим кунини ҳақида М. Тошқин шундай хотирлайди: «Маҳалла халқи, баъзи шоир ва олимлар... йиғилиб, жанозаси «Маҳв ота»да ўқилди. Тобути ёнига мазоргача хушхон ҳофизлар ўқиб бориб, «Ғойиб ота» мазорига кўмганлар».

Камий ижодига муносабат масаласига желсақ, у доим ҳам бир хилда бўлавермаган. Аввало шунинг таъкидлашнинг истар эдики, шоир ижоди ўз даврида ҳам эътиборсиз қолмади. Унга шеърининг пасту баланд кўчаларида юрган кексаю ёш авлод ўз фикрини билдирди. Шулардан биринчиси Муқимийдир.

Муқимий билан Камий ўрталаридаги дўстлик ала-биди муносабатида маълум. Мавлоно Муқимий дўстига ёган мактубларидан бирини «Биродари киромий мавлавий Камий» деб бошлайди. Бу ерда Муқимийнинг Камийга муносабати, қолаверса, унга берган баҳоси ўз аксини топган. «Навий асарлари луғати»да «киром» сўзининг луғавий маъноси «карамли, саховатли, буюк...» дегани, «мавлавий» эса «эга, соҳиб маъносига» бўлиб, «олим ва сўфийларнинг номидан илгари қўйиладиган унвон»дир. Фикримизча, ўзидан ўн беш ёшлар чамаси кичик бўлган Камийнинг ғазалларига тахмислар бериши Муқимийдек шоирнинг бу навқирон ижод соҳибига ишонч ва ихлоси эди.

Сидқий-Хондайлиқий Камийнинг ўша давр алабий иқлимидаги мавқеи ҳақида шундай ёзади:

Эруренс суҳанварлиқ иқлимида,
Ажаб шуҳрабдорду олийишон.

Мазкур байтнинг самимийлигига шубҳа йўқ. Бунга небот унинг шеърляти, қолаверса, аср бошидаги янги алабий гуруҳнинг йўлбошчиларидан бири бўлганлигидир.

1912 йили Ғ. Ҳ. Орифжонов матбаасида «Баъзи маҳбубу-л-маҳбуб» деб номланган китоб босмадан чиққан. Баъзда шоир Омонийнинг «Дар маҳди жаноби мавлоно Камий Тошкандий...» унвонли ғазалини учратамиз. Ғазал шундай бошланади:

Балдан ашъарни кезган ҳаста мавлоно Камий,
Бонси таскин бўлур деб ишқа мавлоно Камий.
Хушфасоҳат иқлимига шоҳ, лисону-л-ғайб денг,
Ҳар кутубга жори бўлгон фаҳми мавлоно Камий.

Шоир шеърда: Камий ўз вужуди билан «балдан ашъарни» кезган бир сўз санъаткорликчанлигини таъриф, унинг ашъария юртида кезишининг бонси ишқлик кўнглига ором бериши, дейди. Бу ерда ишқ Аллоҳга инсбатан кучли муҳаббат маъносига. Шеърнинг иккинчи байтида Камий гўзал, ёқимли бир сўз иқлимининг

* Омонбой Уринбой ўғли — Омоний (1870 — 1943) ўш вилоятининг Аравор қишлоғида туғилган. Шеърят илминини фуқардан ўрганган. 10-йилларнинг бошида Тошкентга келиб, Ғ. Ҳ. Орифжонов матбаасида хаттоғлик қила бошлайди. «Баъзи маҳбубу-л-маҳбуб» унинг дастлабки баъзидир.

* Ашъария — калом илмида бир оқим. Асосчиси Абу Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873—935).

подшоҳи, илоҳий бир тил эгаси, асарларида ўз идрокни намоён этган шоир сифатида васф этилади.

Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,
Балки Ислombўлни олди қавли мавлоно Камий.

Омоний газалини давом эттириб: Камий ҳар сўзи билан Фарғонани забт этди, дейди. Шоирнинг овози Фарғонига етиб турганлигига шубҳа йўқ. Унинг шеърлари асосан бошларида бошқа бир хонлик ҳудудига — Когонда чоғ этилган баёзларда учрайди. Хоразмлик шоир Илёмулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860—1916) нинг Камий газалига боғлаган муҳаммаси бор. Мактаб ҳақидаги мураббаъи 1906 йилдаёқ Санкт-Петербургда чиққан «Улфат» газетасида эълон қилинган. Шуларнинг ўзига ҳам шоир шеърларини Туркистон чегарасидан асримизнинг дастлабки йилларидаёқ, чиқа бошлаганини кўрсатади. Омоний айтмоқчи, мавлоно Камий сўзлари «балки Ислombўлни олди».

Камий ижодига муносабат ўз даврида ҳам бир хил бўлиб қолмади. Анбар отин ва Иброҳим Давроннинг таъқидий фикрлари бор. Бизнингча, бу икки замондошнинг Камий ижодига таъқидий муносабатда бўлишига асосий сабаб улар орасидаги адабий-эстетик ва фалсафий қарашларнинг айрича бўлганлигидадир. (Бу ҳақда қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти» ж., 1993 й., 4-с., 44-47-б.)

Адабиётимизни тадқиқ этишда шоирларнинг ахлоқий, одатларига қўлам эътибор берилмавермади. Зеро, уларнинг шахсини ёритиш билан бир қаторда, ижодини ўрганишда ҳам булар катта аҳамиятга эга. Мўминжон Тошқин «Тошкент шоирлари...»да Камийнинг хулқ-атвори ва одоби ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. У шоир ҳақида шундай ёзди: «Мулла Каримбек (Камий) кўп нозик табиатлик ринд бир одам бўлиб, ҳар вақт ёлғиз ўлтириб мутолаа ва шеър ёзиш билан машғул бўлишни хоҳлар эди». Камийнинг ўзи туғилган ҳовлисида «ҳар вақт бир сидра уй-рўзгор» жиҳозлари ва «отасидан мерос теккан бир уй-айвон» бўлгани маълум. Шоир бу ерда тез-тез бўлиб, асосан шеър ёзиш, мутолаа қилиш ва баёзлар тузиш билан машғул бўлган. Камийнинг нозик табиатлигини шундан ҳам билса бўладики, у ўз уйида мутолаа билан машғул пайтда унга келтирилган овқат ҳам дераза пардаси ортидан секингина қўйиб кетилган.

1904 йил чамаси «Бекларбеги»нинг машҳур мудар-

риси Шомаҳмуд Охунд вафот этди. Шундан кейин бу мадрасага «Бухоронинг ярим илмини олиб келган» Иқодирхон маҳзун «биринчи мударрис» бўлиб келди. У «Бекларбеги»га келган, мадрасада «ўқувчи-муллобаччалар» қўлайиб кетиб, Камийга дарвоза ташқарисидаги зах хужралардан бири берилди. Бу ҳам етмаган-дек Алижон исмлиқ илм беҳабар бир кўкнори бола у билан ҳамхўжра тушиб, Камийни ўз ҳолича мутолаа қилишга ҳам, шеър ёзишга ҳам қўймади. «Шоир Камий кўкнорининг ўзини кўрмаслик учун хужранинг ўртасидан бир докадан парда ҳам тутиб олди»,—деб хотирлайди Тошқин. Балки шоир шу пайтларда:

Ножинс элини, ё раб, бизга ҳабиб қилма,
Бу дарди бедавони ҳаргиз насиб қилма,—

деб ёзган бўлса, ажаб эмас.

Бу юқоридаги сўзлар шоирнинг нозик таъблиги ҳақида. Шунингдек, «озода либослик» ҳам Камийнинг сифатларидан бири. Тошқин бу ҳақда бир ерда: «Маҳсин ҳам, қовуши ҳам, қўйлак-чопонлари ҳам ямоқдан аримас эди. Бироқ буларнинг ҳаммаси озода ва ювилган бўлар эди»,—деса, яна бир жойда шу мавзуда сўз очиб: «Терлаганда қўйлак ёқаси кир бўлмаслиги учун бир дастрўмолни бўйига—қўйлак ёқаси остидан солиб юрар, юртнинг обрўли одамлариёки олим ва фозиллари йўлда йўлиқиб қолса, тавозеъ билан эгилиб салом берар эди»,—деб ёзди. Бу ерда сўз унинг озодалигидан бошланиб, одоби ҳақидаги сўзлар билан тугаяпти. Камийнинг олим ва фозилларга муносабати айрича эканлигини шеърларидан ҳам билса бўлади. Яъни у бир газалида:

Ҳар маҳал кўрганда илм аҳлини, Камий, ҳурмат тутуб,
Ботавозеъ, боадаб бўл, яхши одат бирла бўл,—
деб ёздики, бу ҳам шоирнинг гўзал хулқу одобидан далolat беради.

Камий вафотидан кейин унинг ижодидан айрим намуналар «Антология узбекской поэзии» тўпламида ва «Ўзбек адабиёти» мажмуасининг тўртинчи жилди, биринчи китобида нашр қилинган. 90-йилларга келиб эса шоирнинг айрим шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинди.

Ҳурматли китобхон, Камийнинг бу китоби сизга тақдим этилаётган биринчи тўплам. Ниҳоят, узоқ йиллардан сўнг унинг қалби сизлар билан юзма-юз туриб, дил розини айтишга майл сизди. Марҳамат, диллашиш сизнинг ихтиёрингизда.

ҲАЗАЛЛАР

* * *

Азизи Мисри хўбесан назокат изуу жоҳингдур,¹
Кўнгул бир қатра қон бирлан мурассаъ тахтгоҳингдур.

Нигоҳи чашм ила, эй кўзларим, додинга гар етмас,
Аёғин остига тифли сиршкнинг ташла, шоҳингдур.

Сочинг, яъни сипоҳи ҳусн сардори—каманди жон,
Кўнгул маъмурасин горагари чашми сиёҳингдур.

Латофат осмонининг ҳилоли вусмалик қошинг,
Сабоҳат буржининг бадри мунири рўйи моҳингдур.

Агар ҳижрон юкин чекмоқни даъво айласанг, эй дил,
Анга икки букилгон қоматинг одил гувоҳингдур.

Муанбар хатту зебо қад нигори нозанинмга
На нисбат, эй чаман, раънолиғинг чўбу гиёҳингдур.

Камий ваҳм этмағил бедардларнинг таънасиндинким,
Харобот аҳли пирин дарғаҳи фаррух паноҳингдур.

* * *

Мани этти бир шўх дилбар асир,
Эди дилраболар аро беназир.

Ҳамида хисолу сутуда фиол,
Пазира афъолу равшан замир.

Мухаммар вафо бирла зоти анинг,
Ҳаёву адаб сори шўғли касир.

Дамидин Масиҳо эрур мунфайл,
Юзидин хижил меҳру моҳи мунир.

Хароби икки чашми фаттониман,
Ажаб оҳуйеким, эрур шергир.

Узун бўлсун умрию фазли энёд,
Илоҳи, анга тангри бўлғай насир.

Ниёз айла узр ила мамдуҳингга
Ки, бас, эй Камий, мадҳин эттинг қасир.

* * *

Ўртади жонимни ишқинг оташи, эй маҳлиқо,
Ена куйдирмак фироқ-илуҳидин эрмас раво.

Оразинг боғида гуллар очти нахли қоматин,
Кўзларимнинг жўйборидин топиб нашъу намо.

Зоҳир айлаб субҳи васлинг—ҳажр шомини ёрут,
Умрлардур рўзгорим тийраву бахтим қаро.

Маҳвашо, минг ҳасрату армон билан кетти дегил,
Лаъли нобинг шарбатидин топмайн ўтсам даво.

Хоки роҳ ўлдумки, домонингга етгайманму деб,
Босиб ўт, жоноки, бўлсун токи ҳосил муддао.

Айладим бошимни назру жон нисори муждаси,
Ерижоним жонибидин бер хабар сан, эй сабо.

Нозанино, бул Камий кўрди жаҳон маҳвашларин,
Лек сендек кўрмади ҳусну адаб ичра расо.

* * *

Қутулмоқ, эй ҳазин жон, истама жавру жафолардин,
Кўнгул узмоқни имкони йўқ эркан дилраболардин.

Асири турран мискин каманди, эй дил, ўлмишсан,
Саҳар бу хушхабар етти менга боди саболардин.

Суманбар сарви қадлар ишқидин, эй булбулу кумри,
Дегилким, қолдиму мен чекмаган оху наволардин.

Майи лаъли таманоси-ла махмур ўлдум, эй соқий,
Карам-ла бир қадаҳ сунғил лаби етган шифолардин.

Хирому ғамзаси жоним олиб, диним талошурлар,
Не меҳнатларини чекмишман кўзу қоши қаролардин.

Илоҳи, етмасун боди хазон гулзори ҳусн ичра,
Ижобат айла, ё раб, ишқ эли қилган дуолардин,
Не хуш толеъ эрурким, лутф айлаб ўша ҳўбоним,
Камий қулдур, деса, кўйимдаги юрган гадолардин.

* * *

Эй, сенинг ҳуснунг жаҳон ичра солубдур шўрлар,
Давлати васлингни истар жаннат ичра ҳурлар.
Сен билан бўлғонда бир базм ичра, эй олижаноб,
Қош бўлғай эрди анда бодаву танбурлар.

Лаъли нобинг ёд этиб қонлар ютарман, эй пари,
Аччиғ-аччиғ бода ичмак расмидур махмурлар.

Айладинг, жоно, мени мунча йўлингда интизор,
Раҳм қилким, термулуб кетти кўзумдин нурлар.

Марҳамат, шохим, санинг лутфингдин истар бу гадо
Ким, назр тобса Сулаймондин, ажаб йўқ, мўрлар.

Хору зор ўлдум, басе, чектим машаққатлар, дариг,
Бир назар ҳам қилмадилар ҳусниға мағрурлар.

Эй нишот аҳли, мани маҳжур деб таън айламанг,
Сизни ҳам бир кун висолдин фалак маҳжурлар.

Нозанин, васфингда бу матлаъ Камий тақрор этар,
Эй, сенинг ҳуснунг жаҳон ичра солубдур шўрлар.

Сабрим олгон дилбарим ҳажрида оҳ айлай бу кун,
Эл кўзиға эмди оламни сиёҳ айлай бу кун.

* * *

Айлабон майдони ишқингда шижоатпешалиқ,
Хасми бадҳоҳимни умрини табоҳ айлай бу кун.

Юз ўгурдим сайри гулшандин, юмуб гулдин кўзум,
Эй юзи гул, кел, жамолингга ингоҳ айлай бу кун.

Бермадинг инсоф, эй аъдоя, золим зулм этиб,
Дарғаҳи ёра қочиб адлин паноҳ айлай бу кун.

отиримда бор эмиш ишқингда шахлиқ орзуси,
Айли ғам, дарду аламлардин сипоҳ айлай бу кун.

Анатиб чиқғил самандинг ноз ила, эй нозанин,
Усту чобук ман ҳам ўзни хоки роҳ айлай бу кун.

Юзу истигно-ла ёринг кўйидин қувмиш сени,
А Камий, гулхан кулин оромгоҳ айлай бу кун.

* * *

О башар ҳуснунг сени хуршиди рахшондин ўтар,
Анги ёқутий лабинг лаъли Бадахшондин ўтар.

А қиёмат қоматингни жилваси бу боғ аро,
Тахли шамшоду санубар, сарви бўстондин ўтар.

Шаҳду шаққар, оби Кавсар истамаз ошиқларинг,
Шарбати васлинг тиларким, оби ҳайвондин ўтар.

Қурган эл дерлар жамолинг равнақин, жоно, сени,
Барқи оламсўз эрур, шамъи шабистондин ўтар.

Неттиким, дашном ила берсанг саволимға жавоб
Ким, менга дашноминг охир лутфу эҳсондин ўтар.

Дурри ғалтон тишларингдур, лек мужгону қошинг
Ханжару тиги синон, шамшири буррондин ўтар.

Холи хатти оразингни деса бўлғай, эй пари,
Мушқу анбар, тухми райҳон, нуктаи жондин ўтар.

Иглари хайлиға кўйинг ичра жо тобсам агар,
Давлатим Қайсар била Фағфуру хоқондин ўтар.

Нозанино, бир назар қил, бўлмағил мушқилписанд,
Бору йўқимни фидонг айлаб Камий жондин ўтар.

* * *

Оразинг кўргач, келур қилғум фидо, эй қора кўз,
Жони ширину азиз бошим фидо, эй қора кўз.

Айлағил меҳри жамолинг-ла зиёким, айладинг
Рўзгорим ҳажр дуддин қаро, эй қора кўз.

Беҳирад зоҳид жулар, чун ғамзанги айлаб имом
Қоши меҳробинга қилсам нқтидо, эй қора кўз.

Дарди ранжимнинг шифосин умрлардур истарам,
Лаъли нобинг шарбатидин қил даво, эй қора кўз.

Хобу осойишин мандин сўрма, кетти ваҳмдин
Қим, мужанг жон қасдина бўлмиш бало, эй қора кўз.

Айласанг жавру жафо жонимга миннатдур, вале
Ўзгалардек бўлмагайсан бевафо, эй қора кўз.

Неча термулғай йироқдин бу Камий маъюс ўлуб,
Гоҳ боқғил илтифот айлаб қиё, эй қора кўз.

* * *

Оҳу нигаҳо, каж кулаҳо, бир қарасанг-чи!
Ҳолина гадолариң, шаҳо, бир қарасанг-чи!

Юз термулубон ўлдуму бир боқмадинг асло,
Ййсо нафасо, рўйн маҳо, бир қарасанг-чи!

Ашқинг на сабабдин қизил ўлди, демалинг ҳеч,
Ишқимда дебон рўйн қаҳо, бир қарасанг-чи!

Ноламни эшитмай, мани помоли раҳ эттинг,
Тавсан қамаро, анжум сипаҳо, бир қарасанг-чи!

Хонлар аро хоҳони замонсан, бу қулиннга
Кўз учи билан гаҳ-гаҳо бир қарасанг-чи!

Хизмат камарин боғлади белга Камий маҳкам,
Эй зоти улғу боргаҳо, бир қарасанг-чи!

* * *

Оразингнн, эй пари, шамъи шабистон қилмағил,
Рашк ўтига жони маҳзунимни бирён қилмағил.

Собит ўлди ғунчалар гулшан аро қон ютмағи,
Лабларинг шавқида, эй жоно, дилим қон қилмағил.

Мунча ҳам золим бўлуб, санги маломатлар била
Катъан кўнглум биносин бўйла вайрон қилмағил.

масуи десаңг агар сен рўзгоримни қаро,
Маро кокилларинг ўйнаб, паршон қилмағил.

Ва неча ваъдалар айлаб унуттинг оқибат,
Занай жоним, кишига аҳду паймон қилмағил.

Ирим шод этмак истарсан мени, ағёрга
Икарин гуфтор ила лаълингнн хандон қилмағил.

Иариваш, йўҳлабон гоҳи тараҳхум йўлидин
Ибама келғил, мани кўб зору гирён қилмағил.

Иа сўрмазсан Камий дилхастанинг аҳволини,
Иа деди, жоно, анинг дардиға дармон қилмағил.

* * *

Сенга ошиқлиғим маълум эмасму?!
Таним ҳажринг ўтида мум эмасму?!
Сани ҳуснингу ишқим достони,
Маҳо, ҳар сафҳада марқум эмасму?!
Йироқ этган висолинг давлатидин,
Бани, жоно, рақибн шум эмасму?!
Қўйунгга йўл топиб ношнолар,
Дарингдин ошно маҳрум эмасму?!
Ичиб май ғайр ила шод ўлғонингда
Кўруб ошиқ эли мағмум эмасму?!
Вафо сандин, нигоро, рост айтсам
Мисоли кимё маъдум эмасму?!
Бу мушқин сочу бу юз бирла, жоно,
Мусаххар сенга Чину Рум эмасму?!
Камий қулга жафо ҳаддин ошурдинг,
Шаҳо, сандин бу иш мазмум эмасму?!
Эй шўх, фуракatingдин ҳолим хароб эмасму?!
Единг-ла ҳар саҳарлар чашим пуроб эмасму?!
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

* * *

Эй шўх, фуракatingдин ҳолим хароб эмасму?!
Единг-ла ҳар саҳарлар чашим пуроб эмасму?!
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Арзим будурки, тингла, эй хусн аҳли шоҳи,
Мазлумларни ҳолин сўрмоқ савоб эмасму?!

Қатлимға тиг тортиб ҳординг магар сен, эй гул,
Рухсоринг узра ҳар ён терлар гулоб эмасму?!

Жонимга ўтни ёқма, ағёр сори боқма,
Рашк оташиндин, эй маҳ, бағрим кабоб эмасму?!

Лаъли лабинини ёди қон айлади дилимни,
Ичмакка менга сененз аччиғ шароб эмасму?!

Дедн Камийға маҳваш, хуш нукта, турфа дил
Яъни бир-икки кунлик фурсат шитоб эмасму?!

* * *

Эдук афсурда табу тийра хотир неча муддатдин,
Қўнгул бўлди мунаввар, чашимиз равшан бу

Очилди ғунчан мақсуд, кўкорди сабзан уммид,
Баҳори суҳбат, арбоби фазлу аҳли фитнатдин.

Қўнгул эрди асирн кулфату жон мубталон дард,
Қутулдилар бу суҳбат файзи бирла дарду кулфатдин.

Замона табакай ноком эгар асҳоби донишни,
Қелингим, етди новбат бош кўторинг айшу ишратдин.

Ўқунг ашъори бикру фикрини (нг) айланг тасарруфкин
Аторуд² ташласун қўлдин қаламни кўкда ҳайратдин.

Висол айёмидур Ҳақ дарғаҳиға шукрлар айлаб,
Беринг сайқал кўнгул ойнасин занги кудуратдин.

На хушдур жамъ ўлуб бир буржға фазлу камол аҳли,
Сурайёдек³ бериб бир-бирға баҳра нури сафватдин.

Бу бир давлат эруким, бизга ҳар кун дастрас эрмас,
Саломат сақла, ё раб, ушбу давлат жумла офатдин.

Мубоҳотинг кулоҳи кўкға гар етса, ажаб эрмас,
Камий тобсанг назар марди расон хуштабатдин.

* * *

ноз уйқусидин сарвинозим турса мастона,
Риғай ҳар тарафдин нолаи овози девона.

Арлар пора бўлғай, дил тўкулғай рашкдин ҳар гоҳ,
Эрим зеб бирлан мушк сочин айлагач шона.

Хумморидин бемор бўлгонлар иложин қўй,
Ибб, чекма захмат, келмагайлар ҳеч дармона.

Эн бул тийра кулбам ёруғай шамъи жамолидин,
Д соат анга мен айласам жонимни парвона.

Ой ёқ, то қиёмат масту беҳуд бўлсаму ётсам,
О бир журъа май лаъли лабидин тутса пинҳона.

Бу ҳам паршон ҳолман, раҳм айла, ҳолим сўр,
Оман умрлардур чўздек бир кунжи вайрона.

О расво бўлуб лайлиласаб ёримни ишқидин,
Эн таън айламанг, Мажнун киби чиқсам биёбона.

Эндурди мани, қатлимға айлаб ваъдае ул кун,
Эси бўлмайин шавқида қўйди турфа армона.

Эрсан, эй Камий, ёринг савол этса жавобиға,
Энинг ишқим ўтиға ёнасанму, ҳажрима ёна?*

* * *

Эм қил мен хастага, эй хўбларни сарварни,
Қарам, чарх узра ногоҳ чиқғай оҳим сарсарни.

Эт эрмас тиг олиб илқингға қатл этмак мани,
Эжари мужгон кифоятдур кўзингдин, эй парн.

Экин эрмас гарчи васлинг менга, лек айлаб карам,
Эф гуъстар зарраға, эй офтоби ховари.

Эн сар айлар эдим хоки кафи пойингнн ман,
Муяссар бўлмади бошимға шахлиқ афсари.

Э навову савт ила булбул ўқур гулшанаро,
Эн гул авроқи, ул ҳам эрди хуснунг дафтари.

Улмайын саргашта, ахволи паришон, найлагум,
Тушган улса бошима савдон зулфи анбари.

Нолаву зор ила ёд айлаб Камий қул ҳар сахар,
Айламасдурму дуоким, бўлса сандек дилбар.

* * *

Табассум-ла лаълини гўё қилур,
Масихо ишини дамда пайдо қилур.

Ани оразу қоматини кўрган эл,
Қачон майли гули сарви раъно қилур?

Шароби лаби лаъли кайфийяти,
Бале, кори юз хумм саҳбо қилур.

Қуюб ёнсун фироқи ўтига,
Чу кимса васлини тамошо қилур.

Нигоҳ айласа ул пари ким сари,
Ани (нг) шаксиз ишқида шайдо қилур.

Дам урманг, аё кабку товуским,
Хиром айласа сизни расво қилур.

Хаёл айлағоч меҳри рухсорасин,
Қўзум ёшини ики дарё қилур.

Ики чашми фаттондин, алҳазар,
Дилу динни торожу яғмо қилур.

Нишона Камий сийнасин айламиш
Қачон кифринин ўқ, қошин ё қилур.

* * *

Шаҳр ичра йўқтур сен каби бир маҳлиқо нозик бада
Эй лаблари лаъли Яман, вей тишлари дурри Адан.

Рухсори гул, эй ғунча лаб, сенсиз кўзумга кўрунур
Боғи жаҳон зиндони танг, гуллар тикан, оташ — чам

Ул сарви қадинг жилвасин кўргач бўлур, эй дилраб
Қўз чашмасидин ашклар дарё мисоли мавжзан.

қат ўтига мунча ҳам куйдирма, эй кўз равшани,
нимга юз миннат қўюб, дийдам аро тутгил ватан.

Қи жаҳон ҳайрон эрур ҳуспунгга, эй Юсуфлиқо,
қингда саргардон эрур ҳуру пари, ҳам марду зан.

Ун худо умринг узун, ҳам давлатинг андин фузун,
ам айла ҳолимга бу кун, эй рўйи шамъи анжуман.

Эли қадинг ғам боридин ҳам бўлмасун, кам бўлмасун
нимдин онинг сояси, эй оҳу кўз, ширин сухан.

Оно, Камий қулдин савол қилдинг, кўруб ашкни ол,
а сенга этса шарҳи ҳол анда забону ҳам даҳан.

* * *

Қадинг, жоно, мени дилхастани хўб интизор,
ам ичра кимса мендек тортмади кўб интизор.

Ани покинг тамошаси-ла равшан кўзларим,
рди фурқат бирла этти тийра маҳжуб интизор.

Қуру ботинда бўлмишдур хаёлинг жилвагар,
снга бўлди бу жиҳатдин ару марғуб интизор.

Снга қатлимдин чу сўз сўрдингу жоним шод ўлуб,
ади лабга бўлмагай деб, токи маҳжуб интизор.

Оқ таъну айб этгайлар, ажаб йўқтур, мани,
улки этгандур сени ҳажрингда маъюб интизор.

Интизорингни чекарман то ҳаётим борица,
иланай, жоно, сенга гар бўлса матлуб интизор.

Оми аъзам қадар Аъзамхонни аъзам деб, сенга
у Камий қул арзи ҳолин қилди мактуб, интизор.

* * *

Ул пари пайкар хиромон ўттилар,
Яшнабон чун меҳри рахшон ўттилар.

Лаъли ноби гўёе ҳайвон суйи,
Тишлари чун дурри ғалтон ўттилар.

Ҳар замон йиғлар эдим ёдида мен,
Боқмайин ул чашми фаттон ўттилар.

Интизоранда боқардим ҳар сори,
Ногаҳон суйн дабистон ўттилар.

Ман сари айлаб тағофул, ўйнашиб
Бир неча ёр ила хандон ўттилар.

Жавримнинг замнинда лутфим бор деб,
Лутф қилмай, аҳди ёлғон ўттилар.

Ушшамазлар ҳуснаро анга бири,
Шўхлар, гарчи фаровон ўттилар.

Қоқилин ҳар ёна ташлаб ул пари,
Хотирим айлаб паришон ўттилар.

Нолан дилсўз чеккай бу Қамий,
Ҳар қачон ул офати жон ўттилар.

* * *

Рахши ноз узра миниб, эй шўх, жавлон айлама,⁴
Ошиқи дилхасталар бағрин эзиб қон айлама.

Шаҳрга ғавго солиб, халқин паришон айлама,
Йиғ сочингни, айланай, ҳар ёна афшон айлама.

Юз инқобинг-олма, ишқ аҳлини ҳайрон айлама,
Қад чекиб бўстон аро қумрини нолон айлама.

Даста-даста гул териб, рашқи гулистон айлама,
Бунчалар сочилмасун лаълингни хандон айлама.

Хоби ноз илан туруб, қасди мусулмон айлама,
Яъни дину дилларин торожу толон айлама.

Эй суманбар, зулм этиб дийдамни гирён айлама,
Раҳм қилким, мунча ҳам оламни тўфон айлама.

Нозанино, бу Қамий қулларга паймон айлама,
Аҳд-паймон айласанг, хулласки, ёлғон айлама.

* * *

Ҳаргиз эмди йўқ иложим оҳу афғон этмайин,
Ошкоро ўлди ишқинг, сирри пинҳон этмайин.

Оташин рухсор ила зулфинг хаёли қўймади,
Утга тушғон тордек жисминни печон этмайин.

Шарбати лаъли лабинг зикри мани лаб ташнага,
Бис эрур, минбаъд фикри оби ҳайвон этмайин.

Ҳокбўси остонинг айламоқдур мақсудим,
Ҳинмоғумдур токи саъйида фидо жон этмайин.

Ул муанбар хат, юзи гул, сарви қад ёдин этай,
Ман бу кун сайри баҳору боғу бўстон этмайин.

Нахли қаддин бори ғамдин қилма ҳам, ё раб, анинг,
Чекмади сар, то Қамий чашминни гирён этмайин.

ПИНҚЯТИ КАМИЙ АЗ ЧАҲУ⁵

Чархи бадмеҳр алиндин юз дод,
Равиши каж, иши доим бедод.

Муниси дарду алам, ҳамдами ғам,
Бўйла ҳол ила ўлурму киши шод?!

Лутфи қаҳр ўлмиш, васли-чи ҳама жанг,
Ранги зағф айрилмишу нурн чу савод.

Сабақи макрдур, андишаси зулм,
Мақтаби даҳрға золими устод.

Неча аҳбобларе жамъ айлаб,
Мутафарриқ эдар охири фарёд.

* * *

Малоҳат мулкнинг сен подшоҳи,
Сабоҳат буржининг тобинда моҳи.

Висолинг жаннат-ул-фирдавс, жоно,
Фироқинг дўззах⁶, этма иштибоҳе.

Маломаат ўқидин кўксум тешилди,
Мани дилхастага қилғил нингоҳе.

Ниҳоли сарвиқадднинг ёди бирлан
Етар гардун сорига чексам оҳе.

Бу ҳасрат бирла ўлсам ишқинг ичра,
Нетонг, қабримдин унса ғам гиёҳи.

Езибман нома кирфик хомасидин,
Эзиб дийдам қаросидин сиёҳе.

Камий бечорани ҳам, эй паризод,
Қулум деб ёд қилғил гоҳ-гоҳи.

* * *

Малоҳат гулистони ичра, эй тоза гули хуррам,
Қилурман нолалар булбул киби кўздин сочиб шабнам

Висолинг орзусида эрурман кечаву кундуз,
Хаёлингдин хаёлим фориг эрмас лаҳзау бир дам.

Муродинг номурод этмак эса, менга мурод улдур
Ки, сан жон мақсудисан, эй пари, кўнглум муроди ҳа

Ниҳондур дарди ишқинг кўнглум ичра, оҳким, жоно,
Демакка они йўқтур бу жаҳонда маҳраму ҳамдам.

Буқун, жоно, фироқингдин ўлар ҳолатга етмишман,
Нисор айлай ҳазин жонимни, қўй мен сорига мақдам.

Ямон кўз тегмасун, эй хўблар хўби, жамолиннга,
Муборак хотирингга етмасун айёмдин ҳам ғам.

Камий васфинг қилурда ҳажру ҳайрат ичра ғарқ ўлди,
Топпиб дурри гуҳарлар назм силкига тизар кам-кам.

* * *

Зоҳиран шамъи руҳинг ёрутса ким кошонасин,
Ботинан куйдурса, тонг йўқ, они жон парвонасин.

Эй, пари, хуснунгга онча зеб-зийнат ортғуси,
Айлагил мужгонларимдин кокулунгнн шонасин.

и қачон бир ерда кўрсанг қадрини айлаб баланд,
Мани гўш айла ошиқлар кўзи дурр донасин.

М ўлуб мурғи дилим сайд ўлди, қолдим беҳабар,
Ирди оё, доми зулфинг ичра холинг донасин?

Он фидо бўлсун санга, соқий бўлуб бу базм аро
Икка еткур риндларнинг наърай мастонасин.

Имаса гар ишқа мункир зоҳиди худбин нечун,
Ирса душман тутқуси сандек пари девонасин.

Иргисингким, ноз уйқусидин очилмас ҳануз,
Ичи гўш эттинг⁷ магар, жоно, Камий афсонасин.

* * *

То жаҳонга малоҳат фош ўлди,
Аввалан сенга йўлдош ўлди.

Фитналар нега бўлмасун пайдо,
Бу каби сенда кўзу қош ўлди.

Лаъли нобу юзингнн ҳасратидин
Дилда қон, кўзларимда ёш ўлди.

Жабҳасидин улуғлиғ зоҳир,
Ул пари гарчи ёши ёш ўлди.

Нохуний ғам-ла, эй пари, бу қулунг
Сийнаси пора, дили харош ўлди.

Қўрса ҳолимни йиғлагай жоно,
Улки, гарчанд бағри тош ўлди.

Орази бирла даъвий айламасун,
Ҳусида гарчи ул қуёш ўлди.

Айлагил кулбам узра ранжи қадам,
Дил билан назр ушбу бош ўлди.

Қамий ҳажрингда чун ғариб эрур,
Маскани гарчи шаҳри Шош ўлди.

* * *

Орази гул, гунча лаб, эй қомати сарви баланд,
Халқ аро тангрим сени этсун азизу аржуманд.

Зўр экан ишқинг сени, кўйинг сари тортар мени,
Лаҳза-лаҳза бўйнума солиб меҳнатдин каманд.

Еди васлингдин дили сўзонима роҳат етар,
Хори ҳажрингдин ҳазин жонимға озору газанд.

Заҳри худ шақкар бўлур сан бирла ичсам комима,
Заҳрдин бадтар эрур сенсиз наботу шаҳду қанд.

Хоки роҳ айларман ўзни бегумон, эй шоҳ хусн,
Жилва айлаб, ноз бирлан ўннатиб чиқсанг саманд.

Ачқир-ачқир йиғласам, айб этма, неши-рашқдин,
Рў-барўда ўлтуруб агёра қилсанг нўшханд.

Нозанин бебокларни (нг) бу Камий кўб кўрди, лек
Қўрмади сендек тағофулпешаву мушқилписанд.

* * *

Тўлмасунму ҳасрату ғамға ичу тошим менинг,
Ташлабон кетса пари рухсори йўлдошим менинг.

Кўз тутардим бир куни қилгай вафо деб, оҳким,
Бевафолнғ зоҳир этти ул қалам қошим менинг.

Чарх уруб оламни, чун тофиб, аёғина қўюб
Ҳасратим дерман, амон бўлса агар бошим менинг.

Васлиға еттим дегаҳ, бўлди рақибимға насиб,
Заҳрга бўлди бадал оғзимдаги ошим менинг.

Ул пари хусниға ҳайрон ўлмайинму, эй рафиқ,
Суратин кўз пардасиға чекса наққошим менинг.

Дўстлар, ул нозанин қўйгаҳ оёғина ҳино,
Оқмасунму рашқдин қонлар ўлуб ёшим менинг.

Билмагай, афсус, йўқса ул парирухсор учун
Душмани жоним эрурлар қавму қардошим менинг.

ун сениб кўз анкидин, мужгон-ла терсам хору хас
индин, дерму, Камий, ул шўх, фаррошим менинг.

* * *

Мени, қайдоғ парирўсанки, ҳайрон эттингу кеттинг,
У метмаклик билла баррим тўла қон эттингу кеттинг.

Алаб, бераҳм золим, бемурувват ёр экансанким,
Минон Қатбаи дилларни вайрон эттингу кеттинг.

Итсз айлаб, менга қаҳру ғазаб расминн эт бунёд,
Аминди ноз уза миндингу жавлон эттингу кеттинг.

Амини ҳолимни кўргач, дўст йиғлаб, душманни кулди,
Бирроқиниға, ажаб, бесару сомон эттингу кеттинг.

Бараҳҳум кўчасидин ўтмаган бебок экандурсан,
Қулумининг ёшини дарёи уммон эттингу кеттинг.

Амини ишқинг ўтиға қўйганим етмасмули, жоно,
Амини ортуқча менга доғи ҳижрон эттингу кеттинг.

Менга бир ҳолатеким, даст берди деса бўлмаским,
Мисолн сурати девори бежон эттингу кеттинг.

Олуб кўнглумни аввал аҳду паймонлар билла, охир
Ушотиб аҳдинги, ваъдангни ёлрон эттингу кеттинг.

Улистонидин айрилгон мисолн булбули шайдо,
Камийни ҳам юзинг шавқида нолон эттингу кеттинг.

* * *

Ҳайри мақдам, марҳабо, жони жаҳон, хуш келдингиз!¹⁸
Ёр юзига офтоби осмон, хуш келдингиз!

То бу ён айлаб азимат шаҳри Хўқанд соридин,
Шаъну шавкат, иззату ҳурмат билан хуш келдингиз!

Шукрилиллаҳ, орзу айлаб етуштук оқибат,
Васлингизга, эй ҳаёти жовидон, хуш келдингиз!

Чатри нқболинг баланд этсун худованди жаҳон,
Тошканд шаҳрига, эй хони замон, хуш келдингиз!

Ҳосид аҳлининг ҳусудию ямон кўздин сани
Асрасун тангрим папоҳида амон, хуш келдингиз!

Келмаги мумкин эмас, оламга сендек бир яна,
Савти дилкаш, хуш баён, ширин забон, хуш келдингиз!

Айласун гуллар табақда зар нисори мақдаминг,
Қад чекиб, сайр айла боғу бўстон, хуш келдингиз!

Улдурурсиз бир боқинида гарчи ушшоқ аҳлини,
Садқа жонлар сенга, эй қоши камон, хуш келдингиз!

Ваҳ, Мақайликхона мезбон ўлса, айтгайди Камий:
Хонаи чашминга жондек меҳмон, хуш келдингиз!

* * *

Кеча ётсам ёдима ул кўзларни жоду келур,
Кўзларимга, эй мусулмонлар, нечук уйқу келур.

Ваҳ, насими субҳ тебраттиму мушкин сочинин
Ким, димоғимга менинг райҳону анбар бў келур.

Ҳар қачон ёд айласам ул сарви гулрухсорини,
Қатра-қатра шабнамосо кўзларимдин су келур.

Бўлмаса бошинда савдоси у шаҳло чашмининг,
Не учун шаҳр ичра саҳро соридин оху келур.

Зоҳидо, меҳробин масжид саждасин найлар киши,
Рў-барўсига анинг тоқи ҳам абрў келур.

Соқиб, тут бода, беҳуд қил, маломатдин чиқар,
Хушёр ўлсам даме бошим уза қайғу келур.

Умрлардур ахтариб овора бўлмиш жў-бакў,
Ераб, ул ой бу Камий қулга қачон қаршу келур.

* * *

Солди, жоно, бошима бир турфа савдо кўзларинг,
Қилмагай деб қўрқарам эл ичра расво кўзларинг.

Еди гулзору гули насрину наргис хўб эмас,
Борида гулоразинг даврида шаҳло кўзларинг.

онмо нозу тағофул бирла, боқмай ҳолима,
бақай қилгай мени бу навъ шайдо кўзларинг.

а ажаб, шаҳри Фарангистону Қашмир аҳлини
ару найранг ила тасхир этса, жоно, кўзларинг.

адамар жонимни қурбон мен ҳам, эй абрў камон,
ири мужгон бирла отмак бўлсалар ё кўзларинг.

абру оромимни торож этса розиман, агар
ину дил рахтини этмай қўйса яғмо кўзларинг.

аҳмсиз ар бўлмаса, нечун Камий бечорани,
ажарима қатлига айлайдур иймо кўзларинг.

* * *

ишки махвашким, биридин бордур аъло бири,
иридур хури пари янглиғ, малаксиймо бири.

ири бўстони назокат ичра сарвиноз эрур,
иун гулистони латофатда гули раъно бири.

ири ошиқ шомини шамъи юзидин ёритур,
иугорин кўз қаросидин қилур ялло бири.

ири ўлдургай кўзи бирлан — боқиб ошиқ элин,
иандан лаъли лаби бирлан қилур аҳё бири.

ири соғарни лабо-лаб айлабон ичгай мудом,
иаҳфил ичра ўз қўли бирлан қўёр мино бири.

ири кетгил норн деб, этса ишорат кўз била,
иоши бирлан кел бери деб, айлагай имо бири.

ири хомуш ўлса бир дам мажлис ичра ноздин,
ишўхлиғдин бўлғусидур дам-бадам гўё бири.

ири бепарво эса ошиқни ҳолидин агар,
иаҳм этиб ҳолина, филҳол, айлагай парво бири.

ири келтургай қалам бирла давогу сафҳани,
иолибон жабру ситам ҳарфин қилур имло бири.

ири бир дам ўлтурур, чиқсам тамошо қилғали,
иутурур ўлтурмаин мен хастани, аммо бири.

Бас, тутмоқ бу иковнинг хотирин душвор эрур,
Бири нозик хўю таби нуктадон доно бири.

Иккисига жону дил бирдан фидо гар қилмасам,
Эй Камий, йўқ-са бири ноз айлар, истиғно бири.

* * *

Юзунг кўргач кўнгулдин кетти орому қарорим ҳам,
Танимдин тобу кўздин хобу алдин ихтиёрим ҳам.

Вужудим ўртади ишқинг ўтню сарсари ҳажринг,
Совурди кўклара хокистарим, қўймай ғуборим ҳам.

Лабу қадду юзингин ҳасратидин бор эрур, жоно,
Дили сўзону охи сарду чашми ашкборим ҳам.

Десаам ялгон эмас, жоно, менга фарҳатфизиқда,
Тамошойи руху хаттинг эрур боғу баҳорим ҳам.

Аё, эй Юсуфи Мисрий⁹ малоҳат, кетса тонг эрмас,
Сани ишқингда охир нанг ила номусу орим ҳам.

Шабу рўз ўлмишамман ончунон мустағрақи хуснинг,
Хаёлингда хаёла келмади хешу днёрим ҳам.

Хўш ул кунким, кўруб васлинг аёнингга қўюб бошим,
Фидо қилсам дили зорим-ла жони мустаъорим ҳам.

Аё, рашки пари, ишқингда эмди иззатим кетти,
Мани бор эрди аввал обрўю эътиборим ҳам.

Неча дерсан Камийга, эй пари, сўз сабру тоқатдин,
Юзинг кўргач, хўнгилдин кетти орому қарорим ҳам.

* * *

Мунча ҳам, эй нозанин, нозу ситам қилмоқ надур?
Лутф беҳад ўзгаларга, менга кам қилмоқ надур?

Ёзмадим бир ҳарф ғайри маҳҳинг, эй жон офати,
Тиғи зулм ила мени илким қалам қилмоқ надур?

Ром ўлуб бегоналар базмида, эй оҳунигоҳ,
Ошнолар суҳбатидин мунча рам қилмоқ надур?

афринги айлаб каманду кўзни чун жаллод этиб,
ки қошинг қатлима тиғи дудам қилмоқ надур?

маб ошиқларни зиндони фироқингга асир,
ий билан ғайр ила базми Жами Жам¹⁰ қилмоқ надур?

б эмас сирри даҳонин фикрин этмак, эй кўнгил,
ч бу савдодин раҳн азмаи адам қилмоқ надур?

мағил инсоф ахир, эй Сулаймони замон¹¹,
ур хайлин бўйла помоли қадам қилмоқ надур?

ета қилмасдин бинон Қабатуллоҳ¹² ҳурматин,
у Камий кўнглини вайрон, эй санам, қилмоқ надур?

* * *

ири қаддингга ярошибдур муанбар кокилунг,
ошки, бўйнулга тушгай, эй суманбар кокилунг.

ошарухсора тилсим¹³, ганжи хуснинг ҳифзнга,
тивасун оснб деб, бўлмишдур аждар кокилунг.

ишф мақсуди эмас эрса, менингдек, не учун,
р ўнуб, жоно, оёғингга қўяр сар кокилунг.

имағай бошим уза савдо нечук, жисмимда печ,
илгон эрса, эй пари, мундоғ қаландар кокилунг?

ишаким, фатҳ этмасун мулки Хабаш, то занги бор,
ум юзидин Ҳинд шоҳи чекса лашкар кокилунг.¹⁴

ишқинг тахтида султони замон, юз офарин,
ишқини иқлими дилларни мусаххар кокилунг.

ишқин мендек йўл адашгонларга охир, шукрим,
ишқини васлингга егкурмакка раҳбар кокилунг.

ишқин тотору¹⁵ анбардин Камий сўз сўрмағай,
ишқин димоғин айлади, чунким, муаттар кокилунг.

* * *

Маҳшо, бир-бир босиб қилган хиромингдин аканг,
ишқини бирлан боқиб берган саломингдин, аканг.

Юз саволимнинг бирига худ-бехуд бермай жавоб,
Ғайрдин дашном ила берган паёмингдин, аканг.

Рух топғай ўлган ошиқлар лабинг алфозиндин,
Менга ҳам сўзла, Масиҳосо каломингдин, аканг.

Зулфинга қайд ўлди кўнгул донан холинг кўруб,
Ишқ эли сайдиға қурган бўйла домингдин, аканг.

Айтмайин рози дилимни, чехран зардим кўруб,
Ҳолими билган сани фаҳму маромингдин, аканг.

Хотирин шод айлабон душманларимни лутф ила,
Менга қилган ноз ила жаври давомингдин, аканг.

Эрта-кеч вирди забоним бўлди исминг, нераким,
Болдин тотлиғ эрур комимга, номингдин, аканг.

Ноласи етмас қулоғингга Қамий бечорани,
Бўлган истиғнони авжида мақомингдин, аканг.

* * *

Сен бу янглиғ бизни ишқингда қаландар қилмағил,
Оташи ҳажрингда жонимни самандар қилмағил.

Лаҳза-лаҳза жаври бедодингини айлаб, дилбаро,
Дам-бадам ойинаи табъим мукаддар қилмағил.

Турфа ҳолим кечти ҳижрон кунлари, эй лайливаш,
Ман балокаш қулға Мажнунни баробар қилмағил.

Ул алиф янглиғ қадингни жилваға келтурмағил,
Келтуруб олам элиға шўри маҳшар қилмағил.

Нотавон кўнглим халосе бўлса зулфинг бандидин,
Тор-торидин гириҳларини саросар қилмағил.

Хотирим шод этмак истарсан мени, ағёрға
Хандан лаъли лабингни мунча шаккар қилмағил.

Эй пари, оҳим шарарбор ўлса тонг йўқ рашқдин,
Қокиллингиз юзларингга сунбули тар қилмағил.

Нозанино, раҳм қилғил, бу қадар ман хастани
Кўз ёшим сурух айлабон, рангимни заъфар қилмағил.

... қалди дилраболарни (нг) тамошо қил, Қамий,
... сарву шамшоду суманбар қилмағил.

* * *

... борида, эй сарви хушрафтор, келсанг-чи?!
... сумдин қилиб ҳолимини истифсор, келсанг-чи?!
... гулузорим, интизорингни чекай тоқай,
... муаттар айлабон, эй ёр, келсанг-чи?!
... кўрмак тилар кўнгулдам дамо-дам, эй париталъат,
... қилмай, на бўлди, кўрсатиб рухсор келсанг-чи?!
... бўлмади кундуз жамолинг кўрмагим, эй моҳ,
... маҳтоби рўйингни шаби бозор келсанг-чи?!
... етмас эсанг ман сорн, эмди рўза айёми
... бирла бир қилмоқ бўлуб ифтор келсанг-чи?!
... сар, ҳасрату ғамлар фироқингдин менга етти,
... оҳиста, эй дилбар, қилай изҳор келсанг-чи?!
... қоматинг ҳам бўлмасун ғам боридин, жоно,
... ҳам васелингга муштоқ эрур, якбор келсанг-чи?!
... пари пайкар, жамолингни кўролмай доғмен,
... нинг ному нишонингни сўролмай доғмен.
... ишқингда, жоно, бўлмишам тўҳматзада,
... бозорлар ичра юролмай доғмен.
... нингда тоқ ўлуб тоқат, бўлуб беихтиёр,
... маконеда сабот айлаб туролмай доғмен.
... тонг йўқ хотирим ошuftа, аҳволим хароб,
... нинг ушлабон, жоно, ўролмай доғмен.
... зардин билан сўрма сиришки олимни,
... даримни остонангга суролмай доғмен.
... армону ҳасратлар била қонлар ютуб,
... нингдин кунгил қониб сўролмай доғмен.

Чун муҳаббат сирри ифшо бўлмасун деб, эй пари,
Зор йиглаб, нола тортиб, оҳ уролмай догмен.

Бир кеча кўнглумдаги маҳвашни топиб, эй Камий,
Базми Жамшиду¹⁶ Фаридуни¹⁷ қўролмай догмен.

* * *

Қаршу сенга бўлурминди, эй дилбар, ойина,
Ар бўлмаса кўзи кўру гўши кар ойина.

Аё, эрур меннинг каби ҳайронинг, эй пари,
Кўрмак юзинг нафас-банафас истар ойина.

Сангину сахт чашму дил эрмас эса сенга,
Бўлгач муқобил ўлгай эди су(в) ҳар ойина.

Манзур бўлгонингда ниҳодидин ўт чиқиб,
Қолдим таажжуба, ўлмади хокистар ойина.

Хуршиди оразингни тамошо қилур эди,
Қўлга олиб, ҳаёт эса Искандар ойина.

Эй рашки хур, хонан чашминда тут мақом,
Лойиқ эрур сенга бу каби манзар ойина.

Ноз офарин, жамолингни кўрмак уммедиди,
Икки ғазалдин этти Камий бир фар¹⁸ ойина.

* * *

Илқингга олма, эй париятвар, зинҳор ойина,
Хуснунг кўриб, то бўлмасун мендек гирифтор ойина.

Қон йигламайму рашқдин, жоним куюб, эй маҳлиқо,
Маҳрум ўлуб ман хаста дил, кўрганда рухсор ойина.

Тун-кун эрур ҳайрат асар, кўзи очуқ қолмиш магар,
Мандек эрур васлинг тилаб муштоқи дийдор ойина.

Ағёр кўнглин тутма пос, сандин эрур бу илтимос,
Ҳайронлигимга боқ менинг, бўлганда даркор ойина.

Эй сарви нозу лола хад, гирди рухинг кўргизди хат,
Қўлга олиб дема ғалат ким, мунча зағпор ойина.

Зори жонон, эй Камий, бўлса муяссар бир дами,
Зорасинга дийдами қилгай эдим чор ойина.

* * *

Умрлар истаб—қилиб чашмини гирён ойина,
Ғанжи ҳуснинг тобти охир хонавайрон ойина.

Охири густоҳлиқ айлаб—сенга қаршу бўлуб,
Синдириб ўз қийматин сотилди арзон ойина.

Бир боқиб, жоно, жамоли бокамолингга сени,
То қиёмат бу жиҳатдин қолди ҳайрон ойина.

Рў-барў бўлгач сенга, жонин фидо қилгон эрур,
Дема, эй шўхи ситамгар, нега бежон ойина.

Кўрмак истаб ой жамолингни мураттаб айламиш,
Русию румий, фарангий, Ангилистон, ойина.

Билмадим хосиятн рўйингму, жоно, айлади
Тўтайи таъйимни гўеву суҳандон, ойина.

Су(в) бўлуб дил боғлади зангор ғайрат ўтидин,
Илқина олгач Камий ҳар гоҳ жонон ойина.

* * *

Зонан ҳулди барини кўйингни бўлсун садқаси,
Зору ғилмон, эй пари, рўйингни бўлсун садқаси.

Зорини Кавсар, чашман ҳайвону ҳам Хизру Масиҳ,
Затти сабуз лаъли майгунингни бўлсун садқаси.

Зинабон, жоно, бу гулшан ичра бир қилгил хиром,
Зарву тўби қадди дилжўйингни бўлсун садқаси.

Зушқи Чину нофан тотору сунбул жумласи,
Зул муанбар торн гесуингни бўлсун садқаси.

Занжару шамширу меҳробу камону зухд эли
Занми масту тоқи абруйингни бўлсун садқаси.

Зилласа даъвий шаҳлиқ кимса асрингда сени,
Зотинингда дуогўйингни бўлсун садқаси.

Нуктан жони Камий ҳам мардуми чашми анинг,
Эй парирӯ, холи ҳиндуйингни бўлсун садқаси.

* * *

Лутф ила назар қил анга гоҳо.

Ойна ғазаллар этти ирсол,
Даргоҳа, аё, хўжаста иқбол.

Шоядки, жаноба бўлса манзур,
Эй, дилда сафо, кўзумда чун нур.

РУБОИИЛАР

Пўқ даҳрда бир мувофиқ табыи ҳариф⁴⁴
Қим, суҳбати дилқушо ўлан табыи зариф.
Фарёдки, ножинс мусоҳиблар ила
Бефойда, зосъ ўтти авқоти шариф.

* * *

Ҳар кишида илму санъат бордур,⁴⁵
Бахту давлат ул кишига ёрдур.
Бўлса гар илму ҳунардин холи ул,
Икки дунёда, билингким, хордур.

* * *

Ялдо кечасин шамъи шабистон этган,⁴⁶
Бир кечада оламни гулистон этган,
Бир мушқил ишим тушубдур, осон этгил,
Эй, барчани мушқилини осон этган.

ҚИТЪАЛАР⁴⁷

Дилга айдимким: «Жаҳонда қайси иш душвордур?»
Қона ботиб дедиким: «Бечораву беёрдур».
Боз айдим: «Борму мундин ҳам қийинроқ иш?» деди:
«Бордур, ёрингки онинг ҳамдами ағёрдур».

* * *

Аё сабо, хабаре кун аз онки, ту дони,
Идони замин гузари кун он замонки, ту дони,
Ҳикояти шаби ҳижрону ҳоли рўзи жудойи
Имин бўсу баён кун баҳар забонки, ту дони.

ФАРД⁴⁸

Давлатинг бўлса баланд сўзга Фалотун⁴⁹ гўш тутар,
Кетса давлат илқини чин сўз эшакни ҳуркитар.

Эй ғунчан лаб, юзи лолан хумро,
Иложи йўқ қона бўёнмай асло,
Илқинг бирла оёғингга, ингоро,
Чеккан ҳиноларинг ёдимга тушти.

Юзинг кўргач, дурри ашқим тўқилди,
Беҳабарлар мени ҳолимга қулди,
Уқдек қадинг, дема недин буқилди,
Ики қоши ёларинг ёдимга тушти.

Ел айлабон ўшал ўтган замонлар,
Қон йиғласам чекиб оху фиғонлар,
Айб этмангиз мени, эй навжувонлар,
Аҳду вафоларинг ёдимга тушти.

Пўлинг узра кўз ашқидин сув урдим,
Қирпик билла хоки раҳинг супурдим,
Бошдин қадам қилиб тинмай югурдим,
Қилгон имоларинг ёдимга тушти.

Эй жоним роҳати, кўзим чироғи,
Қирпикларим бўлсун зулфинг тароғи,
Бўлурму муяссар васлингни боғи,
Рўйи рухсорларинг ёдимга тушти.

Гоҳи пари дерман, кўриб жамолинг,
Гоҳи инсон, гоҳи малак ҳисолинг,
Ҳар не десам, дерман кўриб висолинг,
Мадҳу саноларинг ёдимга тушти.

Келгил, кўрай дийдорингни — соғиндим,
Шаҳду шакар гуфторингни соғиндим,
Жилва бирла рафторингни соғиндим,
Гулгун қаболаринг ёдимга тушти.

Недин тушти, Камий, савдо бошингга,
Дединг, жоно ҳақ еткурсин ёшингга,
Термулибон бўю кўзу қошингга,
Қаро савдоларинг ёдимга тушти.

Мактабки, кони илму ҳаёву адаб эрур,
Мактабки, файз чашмасию фазли раб эрур,
Мактабки, обрӯю камола сабаб эрур,
Мактабки, фавқи ҳар шайу қулли насаб эрур.

Мактабки, бонси даражоти рафийдур,
Мактабки, мақсуди ҳама шахс мангидур,
Мактабки, парда пўши уюбу шангидур,
Мактабки, малжаъи Ажаму ҳам Араб эрур.³²

Мактабки, боғи жаннати аъло десам раво,
Толибларини анда ано дилжўши наво,
Миръоти дил кудурати андин топар сафо,
Ҳар фарди шахса-донқу лозими талаб эрур.

Мактабки, обирави ҳама баҳру бар эрур,
Мактабки, устоди жамни ҳунар эрур,
Мактабки, ҳодийи ғавию бебасар эрур,
Мактабки, шамъи равшани дайжурн шаб эрур.

Мактабдин итса, бўлса киши дуру ижтиноб,
Одам қаторига ани бўлмас қилиб ҳисоб,
Ҳар марду занга лозиму вожиб эрур шитоб,
Мактабки, маржиъи ҳама миллати ажаб эрур.

Мактаб эмасму ики жаҳоннинг саодати,
Мактаб эмасму давлату иқбол раънати,
Мактаб эмасму мол ила жоҳнинг зиёдати,
Мактабки, маъдани дурру сийму заҳаб эрур.

Мактаб эмасму жоҳили оқил қилан, Камий,
Мактаб эмасму ноқисн комил қилан, Камий,
Мактаб эмасму омнин фозил қилан, Камий,
Мактабки, дафъи ҳама жаҳду газаб эрур.

* * *

Сандин ўзга, эй пари, кўнглумда йўқ фикру хаёл,
Қадди мавзунинг сани жонимда бир зебо ниҳол,
Биргина кўрсатмадинг ман хастага боғи висол,
Соғиниб гул оразинг-кўздин тўкарман ашки ол,
Бўлмишам ҳажрингда, жоно, рўзу шаб булбул мин.

Айрил оҳудурму ё жодуму, жоно, кўзларинг,
Сабру орому қарорим этти ямо кўзларинг,
Айласа, тонг йўқ мени Мажнун шайдо кўзларинг,
Онча савдолар бошимга солди шахло кўзларинг,
Эй пари, қил эмди бу девонадин тафтиши ҳол.

Оразингиз менга зиндон бўлди бу боғу чаман,
Кўрунур сенсиз тикандек кўзга гулзору суман,
Айлағил инсоф ўзинг, токи чекиб ранжу миҳан,
Умрлардурким йўлингда интизоринг тортаман,
Лутф этиб, эй сарвқомат, кел бошимга соя сол.

То жаҳонга чашминг ошубу балолар солмасун,
Базни жонлар қаслина мужгон сиюнин олмасун,
Хар муродинг бўлса қил, кўнглунгда армон қолмасун,
Тийг олма қатлима, илқинг мабодо толмасун,
Ғамзан чашминг етар, жон садқа, эй абрў ҳилол.

Хоҳ бўлсун ул гадоу хоҳ бўлсун ул ғани,
Фарқ йўқ, ишқ ичра ноҳуш эрминш ошиқлиқ фани,
Не балоланг соат эрди, анда мен кўрдим сани,
Хоб кўздин учти-кетти, тоб жисмимдан мани,
Ул кун ким кўрса этиб, пинҳон тутуб эрдинг жамол.

Улгунимча айлабон юз зору минг оҳу фиғон,
Истарам ҳақдин, баса, ҳам ошқору ҳам ниҳон,
Бўлмасун ҳам бори ғам-ла қадинг, эй сарви равон,
Айларама донм дуойи жонинг, эй ороми жон,
Умруннг ортсун, то қиёмат кўрмасун ҳуснунг завол.

Нозанин хўю неку ахлоқ, эй равшан замир,
Шарму одобу ҳаё бобида йўқ сенга назир,

нати арз айламак йўқ, сен ўзинг соҳиб басир,
Эни муддатдурки, ишқингга Камий бўлмиш асир,
Эр тараҳҳум бирла ҳолин сўғил, эй ширин мақол.

* * *

Ишқиди чу бизни зор қилди,⁵⁴
Чашимизни чашмасор қилди,
Кўзларни йўлдида чор қилди,
Фурқат тунига дучор қилди,
Тонг отқуча беқарор қилди.

Парвонаи шамъи рўйн ўлдум,
Муштоқи чу худқи хўйн ўлдум,
Девонаи ишқгўйн ўлдум,
Бас, турфа асир мўйн ўлдум,
Қилди ҳар инш, ул нигор қилди.

Эй, кўзлари оҳу, тез келгил,
Эй, лаблари шаҳрез, келгил,
Эй, хатлари мушкбез, келгил,
Қилсанг ситаму ситез, келгил,
Ҳажринг ғамни жонга қор қилди.

Султони замона, сен эшит дод,
Токай қилалук фиғону фарёд,
Зиндони фиғоқдин қил озод,
Васлинг била бизни айлағил шод,
Суҳбат майи, бас, хумор қилди.

Чун абри баҳор — дона ашким,
Раъд оҳу шарор — дона ашким,
Беҳадду шумор дона ашким,
Кўздин чу анор дона ашким,
Ҳажри раҳи шашқатор қилди.

Жон садқа сенга нтоб қилма,
Роҳатни менга азоб қилма,
Қатл этмага кўб шитоб қилма,
Ҳижрон ўтига кабоб қилма,
Ишқинг бизи кўб нигор қилди.

Ишқ ичра бу мубталони кўрмаз,
Бетоқат ўлуб юруб, ўтурмаз,

Аҳволини гарчи ёр кўрмаз,
Бир гайрга ўлса ҳам дам урмаз,
Рози Камий (й), ҳар не ёр қилди.

* * *

Ҳолим дигаргун айлади бир дилрабо гўзал,
Қийғони қирмизи, икки юзи сафо гўзал,
Бу ҳолима қилурмукин охир даво гўзал,
Ҳар йил ўн ой қилурман дуо, гўзал,
Қошу кўзи келиб дилу жонга бало гўзал.

Қўзларга нур эдию жонларга нуқта ҳам,
Раҳм ила дийдам устина қўйса эди қадам,
Исори мақдамига сочарди кўзум дирам,
Рум иқлимига Ҳинд амири тузуб ҳашам,
Яъни баёзи ҳуснда холи қаро гўзал.

Мақбули табиъи мардуму марғуби дил эди,
Ошиқ ҳаминша булбулу ул тоза гул эди,
Қим кўрса ҳуснин аз таҳи дил анга қул эди,
Ҳар ким хаёли ичра ани ёди мул эди,
Оламда деса бўлғай ани бебаҳо гўзал.

Тиғи ситам-ла лаҳзада оламни хун қилур,
Нозу итоби бирла тағофулни чун қилур,
Бир дамба кўнглимизини хаёли забун қилур,
Соатда рўзи равшанимиз қаро тун қилур,
Жаллод ғамзасига чу қилмағай имо гўзал.

Хулқи хуш эрди, ҳам ўзи дилкаш эрди, ажаб,
Бир келмади бу кулба сори ҳолими сўраб,
Бир билмади кўнглимизини рангима қараб,
Шаккар забону гунча даҳону расо гўзал*.

Ўл сарви қадди бори ғам илан ҳам ўлмасун,
Ҳусни камол тобсину ҳаргиз кам ўлмасун,
Бе ул жаноб кечаву кундуз дам ўлмасун,
Беҳуда даҳр кулфати анга ҳам ўлмасун,
Тобсун риези даҳрда нашоу намо гўзал.

Назмнингдин ор айламасун, бас қил, эй Камий,
Ғарқи хижолат айламасун қўзларинг нами,

* Бу банд манбада тўрт мисра келган.

Кўб изтироба солди бизи беадад ғамин,
Осудаликин вермади лутфи-ла бир даме,
Ўл чашман вафо билла кони ҳаё гўзал.

* * *

Эй кони файз, зотинги қилмиш сани аҳад,
Эй манбан каромату, эй муршинди балад,
Эй ҳодийи тарийқ, худо келган аббу жад,
Қолдим залолат ичра мани зишт, феъли бад,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Эй таврат боғ гулларни бўй айлаган,
Чу кони ишқ бирла бошини кўй айлаган,
Шавқу муҳаббат ила ҳаё-хўй айлаган,
Донм тариқи Ҳақга таку нўй айлаган,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Эй муқтадӣ шаръу ҳалойиқга муқтадо,
Толиблара сулуки тариқатда раҳнамо,
Зокирлара ҳаминша иши жуд ила ато,
Келдим жанобингизга қилиб ушбу илтижо,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Қутби ситоран фалаку офтобдин,
Яъни жаноби ҳазрату султону-л-орифин,
Ушбу сулук эттилар иршоди толибн,
Тез этингиз бу силсилани сиз ҳам офарин,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Баҳри гунаҳда тоати гаштим шикастадур,
Гирдобн ғамда жону дилим усру хастадур,
Пешн назарда мавжи алам даста-дастадур,
Роҳи нажот менга баҳри ҳоли бастадур,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Бир тавба айласам яна минг йўл ушотаман,
Топсам савоб мингини бир пулга сотаман,
Ҳар бир қадамда балчиқи исёна ботаман,
То субҳ ғафлат уйқусида кеча ётаман,
Эй Боязиди вақт, жаноби пирим, мадад!

Зултимдин ўлди хонан тоат хароб, оҳ,
Юз-минг гунаҳларим бору бир йўқ савоб, оҳ,
Ўз жонима ўзум берадурман азоб, оҳ,

Сўрғонда тонг-ла Хақ на берурман жавоб, оҳ,
Эй Боязиди вақт, жаноби пири, мадад!

Лаҳву лаъби тараб била умр ўтти, сад дариг,
Беҳуда рўзу шаб била умр ўтти, сад дариг,
Фисқу фасод габ била умр ўтти, сад дариг,
Бешарму беадаб била умр ўтти, сад дариг,
Эй Боязиди вақт, жаноби пири, мадад!

Юз қора, рўзгори паришон, Камий қулунг,
Тан ёра, пора-пора гирибон, Камий қулунг,
Бўлган ўзини ҳолига ҳайрон Камий қулунг,
Айтур бу сўзини дийдаси гирибон Камий қулунг,
Эй Боязиди вақт, жаноби пири, мадад!

* * *

Остонангизга юз суртар келиб шоҳу гадо,⁵⁵
Ҳар ғубори покнингиз кўзларга ҳам чуи тўтиё,
Билмишам, фақр аҳлига хокдур негизин кимё,
Айласам, йўқдур ажаб, мисий вужудимни тило,
Истионат ал-мадад, ё шайхи Зайниддин ато.⁵⁶

Эй кароматпеша, файз осор, в-эй олий макон,
Бўлди файзи мақдамнингиздин бу кўйи Орифон,⁵⁷
Гунбази оли (й)нгизи таъзимда ҳам осмон,
Ҳар ғубори кўйингиз жонларгадур роҳат расон,
Истионат ал-мадад, ё шайхи Зайниддин ато.

Қабри покнингиз валиларга зиёратгоҳ эди,
Ишлари доим тазарру бирла зору оҳ эди,
Ҳурматингизни қилувди кимса дилогоҳ эди,—
Хоҳ ул бўлсун гадо, хоҳ улким шоҳ эди,
Истионат ал-мадад, ё шайхи Зайниддин ато.

Эй тариқат пешвоси, в-эй валилар сарвари,
Эй ҳақиқат муқтадоси, в-эй шариат раҳбари,
Маърифат, илму амаллар қонининг сиз жавҳари,
Ҳолу қол аҳли ҳама жон бирла сизга муштарий,
Истионат ал-мадад, ё шайхи Зайниддин ато.

Қўб умид илан Камий келди, аё олий мақом,
Дарғаҳингизга белин боғлаб, ўзин айлаб гулом,
Лутф бирлан бир назар ҳолига айланг ассало (м)
Айлаюр ихлос илан бирди забон ҳар субҳу шом,
Истионат ал-мадад, ё шайхи Зайниддин ато.

* * *

Ё раб, замона халқи бир-бирга ҳосид ўлди,
Фикру хаёли тун-кун онларни фосид ўлди,
Мулло элига оми ҳар доимо зид ўлди,
Илм аҳлини, дариғо, бозори косид ўлди,
Ё раб, кушойиши бер бул кори басталарга.

Ё раб, ижобат айла дармондалар дуосин,
Рад қилма дарғаҳингдин фақр аҳли илтижосин,
Лутфинг била раво қил ҳожоту муддаосин,
Бу дард мўмнёсин сандин тилар атосин,
Ё раб, тараҳхум айла кўнгли шикасталарга.

Ножинс элини, ё раб, бизга ҳабиб қилма,
Бу дарди бедавони ҳаргиз насиб қилма,
Бир зарра ғайри муҳринг дилга қариб қилма,
Муҳтож қил ўзингга, ўзга табиб қилма,
Ё раб, шифо ато қил бемори хасталарга.

Дунё алойиқига бўлдуқ ажаб гирифтор,
Йўқдур жаҳонда биздек ўз жонига жафокор,
Дунёни шевасинди жонимини айла безор,
Дилни тааллуқота пайванд қилма зинҳор,
Ё раб, мени қовуштир озод расталарга.

Ё раб, Камий сўзини мақбули хосу ом эт,
Зикри жамил бирла жорий тилин мудом эт,
Ё раб, баҳаққи некон то ҳашр нек ном эт,
Ширин калом айлаб килкинни хуш хиром эт,
Қилди муҳаммае охир мисраъи жасталарга.

* * *

Ҳижронингиз ичра гам бул кеча,⁵⁸
Ҳолим мани дам-бадам бул кеча,
Йиғларда кўзимда нам бул кеча,
Сизда ғазаб, эй санам, бул кеча,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Гарчанд (ки) кўб эрурлар ушшоқ,
Мандек сиза йўқ ва лекин муштоқ,
Ваҳ, шухратингиз тутубдур офоқ,
Эй қоши кўзи қаро, юзи оқ,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Юз жилва билан хиром этарсиз,
Кабки дарини ғулом этарсиз,
Аҳбоба жафо мудом этарсиз,
Бегоналар калом этарсиз,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Сиз каби жаҳонда борму дилдор,
Таннозу сатангу шўх рафтор,
Хонишлари хўбу шахд гуфтор,
Ҳар кимки кўрур, бўлур гирифтор,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Ўлдум сизи ман фироқингиздин,
Куйдум, басе, иштиёқингиздин,
Қаддим хами қошн тоқингиздин,
Упсам десам оқ тамоқингиздин,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Эй юзлари меҳру моҳи тобон,
Ҳар сориға бўлсангиз хиромон,
Қолгай кўруб элни чашми ҳайрон,
Бўлсун сиза садқа юз дилу жон,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

Базаингиза кимки бўлди маҳрам,
Дерман ани шоҳи Хисраву Жам,
Ҳар икки жаҳонда бўлмангиз кам,
Биздек Камий қулларина ҳар дам,
Ноз ўзгачаву ситам бул кеча.

МУҲАММАСИ КАМИЙ БАР ДУБАЙТИ ШОИР

Скандар давлато, иқболи вақтинг мустадом ўлсун,
Бари аҳли раъоё ҳукму фармонингга ром ўлсун,
Фалак меҳри азалдин базми айшинг ичра жом ўлсун,
Санга тахти жалолат то абад, шоҳо, мақом ўлсун,
Шукуҳингдин саросар даҳр мулкига низом ўлсун.

Аторуд, Зухрау Парвин, Сурайё тоқиға шамса,
Қавокиб мажмуъси бўлсун мужалло тоқиға шамса,
Қамар танҳо десам кам бу муталло тоқиға шамса,
Бўлуб хуршид қасрингни мусаффо тоқиға шамса,
Муалло боргоҳинг фарши чархи нилфом ўлсун.

шоҳи муаззам, сенга қул оламдаги султон,
Торо, Хиваву Эроғу Турон, жумла шаҳристон,
Борақ кўнглинга аёмдин ғам теймасун бир он,
Ним коминг эса давр айлабон онинг бирла даврон,
Нонга гардун иши ҳар лаҳза қилмоқ эҳтиром ўлсун.

ФУЗУЛИЯ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Нараболиғ муҳафин, эй ойузори ояси,
Сен меърожин мусаллам сенга аъло пояси,
Қажаб, ошқиқларинг ўлмаз-са шавқин ғояси,
Сочинг фикри қаму савдоларинг сармоясин,
Масун ўқусук бошимдин сарв қаддинг соясин.

Оғу тоби тори сунбул зулфи мушкосойинга,
Тоҳ рухсорин хароши рўйи меҳроройинга,
Солнинг қон ютмоғи ёқути руҳафзойинга,
Шу кўёр ҳар субҳидам хуршид хоки пойинга,
Содатдан анинг келдучка ортар пояси.

Тин қат кўк устидин айларинда ҳар кун малак
Мам, бани одам, не навъеда самодин топмак,
Қамарсиймо, сўзи ширин, лаби кони намак,
Сарманш маҳди замин бир тифли сантак, то фалак
Даҳр золин қилмиш атфолн риеҳин доясин.

Шик ила бир ерда ўлмаз зуҳду тақвою фалоҳ,
Дубталолнғлар ҳунарду, хор-зор ўлмоқ мубоҳ,
Тоғна йўхду, ҳар жамоатга ўлур бир истилоҳ,
Ани саломат киватин зевар қил, эй аҳли салоҳ
Мам, банга бас, мўйи жўлидам — жунун пироясин.

Шикду оламда бир ҳайратфизой комил асар,
Занбаи айнн сиришкун мазҳари оҳи шарар,
Сургай эрди сели ашкндин Камий юз-минг зарар,
Барқи оҳиндин Фузулийнинг куярди беҳабар,
Дуилар афгон ила бедор ўлмаса ҳамсоясин.

ХУВАЙДО ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Шикда, эй дўстлар, бўлмиш мани ҳолим хароб,
Ўл юзи ҳажрида тун-кун икки дийдамду пуроб,
Ани васли бирла қилгон оҳима йўқтур ҳисоб,
Тодеъим қилса мадад бўлур бу оҳим мустажоб,
Бир ўзи келгаймукни олдимга ҳолимни сўроб.

Соғиниб дийдорини кўздин оқар қоним менинг,
Кошкн бўлса муяссар лаҳза жононим менинг,
Айлагай эрдим фидоси бўлса тенг жоним менинг,
Қолмас эрди заррае кўнглимда армоним менинг,
Улсам эрди олдида гулдек жамолига қароб.

Оҳ, ўшал кўзларки, маст эрдим нигорим бўйига,
Термудурдим ҳар замон ойина янглиғ рўйига,
Сажда айлардим ўпуб ери остон кўйига,
Доғи дардидин олиб борсам лаҳадни уйига,
То қиёматга мазоримдин келур бўйи кабоб.

Истарам қадди ниҳолини қиёмат даштида,
Айларам ёрим саволини қиёмат даштида,
Рўзи қил ёраб, висолини қиёмат даштида,
Қўрмасам ёрим жамолини қиёмат даштида,
Сахл эрур дўзах азоби, бу эрур қатиг азоб.

Айб қилма, зоҳидо, девоналар билмас ўзин,
Ерднн ўзга, алар, ғайрига солмаслар кўзин,
Бу Қамий ҳам қайда бўлса ёрни сўзлар сўзин,
Бу Хувайдо ёрни дўзахаро кўрса юзин,
Менга ул жаннат эрур келса ризомен ҳар азоб.

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дегум доимо, ё ҳаёта-н-набий,
Мани юз қаро, ё ҳаёта-н-набий,
Боқинг бир қиё, ё ҳаёта-н-набий,
Сиза жон фило, ё ҳаёта-н-набий,
Қйлай ман гадо, ё ҳаёта-н-набий.

Сизи шаръингиздур тариқи худо,
Ҳама осий умматга сиз муттако,
Манга ҳам этинг лутф рўзи жазо,
Отингиз Муҳаммад — расули Худо
Ки, сиз Мустафо, ё ҳаёта-н-набий.

Қачон етгум ман зори ҳасрат қарин,
Ўшал кўй туфроғидур анбарин,
Чу сурсам дарингизга рўю жабин
Ки, хайру-л-башар, сайиду-л-мурсалин,
Рисолат пано(ҳ), ё ҳаёта-н-набий.

Дилимда ҳама шавқи субҳу масо,
Тилимда ҳама зикри ёри бано,
Эрурман ҳавосида булбулнамо,
Мани осийни еткурур равзаго,
Қачон ул худо, ё ҳаёта-н-набий.

Борурға етиб иститоат қани,
Боранда неча қабри поки бани(й),
Етурсун ўзи лутф ила Ҳақ мани,
Тавоф айласам хонаи Каъбани,
Будур муддао, ё ҳаёта-н-набий.

На дилда таманнои боғу чаман,
На жонда ҳавон гулу ёсуман,
Эрур орзуси бу жону бадан,
Қолай Жаннат-л-бақия хокида ман
Ки, етса қазо, ё ҳаёта-н-набий.

Кўрубон у кун ҳавли маҳшар шошур,
Ҳама халқ ўз ҳолига йнғлашур
Ки, кори табоҳимни анда ёшур,
Ҳама умматингиз умид айлашур
Ки, рўзи жазо, ё ҳаёта-н-набий.

Ҳамадин зиёда эди бу ҳусул,
Висолингизда тобсам эрди вусул,
Қамий қулларингиз таманноси шул,
Ҳазиний дуоси бўлурму қабул,
Бу гарқи гуно(ҳ), ё ҳаёта-н-набий.

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сийд этмас эрсалар қошларни ё ҳам қилмасун,
Ул қаро кўзларни жонларга бало ҳам қилмасун,
Бар-бадар айлаб, эшикларга гадо ҳам қилмасун,
Қилмас эрса менга, ғайрига вафо ҳам қилмасун,
Ё агар лутф айламас, жавру жафо ҳам қилмасун.

Ёрдуруб ошиқа киринг-ла йўлидин хору хас,
Ўлдуруб кўйида зулм ила нигоҳе айламас,
Ҳусн тахти узра эрмас эрсалар фарёдрас,
Сунбули зулфи каби ошифта айлаб ҳар нафас,
Қокиликдек рўзгоримни қаро ҳам қилмасун.

Кўзга ялмас эрса ошқларни ашқи жоласин,
Сайр қилмас бўлса кўксин узра доғи лоласин,
Қўрмаса афлоқларда дуди оҳи воласин,
Гар эшитмас бўлса, боғларда фиғони ноласин,
Гул юзин кўрсатмасун, булбул наво ҳам қилмасун,

Ошқ эркинимни ўлмасдин бурунроқ билмаса,
Ранжу меҳнат ичра ҳолимни забунроқ билмаса,
Ҳажрида бир кунни йиллардин узунроқ билмаса,
Дарду ғам ишқиди кун-кундин фузунроқ билмаса,
Бир мусулмонни ўзига мубтало ҳам қилмасун.

Қилмади номехрибон бу мубталосин ёдким,
Кимга боруб йиғлайин ман, кимга айтай додким,
Нозу истиғно, тағофул айлабон бунёдким,
Йиғламоқдин хийра бўлди-ю демиш, фарёдким,
Кўзга босган изларини тўтиё ҳам қилмасун.

Ҳажрида ул дилрабоннинг тобакай тортай алам,
Йиғла (й) -йиғлай ҳасратидин қолмади кўзларда нам,
Сўрма аҳволими гоҳи қилиб лутфу карам,
Қўчмасам нозук белингдин бир йўл охир, мунча ҳам
Қоматини ғам юки бирлан дудо ҳам қилмасун.

Кўб машаққатларни чеккай, мубталоси ўлмаса,
Жон фидо қилмоқ-ла ул гулруҳин кўнгли тўлмаса,
Гунчан лаъли лаби ашқим суйинди кулмаса,
Гар кафи пойига қўймакка муносиб бўлмаса,
Йиғлатиб, қон ёшми ранги ҳино ҳам қилмасун.

Ишқиди шайдо қилиб васлиниким кўрсатмаса,
Ҳажрида кўксум тилиб васлиниким кўрсатмаса,
Ҳол зоримни билиб васлиниким кўрсатмаса,
Якка бир оқшом келиб васлиниким кўрсатмаса,
Ранги рўйимни бу янглиғ қаҳрабо ҳам қилмасун.

Базму ишрат қилмағайдук бемаю сеторсиз,
Ҳеч ором олмағайдук бегулу гулзорсиз,
Ваҳ, нечук бўлғай Камий эмди жамоли ёрсиз,
Келмаса кўнгил сўраб гоҳи, Муқим ағёрсиз,
Бўйла аввал ишқ ўтин дилларга жо ҳам қилмасун.

РОИҚИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Қилурда ҳар тараф жавлон, бўйингдин,
Хижилдур сарви нахлистон бўйингдин,
Банимтек қумрилар полон бўйингдин,
Даво қил дардима, жонон, бўйингдин,
Кўнгулда қолмасун армон, бўйингдин.

Дилим ишқинг ўтига уд, жоно,
Димоғимдин чиқар чўқ дуд, жоно,
Зарар йўқ менга, сента суд, жоно,
Вужудим қилмағил нобуд, жоно,
Этиб ҳажр ўтига сўзон, бўйингдин.

Алам, ғам мунисимдур рўзу шабким,
Яно ортуқ жафо эттинг, ажабким,
Кишига қилмағай мундоғ ғазабким,
Ситам кўб қилма, раҳм эттил, сабабким,
Танамда қолмади дармон, бўйингдин.

Берибдур ҳуснунгга фар хатту холинг,
Зиё хуришддин рухсори олинг,
Мажолисларга қилғум қийлу қолинг,
Тиғайлардан бири кўрмак жамолинг,
Тўкиб қон ёшларим гирён, бўйингдин.

Аё султон, фидо қон ўқларингга,
Қиланда азми майдон ўқларингга,
Нишон сийнам отгон ўқларингга,
Муқаввас қошу мужгон ўқларингга,
Қилай жону таним қурбон, бўйингдин.

Дироқ сандин сиришки олдурман,
Борай десам учуб беҳолдурман,
Малолат ичра моҳу солдурман,
Ҳазин хотир, паришонхолдурман,
Ки, зулфинг торидек ҳарён, бўйингдин.

Аё, эй ҳусн шоҳи, адлу дод эт,
Мани бечорани гоҳ-гоҳ ёд эт,
Ўзингга бу жаҳонда яхши од эт,
Мани ширин каломинг бирла шод эт,
Лаби, эй, гунча хандон, бўйингдин.

Ким эрди, эй пари, вассофи хуснунг,
Магар бўлдим ул тавофи хуснунг,
Раводур ҳар на деса лофи хуснунг,
Десам камлик қилур авсофи хуснунг,
Агарчи неча юз милён, бўйингдин.

Эшитил, дилрабо, дил арзи додин,
Санга оҳиста айтгумдур муродин
Ки, доим кокилингин қилди ёдин,
Хижолатдур кўруб зулфинг саводин,
Чаманда сунбулу райҳон, бўйингдин.

Жаҳон маҳвашлари санга баробар
Бўлолмас ҳусн ичра, эй суманбар,
Фироқингдин дилу жойимда ахтар,
Илоҳи, айласин тангрим муяссар
Висолингини менга ҳар он, бўйингдин.

Фақирингдур Камий, сан ҳуснға бой,
Зақоти ҳусн бергил, эй неку рой,
Қилай ҳажрингда тоқай оҳ ила вой,
Нигоро, бер висолинг сахнидин жой,
Қўйингда Ронқий меҳмон, бўйингдин.

КОТИБ³⁹ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ким айтти жабр кўб қил, лутф кам-кам,
Ғаразгўларға ҳаргиз бўлма ҳамдам,
Назар қил ҳолима, эй шўх, бир дам,
Кўзунг жодуси этти кўзларим нам,
Кўзум мардумлари кўб чекти мотам.

Хаёли кокилинг жисминин печон,
Лабинг ёди қилиб ашқимни ҳам қон,
Дилимда ҳасрати қаддингдин армон,
Алам рашк ила чекмас на учун жон,
Юзунг узра ароқдур, гулда шабнам.

Қилурсан орзуйн васли дилбар,
Сиришқинг қон қилу рангингни заъфар,
Аё жон, бу сўзмни айла бовар,
Ман ила ҳоли дил ўлмаз муяссар
Ки, чекмай бори ғамдин қоматин ҳам.

Малолат келмасун, жоно, дилингда,
Назокат ичра нисбат нўқ оелингда,
Фасоҳат ичра ҳам, биллоҳ, тилингда,
Лабинг жонбахш эрур ўлган элингда,
Ҳай ўлмас юз Масиҳо чекса ҳам дам.

Табибдин истамон дардим давосин,
Лабингдин истарам дардим шифосин,
Қабул этгил, шаҳо, қул муддаосин,
Хуруси дил чекар мадҳинг навосин,
Нишимангаҳ дарахтин айлабон ғам.

Равондур кўзларимдин қонлу ёшим,
Ғаму кулфат, аламдур ичу тошим,
Тараххум чоғи, эй рўйн қуёшим,
Этиб зулфингни тори банди бошим,
Фироқ ичра солибдур бу танним ҳам.

Сенгаму айтайин, маъшук нозанин,
Пўқ эрса, дейму ошиқни (нг) ниёзин,
Камий худ айта олмас шарҳи розин,
На дер Қотиб ҳикоят жонгудозин,
Кўзинг жодуси этти кўзларим нам.

УЗЛАТ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўнгилға на йўқу на борим келур,
На ёдимға хешу таборим келур,
На жону на жисми низорим келур,
Саҳарда ҳаёлимға ёрим келур,
Хиром айлабон гулузорим келур.

Қим эркан снёсат-ла, ё раб, келан,
Қилур нолау зорлар он жисман,
Эрур ларзада ҳавфдин жону тан,
Кўнгил мулки ичра тушуб қўзғалан,
Магар шаҳнан шаҳсуворим келур.

Бўлай хоҳ саҳродау хоҳ тоғда,
Улай хоҳи гулзору ё боғда,
Шабу рўз юрмоғу турмоғда,
Висоли ҳаёла тушар чоғда,
Чамандин насими баҳорим келур.

Эрур лозим ашкмин ол айласам,
Ики кўзни дарё мисол айласам,
Фироқда қадимни дол айласам,
Дилором висолни хаёл айласам
Ки, анқо қушидек шикорим келур.

Фалак ёнди бу қулни афғонидин,
Кўнгил сўрмади зори ҳайронидин,
Қолибман йироқ васли давронидин,
Қаро тун аро доғи ҳижронидин,
Бошимга ғамни бешуморим келур.

Ман ишқида гаҳ шарда, гаҳ хайрда,
Гаҳи масжид ичра, гаҳи дайрда,
Хавоси-ла жоним қуши тийрда,
Анинг равзаси жаннат-е-сайрда,
Кўнгилга на мулки диёрим келур.

Етишмакка жонона Узлат каби,
Ману кунжи вайрона Узлат каби,
Камий тушти ҳижрона Узлат каби,
Фироқда девона Узлат каби
Ки, бир ерда турмоққа орим келур.

ХОЖИ МУИН (МЕҲРИН) ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС⁹⁰

Солди беилмлиқ хатоларга,
Боролук илм учун Хитоларга,
Еткурур илм муддаоларга,
Эй, на бўлди бизим садоларга,
Чиқмаюр арздин самоларга,

Асафо, ўлмадуқ биз илма яқин,
Биз баъд ўлдуқ илм ҳам (ва) фанди,
Бизда илм ўрнига нифоқу кин,
Ўзгалар ер жамоа қайғусин,
Биз ҳамон кайф ила сафоларга.

Ҳамадин касби илмдур аъло,
Ҳамадин дасти илмдур боло,
Илмдур обрўин ҳар дўс(т)ро,
Биз гирифтори жаҳду нафсу ҳаво,
Ғарб учор илмдин ҳаволарга.

Илмсизлиқ чиқорди туз йўлдин,
Олди қоплаб боло ўнгу сўлдин,
Бизда на қолди сарвату пулдин,
Кетти мол ила мулкимиз қўлдин,
Ғарбийлар, яъни ўвруполарга.

Илмсиз бу хисолда турсоқ,
Бу тариқа заволда турсоқ,
Беҳуда қийлу қолда турсоқ,
Яна юз йил шу ҳолда турсоқ,
Динимиз-да гедар ҳаболарга.

Дер Камий, жонлар, уйғонинг эмди,
Диглабон қонлар уйғонинг эмди,
Чекиб афғонлар уйғонинг эмди,
Эй мусулмонлар, уйғонинг эмди,
Дард учун тирмошинг даволарга.

АФСУСНОМА⁹¹ (Ҳўқанд фожеатгина)

Вой, юз войки, Фарғона хароб ўлди, дариг,
Зулм ўқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариг,
Бу мусибатдин улус чашми пуроб ўлди, дариг,
Ҳам бари катта-кичик бағри кабоб ўлди, дариг,
Шаҳр обод эрди чун дашти сароб ўлди, дариг.

Эрди Ҳўқанди қадим усру назокат ичра,
Ажабо, қолди букун гарди фалокаат ичра,
Биз эрурмиз, дер эди: шон ила шавакат ичра,
Солдилар ўзларини ҳайфи ҳалокаат ичра,
Ишлағон ишлари, кўр, зидди китоб ўлди, дариг.

Оҳ ила нолаи Ҳўқанд самодин ўтти,
Ҳама эл ушбу мусибат ғамидин қон ютти,
Сулҳ деб неча замон рус элига кўз тутти,
Ғалаба бизда дебон ўзларини унутти,
Балшивиклардин алар узра итоб ўлди, дариг.

Бўдилар атосидин ул кун фарзанд жудо,
Очлик меҳнатидин кўзиға кун бўлди қаро,
Ҳикматинг билмазам, ё раб, сан ўзингсан доно,
Ҳеч банданг бошиға бўйла мусибат солмо,
Бу мусибатлара Ҳўқанд эли боб ўлди, дариг.

Балшивиклар (н)нинг зулми, феъли бади,
Зару амволларин қўймади, мундоғ талади,
Бўлмайн қолмади торож гилему намади,
Монеси золиму таадди бўла олмади аҳди,
Ваҳки, мазлумлара явм ҳисоб ўлди, дариг.

Қайси бадбахт сабаб бўлди экан бу қор-а?
Қилди бечора мусулмони ҳамасин овора,
Бу аламдин ҳама эл жону дили минг пора,
Молу дунёларин, афсус, ёқилди нора,
Беғуноҳларга, кўрунг, қаттиғ азоб ўлди, дариг.

Ҳар киши ушбу мусибат кунини ёд этса,
Айб қилманг анн минг дод ила фарёд этса,
Қимдур ул эмди бу вайронани обод этса,
Қани ул ҳарбий министир, келиб имдод этса,⁶²
Ҳайфким, гафлат ила кўзалари хоб ўлди, дариг.

Аҳли Хўқанд «.....»да* мисоли йўқ экан,
Жанг қилмоққа алар қуввату ҳоли йўқ экан,
Аксари ноқис экан, ҳеч гумони йўқ экан,
Қонда бордур у камолига заволи йўқ экан,
Бўлди хуммор улким, масти шароб ўлди, дариг.

Чунки ҳақ жонибидин келса қазо бирла қадар,
Бешаку райб, ҳама бўлғусидур кўру басар,
Тамаъий суд этса тобғуси аҳли кимса зарар,
Бўлма мағрурки, чўқ манда деюб мол ила зар,
Сийму зар, моли чўқ эллар бешитоб ўлди, дариг.

Мингу уч юз бўйла ҳам ўттузу олти эди сол,
Ой жумодил-аввал эди,⁶³ эшитинг, эй нехисол,
Оҳ, Хўқанд элининг давлатига етти завол,
Қимки бу фожеъау ҳодисадин қилса савол,
Ул саволига, даригоки, жавоб ўлди, дариг.

Эй Камий, келгилу эмди сўзинг мўхтасар эт,
Очиб ибрат кўзи-ла ҳар ёнга бир-бир назар эт,
Ушбу навъ ҳодисадин бор эса ақлинг ҳазар эт,
Ҳамватанларга бу ақсул-ҳаракатдин хабар эт,
Шаҳри обод эди Хўқанд, хароб ўлди, дариг.

* Манбада шундай.

МУҲАММАСИ ДАР МАЗАММАТИ АСИ

Сийнаси тиги ситам-ла чок-чок ўлсун отинг,
Бодаво иллатга учраб дарднок ўлсун отинг,
Устixonи ёнчилибон майда хок ўлсун отинг,
Амаъ қилсун қурту қуш гўштини, пок ўлсун отинг,
Менга еткурди изо, хуллас, ҳалок ўлсун отинг.

Минса орқосига ҳар ким еткурур эркан зарар,
Ихшидур шундай ямон атвор отдин гову хар,
Кеча бўлса кўр экандур, кундузи бўлгонда кар,
Қўйғил ўз ҳолина, асло ҳолидин олма хабар,
Қолиб иссиғларда чанқаб, беҳўрок ўлсун отинг.

Эй биродар, устига минмакка ор этғил ани,
Бошини то хайр қилмай назрдор этғил ани,
Қонда юз қамчи санаб ур, турфа хор этғил ани,
Чўллаб ўлсун ул, суғорма—сувга зор этғил ани,
Ташналаб юрганда донм сўзнок ўлсун отинг.

От эмас эркандур ул, бир отаси безор экан,
Минса ҳар ким устига донм иши озор экан,
Номуборақ, шум қадам, бадфеъл, бадкирдор экан,
Ўғри йўлни босмаган — бир умр кажрафтор экан,
Юғару қирчанен, аззоси чечок ўлсун отинг.

Бул Камий қул илтимоси шулдур, эй олий сифот,
Элтибон бозора онн олсалар бир пулга сот,
Бу каби от жисмига, эй руҳ, кирмоққа уёт,
Бир фалокатдин Худо дутфи билан топтук нажот,
Бир дуо айлaiки, қассоба керок ўлсун отинг.

Жоно, ул кун кўруб ойдек жамолнинг,⁶⁴
 Андин бери хаёлимда хаёлинг,
 Соғинурман ҳар дам ширин мақолинг,
 Гоҳи лабинг, гоҳи рухсори олинг,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг

Ҳажринг тиги ила кўксум яролиғ,
 Билдим эмди, ёмон экан жудолиғ,
 Дарди ишқинг эмас экан даволиғ,
 Ошнқ ишн доим ранжу анолиғ,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг

Айру сендин, жоно, ҳолим ёмондур,
 Дилим қону кўзим ёши равондур,
 Ранги рўйим заъфарону самондур,
 Сенсиз ишим, хуллас, оҳу фиғондур,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг

Нозанинлар қулдур, шоҳи жаҳонсан,
 Ҳусну жамол ичра ҳуру ғилмонсан,
 Малакмусан, билмам, ва ё инсонсан,
 Қисса кўтах: ягонаи давраонсан,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг

Шаҳр ичра йўқ сени мислу назаринг,
 Кўрган одам бўлур, бешак, асиринг,
 Ойинадин равшан эрур замиринг,
 Аён сенга ҳоли мендек фақиринг,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг

Истаб сани бўлдим ҳар ён оввора,
 Жудо бўлуб висолингдин якбора,

Тан ёраву дилларимдур садпора,
 Раҳм айласанг жонз эрур ман зора,
 Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг.

Ҳар дам сендин, Камий, умиди шулдур,
 Гойибона жанобингга бир қулдур,
 Маҳнинг гулзорида гўё булбулдур,
 На парвойи боғу сарву сунбулдур,

Кўнглум тилар кўрмак сени жамолнинг,
 Муяссар айласун Тангрим висолнинг.

* * *

Минг асаф, бир ажиб замон ўлди⁶⁵,
 Яхши ким эрса ул ямон ўлди,
 Баъзи эл толиби занон ўлди,
 Баъзиси мойилин жавон ўлди,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
 Дарду ҳасрат наснби жон ўлди..

Кўраминз иттифоқ йўқ асло,
 Миллатимиз нифоқ бирла адо,
 Бўлди як сон омню мулло,
 Улмади фарқ жоҳилу фузало,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
 Дийдадин ёшлар равон ўлди.

Қилмагай илм сари кимса назар,
 Халқ беҳуда касба майл айлар,
 Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,
 Кўрди беилм қавм неча зарар,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
 Донмо судимиз зиён ўлди.

Кўраминз, халқ барча гафлатда,
 Мубтало бир маризу иллатда,
 Баъзи осойиш ила роҳатда,
 Фуқаро лек бори меҳнатда,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
 Рангимиз мисли заъфарон ўлди.

Ўзгача бўлди халқ атвори,
 Одама ўхшамас қилан кори,
 Истагай бир-бирисин озори,

Мисли ҳайвон феълу кирдори,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Одамизоднинг гумон ўлди.

Ҳеч инсофдин гапурмазлар,
Ростлиғ кўчасига юрмазлар,
Ваъдан аҳду вафода турмазлар,
Оя бирлан ҳадис кўрмазлар,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Ерга ҳаққоният ниҳон ўлди.

Еш ўлғондин айламазлар нанг,
Яхшилар ҳолидур ямондин танг,
Кимга ҳақ сўз десанг қулоғи гаранг,
Ичиши бода, чекмишидур банг,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Кори беҳудалар аён ўлди.

Айлағайлар фасоду фиққ талаб,
Қолмади ҳам ҳаёву шарму адаб,
Ҳама иш чаффасига кетти қулаб,
Унгига ол сен ўзинг, ё раб,

Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Бул ажаб охиру-з-замон ўлди.

Эй Қамий, сўз сўзласам бисёр,
Оз иншод айладим ночор,
Дил билан тилда айларам такрор:

Дину миллатга тангри бўлсун ёр,
Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Сўзе—дил сўзлари баён ўлди.

* * *

Ҳар ким ўзина олса неку од вақтидур,⁶⁶
Ношодларни айласа ким шод вақтидур,
Оч элни тўқ эл айласалар ёд вақтидур,
Сарфи дирам, қарамлар ижод вақтидур,

Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур

Оч қолдилар Уфау қариби Ўрнбурғ,⁶⁷
На парча нон алардау на бор қатра дуг,
Аҳли аёли бирла жужуқлар ейиб суғуғ,
Тарки ҳаёт қилди десам, сўз дагил дуруғ,

Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

Очлик суубату алами чўқ ямон эрур,
Бир луқма ҳасратида юз оху фиғон эрур,
Бир нон аларни наздида гўёки жон эрур,
Онларга лутфу марҳамате ушбу замон эрур,
Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

Сиздин фақир элина равон бўлса зарру сийм,
Бешак билингни, они савоби эрур азим,
Ҳар ким саховат аҳли эса жойидур наъим,
Ул кимсаки бахил эрур жо анга жаҳим,
Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

Тўқлиқ замони сиз даме бир фикри оч этинг,
Оч элни дардина қарам айлаб илож этинг,
Зулматаро қоланлара фикри сирож этинг,
Нақши қадуми фақр элин фарқа тож этинг,
Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

Бечораларга лутф ила айланг назар букун,
Ул оч элни ҳолидин олинг хабар букун,
Пўлланг аларга ҳиммат эдуб сийму зар букун,
Токим дуоси сизлара қилсун асар букун,
Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

Ҳар шаҳре қаҳат офатидин асрабон Аллоҳ,
Қилсун фарох рўзи анга рўзу солу моҳ,
Лутфинг-ла, ё раб, онлари ҳолина қил нигоҳ,
Истарга, эй Қамий, ўзиндин ўзга йўх паноҳ,
Боёни вақт, этингиз имдод, вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз обод вақтидур.

* * *

Ражоки, камчили (к) кам-кам бўлур тараққиёт,⁶⁸
Ражоки, баъзи ғалатлар топар ҳам ислоҳот,
Қувон-қувон зулумот ичра бор ол, ҳаёт,
Биза башорати хушдур ўқуш бу абёт,

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот

Нажот истасанг илму маорифа ёпиш,
Ҳамиша илмни таҳсил айла ёзу қиш,
Сенга улуму маориф керак, на зар, на кумиш,
Бу сўзни дингла, панди тамоми мазҳаби киш.

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот

Ватан муофазасин айлаюр ҳар имонлиқ,
Бу сўзга мундариж инсонлику муслмонлиқ,
Ки, мард одама лоиқ дағил ҳаросонлиқ,
Чу ҳар қийин иши сўнгида бор осонлиқ.

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот

Талаб қил илму фанни дунёга ҳарис ўлма,
Ҳарими Каъбада сан мойили қанис ўлма,
Бу пандим олғилу нодона ҳамжалис ўлма,
Бўлуб анис анга, доно элига пайис ўлма,

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот

Илоҳи, илму фунуна бу Камийни моил эт,
Ниҳодидин ани шакку қадарни зои эт,
Ҳамиша мақсади илму амалга ноил эт,
Муқаррар мақтаъи назмингда фарди қонл эт,

Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,
Уён Ватан, уён, ортиқ кўринди субҳи нажот

АНДИЖОН ЗИЛЗИЛАСИ ХУСУСИДА⁶⁹

Тавба денг, аҳбоблар, бўлди яқин охир замон,
Жунбуши ер бирла яқсон бўлди мулки Андижон,
Жумласи барбод бўлди молу жону хонимон,
Зору гирён қолдилар ёшу қари, хурду калон,
Хавфдин бўлди ҳама эл ранги мисли заъфарон,
Бегумон бўлди бу воқеъа қиёматдин нишон,

Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон

Топмайин таскин замин, жунбуш давом этмакдадур,
Оҳким, соат-басоат, субҳу шом этмакдадур,
Е қиёматдин халойиқга паём этмакдадур,

Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Андижон аҳлини аҳволи қатиг, бўлди хароб,
Ҳазилар нолону ҳайрон, баъзилар чашми пуроб,
Азми дил бирёну баъзнинг жигар бағри кабоб,
Бу муҳтожу яланғоч қолган элга йўқ ҳисоб,
Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Андижон мулки, ажаб, офоқаро машҳур эди,
Уш ҳаво ҳам фараҳазову кўб маъмур эди,
Ар забонеда камолу шухрати мазкур эди,
Уму дунё, айшу ишрат бирла эл мағрур эди,
Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Ютар, ўтга қуяр молики бўлса безакот,
Арқ қилманг ҳам яна, эй дўстон, савму салот,
Уру сунаатдин тажовуз айламак қаттиг уёт,
Ари эҳсону мурувват-ла чиқоринг яхши от,
Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Андижон аҳлига бориб эмди имдод айлангиз,
Часта жон, мажруҳ тан, ғамгин дилин шод айлангиз,
Ан очиб, ибрат олиб бу кунлари ёд айлангиз,
Арсангиз ҳар ерда бир вайрона обод айлангиз,
Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

Андижон аҳлини мундоғ ҳайратафзо мотами,
Бошига тушган балову меҳнату ранжу ғами,
Ани ҳасрат қўйди кўнглига жамъийн одами,
Ау ризову сабрдин йўқ ўзга чора, эй Ками (й),
Ал-амон, бу зилзила офотидин, минг ал-амон,
Сақла ўз лутфинг била, эй холиқи кавну макон.

ТАЪРИХ-МАРСИЯЛАР

ШОИР МУҲИН ВАФОТИГА ТАЪРИХ-МАРСИЯ²⁰

Қомилу фозили замон Муҳйи,
Манбаъи фазлу илма кон Муҳйи.

Асру ҳам даҳрда фариду ваҳид,
Бешакку бегумон Муҳйи.

Дар миёни муборизи шуаро,
Будек марди қаҳрамон Муҳйи.

Назм мулкин тамом тасхирин,
Тиғи тил бирла айлагон Муҳйи.

Даҳрда йўқ эди назирин анинг,
Гар десам бор эрур ҳамон, Муҳйи.

Арабию форсий китобега
Эрди хушфаҳму нуктадон Муҳйи...

Мен нечук мадҳинг баён айлай,
Жумла оламғадур аён, Муҳйи.

Чунки тақдир бирла моҳи рабеъ,
Келди бу шаҳри Андижон Муҳйи.

Водаринго, жумоду-л-аввал
Бўлди бетобу нотагон Муҳйи.

Иржаъи ҳақ нидосини эшитиб,
Бўлди «Лаббайк» деб равон Муҳйи.

Чорум моҳу рўзи сешанба
Ҳаққа таслим қилди жон Муҳйи.

Етмишу беш йил кўрубон умр,
Охири кетти, ваҳ, қаён Муҳйи.

Турфату-л-айнда, кўринг, аҳбоб,
Бўлди ер остига ниҳон Муҳйи.

Узди кўнглин бу дори фонийдин,
Бўлубон мойили жинон, Муҳйи.

Лек аҳбобларни фурқатида
Айлади дилларин қон Муҳйи.

Ед овари каломи покидин
Қўйди ёрона армугон Муҳйи.

Қабри покин Худо қилиб пурнур,
Айласин жойин жинон, Муҳйи.

Ўзгалардин Камийи мухлисина
Эрди бисёр меҳрибон Муҳйи.

Эмди таърихи фавтини сўйлай,
Эшитинг, ёру қадрдон, Муҳйи.

Чашми пўшида хуш зи-рўйи гунаҳ,
Мурд, ваҳ, тожи шоирон Муҳйи.

ШОИР АСИРИЙ ВАФОТИГА ТАЪРИХ-МАРСИЯ²¹

Тошхўжа эшон номи, муллақаб ба Асири(й),
Пўк эрди жаҳон ичра адилу назирин.

Афсуски, бевақт вафотида у(л) зотинг
Доғ ўлди Хўжанд аҳли сағиру кабирин.

Майдони балоғатда анга йўқ эди ҳамто,
Жамъи шуаро аҳлин эди шерин далирин.

Зоҳирда эди кони ҳунар, фазлу камол ул,
Дурру гуҳари илмга баҳр эрди замирин.

Ҳар нечаки авсофини дерсанки, туганмаз,
Бас қил, Камий, қўб яхши эрур сўзни қасирин.

Кел эмди дуо-фотиҳа қил руҳиға онинг,
Билгилки, киши қолмағай оламда ахири.

Пурнур қилиб қабринин, дийдор насиб эт,
Ё раб, анга бўлеун сани лутфингни касирин.

Авлодию аҳфодина бер сабру таҳаммул,
Ҳам бўлгил ўзинг онлари ҳар онда назари.

Ҳотифки зако рўйи билан соли вафотин
Берайб деди: боғи Эрам жойи Асири (й).

ИСМОИЛБЕК ҒАСПРАЛИ ВАФОТИГА ТАЪРИХ-МАРСИЯ

Бас, чекуб, аҳбоблар, юз оҳ бирлан минг фиғон,
Гинглангиз, кўздин окузуб ёшлар ўрнига қон.

Водариғо, мотами ким бўлди, билдингизму сиз?
Мотами бир зоти олийқадрдур, эй дўстон.

Олти ҳарф илан мураккаб келди номи сомесьси,
Яъни Исмоилбек мирзо эди фарди замон.

Ул эди аввал маориф йўлига қўйгон қадам,
Ул эди комил адибу ҳам муҳаррир «Таржимон».

Жумлаи ислом элига раҳбару устоз эди,
Барча шогирдонина эрди атодек меҳрибон.

Эрди ул зоти мукаррам дину миллатга паноҳ,
Эрди ул зоти муаззам муқтадойи мўминон.

Ҳадду ғоятдин фузундур мадҳу авсофи анинг,
Айтайин ман қайс бир васфи жамилини баён.

Саҳл сонманг бу мусибатни, аё хурду бўзўрг,
Жумлаи ислом элига бу мусибатдур калон.

Сўзни айлаб мухтасар соли вафотин сўзлагил,
Руҳина ихлос ила бўлуб, Камий, фотиҳахон.

Соғ эдуб авлоду аҳфодина вер сабри жамил,
Жойини жаннатда қилгил, эй Худованди жаҳон.

Олти ҳарфи номидин уч ҳарфи охир маҳв ўлуб,
Ғаспринский эрур таърихи фавти бегумон.

МИЕН ЭШОНЧА ВАФОТИГА ТАЪРИХ-МАРСИЯ

Бир ажаб иш, эй фалак, бу рўз пайдо айлади,
Қилмадинг мундоғ иш гардиши олам то айлади.

Фалак, сандин шикоят айласам бордур раво,
Баски, зулм ортуқча бул кун ошкоро айлади.

Эрмасму бу, ортуқча жафо эрмасму бу,
Бемаҳал бир шамъи жамъимизни ифно айлади.

Мини ул зоти муаллоким, Миён эшончани,
Этибон они, дариго, қабрга жо айлади.

Ишх, йигирма бешга етган ёши ёш эрди ҳануз,
Вақт бор эрди, вале таъжили бежо айлади.

Они мақсудина еткурмай, аё золим фалак,
Кийнанг ўлмаз-са анга бу зулм него айлади.

Навҳа туздилар умуман эл, хусусан аҳли илм,
Мотамида гўёе маҳшарни барпо айлади.

Кена эрдук суҳбатидин шоду хуррам, оҳким,
Ушбу кун аҳбобларга ғам муҳайё айлади.

Эрди олий қадру олий маъқабат, олий сифот,
Наслидин маҳрум эдуб бизларни шайдо айлади.

Ҳеч вақт озор андин топмаган эрди биров,
Бир мулоим хў эди жаврингни анго айлади.

Жоҳилу нодон эли жонига қасдинг кам қилуб,
Кўброқ қасдингни сен хушёру доно айлади.

Олами нос ичра кўб эрди ажалбоб, эй фалак,
Кўюбон онларини, бас, сен қасди мулло айлади.

Эй фалак, минг тавба, йўқ сандин шикоят ҳам гила,
На илож, аммо, қазо ҳукмини ижро айлади.

Вандага йўқ чора жуз таслим, ёрон, жуз ризо,
Бу мусибатни ўзинг рўзи, Худоё, айлади.

Раб, авлодига у зотнинг бериб сабру жамил,
Қабрини пурнур қил, ихёни мавто айлади.

То ҳама мухлислара ёд овар бўлсун деб, Камий,
Ажз илан бу марсия бир оз иншо айлади.

Эмди кел, сўзла вафоти соли зоти ақдасий,
Шакарин маҳина тил тўтисин гўё айладинг.

Дохили жаннат Миён эшонча соли рихлати,
Эй Камий, ҳаққоки бас, бе райбу бёё айладинг.

МАЛЛАХҲУЖА ВАФОТИГА ТАЪРИХ-МАРСИЯ⁷⁴

Кўз очиб кўргил, Худонинг қудрати,
Бу тириклик, бу ўлум бир ҳикмати.

Биз муҳибларни ва лекин, сад дариг,
Уртади бир зот нори фурқати.

Маллахўжа эрди номи нек анга,
Бўлибон бетоб етти муддате.

Иржобий Ҳақнинг нидосин эшитиб,
Ҳақ сари кетмоққа бўлди рағбати.

Қирқ ети ёшида ул олий сифот
Нўш этти, ваҳ, ажалнинг шарбати.

Рўза ойининг йигирманчи куни
Борибон этти макон ул жаннати.

Эрди мақбули ҳама хосу авом,
Баски, хушхў эрди олий ҳиммати.

Ҳеч ким озор андин топмаган,
Барчадин ортуқ эди бу хислати.

Пок тийнат эрди, покиза насаб,
Кам эрур ҳар қанча ёзсам милҳати.

Мундоғ ўз амсоли ичра ул жаноб,
Фавқулода эрди иззу ҳурмати.

Юздин бир авсофи некусин ани,
Ёзмишам бир оз топиб фурсате.

Боқий авлодиға бер сабри жамил,
Е Раб, ўз лутфинг-ла айлаб шафқате.

Эй Камий, сўз мухтасар бе рўйи яъс
Фавти соли Маллахўжа раҳмати.

МАНЗУМАЛАР

ТАЪРИФУ ТАВСИФИ ИЛМ ВА ДАР ТАРҒИБУ ТАҲРИСИ МУХОТАБИИ БЕСУҲИИ ИЛМ⁷⁵

-Бўласан, жоно, жаҳонда бебадал,
Илм сориға агар қилсанг жадал.

Ғайри илма ҳеч фахр этмам демниш,
Фахри олим мурсали зоти ажал.

Чинда бўлса илмни айла талаб,
Чин ҳадисиға қилай десанг амал.

Икки дунёда киши топғай шараф,
Илмдин бебаҳра қолмақлиғ залал.

Марду занға илм фарз ўлгонлиғи,
Барчага машхўр бу ширин масал.

Айла таҳсили улум, эй пок рў,
Шарти Аъзам покликдур ҳар маҳал.

Илм йўлида машаққат чекдуринг,
Манфаат, роҳатлара бўлғай бадал.

Азбаройи дин эса таҳсили хўб,
Дунавий чун бўлса ул дуну дағал.

Гуфтигўю жустижўёе илмдин,
Ғофил ўлмоқ, фориг ўлтурмоғ ўсал.

Ниши ранжи илм кўргон яхшидур,
Нўш қилмай шарбати қанду асал.

Бас, ўзингники—киши бўлмас шерик,
Илмдин ҳар неки бўлса моҳасал.

Билдиур сенга ҳалолу ҳам ҳаром,
Илмдин ҳар мушкулинг бўлғуси ҳал.

Бўласан, албатта, бешакку гумон,
Қасби илм этсанг писанди ҳар милал...

Келтуруб илм аҳли одобин бажо,
Боамал бўл, боадаб бўл, беҳиял.

Пиримиз Жомий алайҳи-р-роҳманинг
Руҳи покиға дуо қил, эй гўзал...

Саъю фаҳму умринги этсун зиёд,
Чашми баддин асрабон ҳайи азал.

Бор умидим, хотиринг бўлмай малул
Шод бўлгайсан ўқугач бу газал.

Бу ғазал номин, Камий, сўргонға де:
«Толибони илма дастуру-л-амал».

ЯХШИ

Сухан яхшиму ё дурдона яхши,
Сухандона сухан, дур қона яхши.

Қариндош, номувофиқ ошнодин
Мувофиқ етти ёт—бегона яхши.

Пули кўб, ақли кам янги чафондин
Яланғоч жанда-ю девона яхши.

Дилеким, онда йўқдур оташи ишқ
Ки, андин шамъ ила парвона яхши.

Қишдин шарбат ичгондин баминнат,
Ки то огзиндин ботгон қона яхши.

Қиши дунон элидин нон егондин,
Уруб синдурса тиш сандона яхши.

Қимеким, ваъдае қилса бировға,
Етурса ваъдасин поёна яхши.

Дуруғу кизб сўзиндин минг маротиб,
Деса қим бир сўзи ҳаққона яхши.

Муқаррар, дўстким, бўлса нодон,
Ки андин душмани фарзона яхши.

Ҳаёу шарму одобу тавозеъ
Эмас ҳайвонаким, инсона яхши.

Муаззин чирку масжид бўлса попок,
Ки андин поп ила бутхона яхши.

Харобот аҳлиға қанду асалдин
Шаробу бўзау майхона яхши.

Қиш ўлса камбағал бечораларға,
Қўмуру ўтини қошона яхши.

Биёбонед роҳи рост топмоқ
Адашган зору саргардона яхши.

На яхши бесоқол аҳлиға деманг,
Соқоли кўб кишиға шона яхши.

Жавони бесоқолларға ҳамадин
Хурусу каклигу бедона яхши.

Ажабким, Тошканд бойваччасиға
Улоқу оту туллақхона яхши.

Гуруҳи ҳезтийнат одамидин
Шижоатпеша бир мардона яхши.

Хуш улким, суҳбати ножинслардин
Қочуб ўлтурғали зиндона яхши.

Турубон эрта бирлан аҳли бозор
Келиб ўлтурғали дўкона яхши.

Мусофир, дилшикаста меҳмоннинг
Дилин шод айламак мезбона яхши.

Бале, ҳуққомларнинг хизматида
Мулойим хўйлиқ дарбона яхши.

Ҳамадин аҳли дунёдорларға
Чиқимсиз тушса пул ҳамёна яхши.

Тўла анбори донлиқ бойларға
Ҳазорон мўрдин бир дона яхши.

Малахдин мазраъи бўлса змонда,
Ҳамадин бул эрур деҳқона яхши.

Амалдор аҳли-ю мпрзо элига,
Етушса тез-тез моҳона яхши.

Ҳакими ҳозикӯ ҳам бодиёнат,
Жамини аҳли беморона яхши.

Ҳамадин жаҳрия эшон элига,
Муриди зокири мастона яхши.

Самоварчи элию чойфуруша,
Чойи ўтса шабу рӯзона яхши.

Бу эрса Тошканд аҳлига кирдор,
Намангон, Андижон, Фарғона яхши.

Бу жоҳил халқ дастидин ман эмди,
Қочибон кетганим Афғона яхши.

Қўрурсиз даҳр уйин обод, аммо,
Билинг, андин бузӯқ вайрона яхши.

Хаёлин этмак ул мужгон асонинг
Ками (й) дек хаста бедармона яхши.

* * *

Аё, эй мулло Фозилжон қори,⁷⁶
Худойим айласун рутбинг юқори.

Хаёу ҳусну одобингдур аҳсан,
Бажодур хулқу ахлоқингни бори.

Камолу фазлу илмингни зиёда,
Базуди айласун халлоқ боре.

Деюрман бир-икн сўз холисона,
Қетурма пок кўнглингга ғуборе.

Бўлуб покизау ҳам пок нийят,
Ҳамиша жаҳд қилгил илм сори.

Демиш беилм одамларни ҳайвон,
Бале, илм ила одам эътибори.

Бағайри аз илм ўзга кор қилма,
Ҳама фанлардин аъло илм кори.

Бўлур ҳар мушкулнинг, албатта, осон,
Агар илм устида қилсанг виқоре.

Ики дунёда бўлғайсан шарафлиг,
Ҳадиси мўътабардур ушбу, оре.

Уқуб дарсингни ёду баҳс айла,
Сабақдошинг била лайлу наҳоре.

Қи, ҳаргиз ихтилот этма авома,
Яқин бўлма—бўл андин, яъни нори.

Узатмай сўзни эмди айлай итмом,
Демишлар яхши сўзни ихтисори.

Валиюллоҳу шайхованд зухуринг,
Ажаб пурфайзу пуранвор мазори.

Камий ихлос илан бориб, зиёрат
Қилурда айлабон Тангрига зоре,

Деюр:—«Офатдин қилгил саломат,
Ҳамиша мулло Фозилжон қори».

МАДРАСАИ ГИМНОЗИЯ ТАМОШОСИ ХУСУСИДА⁷⁷

Бориб эрдук куни уч-тўрт аҳиббо,
Қилиб гимназия сайрин таманшо.

Николай Уструмуф директёр,⁷⁸
Ижозат берди айланг деб тамошо.

Қириб кўрдукки, ўғлонлар батартиб
Уқубон ҳам ёзар эрконлар имло.

Эконлар аксариси тўразода,
Фатонат жабинидин ҳувайдо,

Тавозуъ, хулқи хуш, одоб бирла,
Қилиб ҳар бирлари бизга мусово.

Бироз ўз билган илму фанларидин,
Кўринг деб, айладилар ошкоро.

Биринчи хонада русий забони,
Ўқулуркан икинчида фарангчо.

Учинчи дарсхона илми лотин,
Бешинчи хонада таълим немисо.

Ўқуб бир жамийят саъй ила доим
Шашум дарсхонада ислованиско.⁷⁹

Ўқулмай ҳеч илме қолмас эркан
Етинчи, саккизинчи хонасида.

Фалакиёту ҳам илми фаронз,
Нужуму ҳикмату тибби атиббо.

Яна бир неча ўзга илмларга
Бўлуб комил, қиларкан хатм сўнгро.

Мударрислар бор эркандурки, анда
Дақойиқ хайлига ҳушёру доно.

Ул ўғлонларга айлаб меҳру шафқат
Қилуркан эртадин то кеч парво.

Қиём ўлғоч тушубон барча ўғлон,
Хўрак айлар экан танҳо-батанҳо.

Яна бир катта яхши зол—иморат
Ки, бордур анда тасвири шаҳаншо.

Бор эркан бир ибодатхонаи хос,
Берилган турфа анга зебу оро.

Яна бир неча ўзга хоналарда
Жамин ҳикмат асбоби муҳайё.

Туғанмас номин айтсам они бир-бир.
Ва лекин айлайин бир нукта имо.

Биллур ойнадин бир чарх кўрдук,
Бўлур айланса мисдин барқ пайдо.

Қилибон онча таҳсину офаринлар,
Кўруб, ҳайрон қолиб туштук саропо.

Кўруб ибрат олурга ҳар шайъини,
Керакдур бўлмак аввал чашми бино.

Дарнгоким, бизинг ҳам хону шахлар
Бўлуб ўтган эканлар ҳукмфармо.

Булардек қилмайн қонуну тартиб,
Булардек қилмай илм аҳлига парво.

Басе, мағрур ўлуб давлатларига,
Иши дониш элига бўлмай асло.

Қаерда кўрса фозил ё ҳунарманд,
Аларга еткуруб озору ийзо.

Ани суҳбатларига бермайн йўл,
Чиқориб балки ўз шахридин имдо.

Юрурлар эрди ишрат бирла айлаб
Ўзига неча бедонишларни ҳамро.

Булар чун кўрсалар бир аҳли фозил,
Қилибон иззату икром баржо,

Ани суҳбатларига хос айлаб,
Навозишлар қилиб таъйин эгар жо.

Бинобар, илмнинг хосиятидин
Бўлудур давлати Русия аъло.

Бале, ҳар шах низоми бўлса бу тарз,
Бўлур, албатта, давлат ичра якто.

Кўринг Русия аҳли давлатидин
Эрур обод шахру деҳу саҳро.

Ҳисоб этганда юз русийя ичра
Чиқар бир оми, ул ҳам иттифоқо.

Вале, сартия халқи ичра юздин
Чиқар бир мулло, ул ҳам унда-мундо.

Қабул этмаз эса бу сўзни ҳар ким,
Қиёс айлаб тафаккур айласунло.

Қамий, сўз кўбдурур, бас қилгил эмди,
Уқур элга маломат келмасун то.

ТЕМИР ЙЎЛ ХУСУСИДА⁸⁰

Қаламга айтдим: «Эй жамъи забондон,
Халойиқларга бир сўз айла эълон.

Замони мози бирлан бу замондин,
Гапургил сан ўзинг икки забондин.

Бурунги аср қайдоғ эрди, алъон,
Эрур қайдоғ, эй килки суҳандон».

Деди: «Маълуму равшан айлайин мен,
Эшитсанг бул замону ул замондин.

Қадим айём кўб эрди машаққат,
Суубат, кулфату ҳам ранжу меҳнат.

Қилай тақир ман юздин бирисин,
Гумон қил хоҳ ёлгон, хоҳ сан чин.

Бирини шулким, ўзига ҳажини лозим
Қўрубон бўлсаларди йўлга озим.

Дили доғ эрди йўлнинг меҳнатидин,
Тани носоғ эди йўл кулфатидин.

Пиёда ё сувора йўл кезарди,
Баланду паст, тоғу чўл кезарди.

Юрарди хавф бирлан турфа ғамнок,
Қўзида нам бўлуб, жони аламнок.

Ки, ул ҳин эрди йўллар кўб хатарнок,
Бўлурди роҳзанлар анда сафнок.

Етушмай мақсади аълоларина,
Тавофи равзаи Батҳоларина.

Тегиб бечора ҳожиларга раҳзан,
Олибон анча амволу зариндан.

У мискинларга тортиб ханжариг тез,
Ушал сафоклар айларди хунрез.

Борибон бу тарийқ илан у ёна,
Бир-икки йилда қайтарди бу ёна.

Эшитсанг, ваҳ, бу ҳол эрди ўшал ҳин,
Бу тақиримда ялгон йўқ, бари чин.

Бас, энди ўзгача бўлди замона,
Агар шарҳ айласам келмас баёна.

Бул авон масаррати ту амонда,
Ҳама обод бўлди оз замонда.

Магар Русия шоҳи давлатидур,
Раёёсига меҳру шафқатидур.

Тариқи адлни бунёд қилди,
Раёёнлар барисин шод қилди.

Темир йўл эгти иншосини жори(й),
Берибон жумла ўз мулкига ёри.

Яқин қилди узоқ йўлларни турфа,
Дуруст айлаб чатоқ йўлларни турфа.

Не хуш, ҳужжожларга бўлди осон,
Темир йўл бирла бормак ҳажга, эй жон.

Бўлуб беҳавфу беваҳму хатарсиз,
Борур, ҳам тез келгайлар зарарсиз.

Қароқчи, роҳзанлардин амонда,
Темир йўлда бўлурким, ҳар қиёнда.

Машаққат, ранжу кулфат кўрмагай ҳеч,
Ғаму андуху меҳнат кўрмагай ҳеч.

Бу янглиғ роҳатафоздур темир йўл,
Хузури жумла жонҳодур темир йўл.

Темир йўл дема, бир тахти равон де,
Юурда гуёе оби равон де.

Яқин муддат Самарқанддин етишгай,
Йўли бу Тошканд сориға тушгай.

Келур лекин Чинос атрофи бирлон,
Кўурсан, эй Камий, бўлса амон жон.

Темир йўл келса йўқтур ҳеч зиёни,
Ажаб эрмаски, бор ўлса ҳаёни».

Қалам бу навъ таҳрир этти сўзни,
Халойиқ ташласун деб сўзга кўзни.

ШИКОЯТНОМАИ КАМИЙ АЗ ИНҚИЛОБИ ЗАМОНА ВА АХЛ ЗАМОНА^а

Қайдасан, келгил, эй насими шамол,
Этойин рози дил, қўлогинг сол.

Кўзлабон дарғаҳи олийсин
Зуд таъхир айламай йўл ол.

Рози дилни борисин айтгайсан
Хушёрона, этмайин иғфол.

Чунки ғайри бу сўзга маҳрам эмас,
Тўғри бориб ўзидин айла савол.

Оти мулло — * дур
Зоти олий, ўзи хўжаста хисол.

Ақлу дониш жабинидин зоҳир,
Узгача фазл анда молмомол.

Рўйи жаннат гулин намунаси дур,
Лаби кавсар суйи-ю оби зилол.

Сарву шамшодга шабих эмас,
Қади жон гулшанида тоза ниҳол.

Бир нишон этойин яна сенга,
Тўкулур шахд, айлаганда мақол.

* Пиртиб олинган.

Айладинг чун анга шинослиғ
Арзан май сунгил айламай аҳмол.

Лек одоб бермай илкингдин,
Ер ўпу бўлма ҳам дуода дол.

Умру иқбол ҳадлу ниҳоятсиз
Сенга берсун, деб эзиди мутаол.

Де: Қулунг бор экан Камий отлиғ,
Қилди бу арзни сенга ирсол.

Қараму лутфу марҳамат бирла
Сўрсаларким, нечук анга аҳвол.

Аёғна тушуб, бўлуб гирён,
Айта кўр ул жанобга, филҳол.

Етти де, ҳам замон, замон аҳлидин
Анга кўб ранжу зулм бирла малол.

Чунки бу иш замона ҳам халқи
Мунқалиб, инқилоби ҳол-беҳол.

Инқилоби замона эрмасму
Қилди олийни пастлар помол.

Зоти неку асллар ғайр эрур,
Жонишин бадасилу ҳам арзол.

Шерлар ўрнига ўтирмишдур,
Гургу рубоҳу иту қушу шигол.

Рост келганга ўхшайди бу аср,
Отдин ўзди эшак, деган бу мақол.

Е магар чийинни хўкуз бости,
Чийин хор ўлди, қадр топти сафол.

Е халойиқ йўқотти маслаҳатин,
Бўлди мундоғ бузук ҳама ақвол.

Наркушу моданарвар ўлмиш халқ,
Бу нечук шуглу бу нечук афъол.

Оре, охир замон нишони бу ҳам,
Дониш аҳлига бас ушбу тимсол.

Ушбу ғамдин Камий не бўлди дегил,
Чеҳраси сориғу ёши ҳам ол.

Сабрдин ўзга чораси йўқ де,
Чунки йўқ суд этмак истеъжол.

Ё раб, этмас эсанг ўзинг осон,
Бўлди ўхшайди сахти мушкул ҳол.

Сўзни, бас, бўйла айлабон тақир,
Тик туруб хатм айла қийлу қол.

Сўнгра сенга не марҳамат этса,
Зудроқ менга, эй насими шамол,

Хайри бод айлабон жавоб олиб,
Айлагайсан етиб мани хушҳол.

БИР МАЙХҲҮР НИГИТ ХУСУСИДА ИБРАТЛИ ХИҚОЯ

Эй қалам, сўзла сан ушбу дoston,
Эшитиб ибрат о(л)сун аҳли замон.

Бир йигит ичкуликка ўч эрди,
Мағиздин боши анг пуч эрди.

Бир кун борди сори гастинса,
Айлабон май хумори гастинса.

Қизилу оқ бода нўш эт(т)и,
Қизибон жуш ила хуруш эт(т)и.

Бўлди ул турфа масту лояъқил,
Ёнида оз эрди лекни пул.

Вақти чоғ ўлдию чу кайфи баланд,
Нафсини хоҳишига ўлди банд.

Дедиким: — Қанча эса келтур май,
Қилойин эмди айш пайдар-пай.

Яхши-яхши таомлар келтур,
Тўлдуруб майлу жомлар келтур.

Яна келтур рубоб бирла кабоб,
Бўйла тартиб бузма, айла шитоб.

Яна маҳбуба бўлса ҳозир қил,
Хуснига кўзларимни нозир қил.

Бў(л)сун ул сийм, соқу сийм бадан,
Юзи гул, сарв қалду гунча даҳан.

Кокилин бўйнума каманд қилай,
Айлаб оғушу бўса чанд қилай.

Қилайин они бирла айшу нишот,
Ташлайин эмди ман ҳаёву уёт.

Бўйла ҳазаёну ҳарза сўз бисёр,
Сўйлади ўйламай чу охири кор.

Турди гастинса соҳиби, филҳол,
Эшитиб ондин ушбу ранг мақол.

Зўр бойбачалардан эркон деб,
Хусусан, бизга бу иш осон деб.

Ҳозир эт(т)и ҳама дегонларини,
Маст бойбачча истагонларини.

Айшу ишратга бўлдилар машғул,
Бўлибон ўртада хуружу духул.

Охири нафе топди чун ором,
Нашъу кайфи ани бўлди тамом.

Ўзига келди, йўқ рафиқлари,
Ташлабон қочмиш, айлабон хоре.

Бас, егон-ичканин ҳисоб эт(т)и,
Ул йигит, кўркли, не жавоб эт(т)и.

Жамъи оқча бўлуб экан қирқ сўм,
Деди гастинса соҳибига «Заҳум?»

Енини ковлаб, ақчадонин очиб,
Икки сўм танга борисини сочиб.

Қилди бойбачча қочғали оҳанг,
Соҳиб хона тутти уни, танг.

Яқсидин тутуб ани ушлаб,
Тепти кетига, бошига муштлаб.

Кафшу масху тўнларини олиб,
Салласин уни гарданига солиб,

Қилибон обрўсини бир пул,
Хору зор айлабон мисоли қул.

Топшурди пўйлисага уни,
Ҳибс қилдурди, кўр, у подонни.

Нафс раъйга кирса ҳар одам,
Тор зиндон ўлур экан олам.

Ҳар киши бўйла бўлса майхора,
Охири хор бўлгай, бечора.

Ҳар киши ичкуликга одат этар,
Қўрки, охир гамин зиёдат этар.

Ҳар башар ичкуликга моилдур,
Бошидин ақлу ҳуш зонлдур.

Мубтало ичкуликга ҳар инсон,
Дема инсон ани, эрур ҳайвон.

Қим ўзин ичкуликга боб этар,
Дину ҳам миллати(н) хароб этар.

Ичкулик катта душмани жондур,
Душмани жону балки нймондур.

Ичкулик бегумон зарар айлар,
Зарари молу жону зар айлар.

Ичкулик оқил(н) и қилур мажнун,
Айлар безътибору хору забун.

Ичкулик дарди бедаводур, бил,
Қимки парҳез этар даводур, бил.

Ичкуликдин гули мурод сўлур,
Орзу нахли қомати букулур.

Ичкуликдин кетар ҳаёву адаб,
Ичкулик бўлгуси ҳар ишга сабаб.

Ичкулик ҳар гуноҳ ишнинг боши,
Ичкуликдин бўлур ҳар иш наъши.

Дониш аҳлига бу ишорат бас,
Ибрат олмоққа бу ҳикоят бас.

Эй Камий, сўзни эмди қил кўтоҳ,
Қимса қилгай амал, эрур огоҳ.

МҮМИНЖОН ТОШҚИН

МАВЛОНО КАМИЙ

I

Мавлоно Камий ҳам Алишер Навоийнинг кичик бир шогирди.

Мулла Каримбек Шарифбек ўғли—мавлоно Камий 1865 йилларда Тошкент шаҳар собиқ Себзор даҳа Чақар маҳалла⁸³ (ҳозирги Уктябрь район «Қурилиш» маҳалла)да чопонфурушлар оиласида дунёга келиб, 1922 йил ёз фаслида 57 ёшида ўзи туғилган ҳовлисида вафот топди. Маҳалла халқи, баъзи шоир ва олимлар (ҳаммаси бўлиб тахминан 400 га яқин одамлар) йингилиб, жанозаси Маҳв отада ўқулди. Тобути ёнида мазорига хушхон ҳофизлар ўқиб бориб, «Ғойиб ато» мазорига кўмганлар.

Булар Шарифбек акадан тўрт ўғул бир қиз бўлиб, исмлари қуйидагича: 1. Маҳмудбек ҳож. 2. Аҳмадбек ҳож. 3. Раҳимбек. 4. Каримбек (Камий). 5. Бибинисо.

Буларнинг энг каттаси ва тўнғичи Маҳмудбек ҳож бўлиб, энг кичиги ва кенжаси шоир Камийдир. Отасидан меросга теккан бир уй-айвон баробари саҳн бор бўлиб, ҳар вақт бир сидра уй-рўзгор (жиҳозлари) билан безатилган ҳолда турар, шоир Камий истаган чинида келиб шу уйда шеър ёзиб, китоб мутолаа қилиб ўтириб кетар экан. Шарифбек ака кичик ўғли—Каримбекни жуда севар, мактабдаги ўқишидан қолдирмас эди. Каримбек ёшлигидан зеҳни тез бўлган сабабли бунинг ота-онаси ҳам, мактабдор домласи ҳам билим олишига яхши аҳамият бера бошладилар. Бошланғич мактаб муаллими «Мозорхон» маҳаллалик мактаб тўғриси Мансурхон домла номлик хаттот (хушхат) бир одам эди. Каримбек Камий хатни ҳам, саводни ҳам шу Мансурхон домлада чиқариб, «Бекларбеги» мадраса⁸⁴ сига кириб, бир неча йил ўқиб Шомаҳмуд Охундаев «хатми кутуб» қилди. Шу ўртада кўп адабиётшунослар билан танишди. Адабий мажлислар ҳам бедилхонлар ўлтиришида давом этиб, булардан истефода қила бошладди. Тошкент бедилхонларидан домла Умарбек, Мансурхон тўра, Карим қори ва бошқалар. Шоирлардан

Алирий тахаллуслик Мираҳмад муфти, Раҳимхўжа қори, Қори Фазлудлоҳ Алмазий ҳам бошқалардан фойдаланди.

Қўқонлик Фурқат, Муқимий, Муҳйи ва сарёмлик Юсуф ҳам Тошкентга келганларида бир неча ойлаб, йиллаб туриб қолар эдилар. Шунда мавлоно Камий зиёатларда, адабий мажлисларда доим булар билан суҳбатлаш бўлиб турар эди. Булар Бедил билан бирга Навоийнинг «Хамса»си, «Чор девон»и, Умархон ва унинг шоирларининг девон ва пароканда шеърларини қилиб адабий дарслар олар ва адабий-илмий савияларини оширар эдилар.

Мавлоно Камий دادаси ва оғанилари сингари савогарлик—чопонфурушликка ҳавасланмади. Бунинг доний машгулот—китоблар кўриш, хушхат қилиб хатлар ёзиш, турли шеърлар (мухаммас, мусаддас, мусаммаи, маснавий, марсия, қасида, мувашшаҳ, масжид ва мадҳасаларга бино тарихи ва бошқалар)ни ёзиш билан тур эди. Хатти нохуний (тирноқ билан хат ёзиш)ни ҳам ёзар эди.

Умри қашшоқлик, камбағаллик билан ўтди. Маҳсиним, ковуши ҳам, кўйлак ва чопонлари ҳам ёмоқдан қиммас эди. Бироқ буларнинг ҳаммаси озода ва ювилган бўлар эди.

Тарихдан маълумки, Қўқон хонларидан Умархондан шикс шоир ва фозилларга зўр-зўр инъомлар бериб, уларнинг руҳини кўтариб тарбия қилган эмас. Умархон ўз даврида шу жиҳатдан катта ном қозонган бўлганда, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий сингари бўлолмади буларнинг даражасига кўтарила олмади. Чунки унинг ҳуши ярамас бўлиб, жаҳолат ва мутаассиблик дарёси тўғриси урган сабабли унинг у даражага кўтарилишига эришмади.

Мавлоно Камий хонлар замонида эмас, Чор ҳукумати ва унинг мустамлакаси бўлиб, эзилмоқда бўлган эрта Осиёда яшади. Бу даврда шоирлар ўз таланти ва инъонинг онлиқ-тўқлиқ уруниши билан бир қанча шеърлар, ғазаллар ва девонлар вужудга келтирдилар.

Юқорида айтганимиздек, мавлоно Камий дохий тарғибимиз Алишер Навоийнинг адабий мактабидан саноқ олган кичик бир шогирдидир. Унинг қўлида ҳар хил Навоий асарларидан «Хамса», «Чор девон» ва «Маҳбубу-л-қулуб» бўлур ва у асарларни мутолаа қилар эди. Айтган ғазалларида мазкур асарларнинг таърифи кўп. Масалан, бу шундай ёзади:

1. Тараб жомин чекиб агёр базми ичра ул дилдор,
Юзум сарғайтибон рашкидин этти дийдами хунбор».

...Намози бу Камийнинг қайдоғ ўлди, зоҳидо, айни
Қилурға сажда кўзига кўринур абруи ул ёр.
Мана, мавлоно Камийнинг бу охириги байти Алишер Навоийнинг:

Навоийнинг бу намози не навъ экан, ё раб,
Ки вақти сажда кўзига эгилма қош кўринур,—
деб айтган байтига жуда мос келиб, иккови ҳам бир
маънони беради. (Навоий «Чор девон»нинг тўртинчи
девони бўлган «Фавонд...»нинг «ре» баҳрида ёзилган.)
2. Ул саводи хатмудур ё сабзаи жаннатмудур?
Ё қуёш узра ёзилган оят раҳматмудур?..

...Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди, айб эмас,
Юз туман муҳлик бало дегил ани меҳнатмудур?
(Алишер Навоийнинг «Чор девон»идаги «Наводир»-
шабоб»нинг «ре» баҳридан олинди.)

Оразиму ё маҳи тобонмудур?
Хатлари сунбулму ё райхонмудур?..

...Нахли қадду сабза хатги ёлида,
Эй Камий, дийдангму ё боронмудур?

II. Уйдаги баъзи одатлари

Мулла Каримбек Камий кўп нозик табиатлик рин
бир одам бўлиб, ҳар вақт ёлғуз ўлтуруб мутолаа
шеър ёзиш билан машғул бўлишни хоҳлар эди. Қили
ган овқатни ҳам деразанинг олдидаги парданинг ости
дан узатилур, гармдорлик (қалампирлик) овқати
мошхўрда ва мошкичирини хоҳламас, шавла, палов, ч
вара ва кўпроқ хамир овқатларни суюб ер эди. Қий
лари ёмоқ бўлса-да, ҳамма вақт ювилган ва тоза бўл
эди.

III. Шоир жон берар олдида

«Дадам Маҳмудбек ҳожи,—дейди Ҳожимурод,
бошлаб,—«Уғлим, менинг бозорда бир оз ишим бор, сен

макинг (Камий)дан тез-тез хабар олиб тур»,—деб бую-
б, бозорга тушиб кетдилар. Мен, «Хўп, хабар олиб
раман»,—деб уйда—ойимнинг олдиларида қолдим.
Задан бирор соат утар-ўтмас амаким ётган уйдан тиқ-
иллатиб чақирилган овоз эшитилди. Ман югуриб бор-
м. Амаким (Камий): «Берироқ кел! Сан анави устал
тида турган соатни олиб чўнтагингга солиб қўй, та-
ни битта-йримта олиб синдириб қўймасин. Индан ке-
ни маннинг оғзимга сув қўй», Ман «Хўп» деб, кичкина
и қошуқ билан оғзиларига сув қўймоқчи бўлган эдим-
у киши: «Йўқ, пахта билан томиз»,—дедилар. Ман
ишқини қўйиб, икки-уч мартаба пахта билан оғизла-
га сув томиздим. Сўнгра: — Мандан чўчимайсанми?
Йўқ, нимага сиздан чўчий?! — Бўлмаса, бошимни бир
кўтар! — Хўп, —деб, бошларини кўтардим. Бошла-
ни кўтаришим билан бир керишдилар-да, ранглари
тариб қолди. Ман дарров бошларини ёстиққа қўйдим-
«Ойи, ойи!»—деб, ойимни баланд овоз билан ча-
рдим. Ойим югуриб келиб, амакимнинг башарала-
га муироқ қарадилар-да: — Амакинг бандаликни ба-
елтирибдилар,—дедилар, ҳам дарров амакимнинг
тиқларининг тагидан бир дока парчаси олиб, энгак-
рини боғладилар ва оёқ-қўлларини тўғрилаб қўйди-
р. Шу чоқда Хислат эшон Шайхованд тахурлик бир
иши билан чақириб келиб қолдилар. Хислат эшон
дарҳум шоир Хислат) амаким касал бўлиб ётиб
яганларидан кейин ҳар кун, кун оралаб келиб,
амакимнинг аҳволини сўраб турар эдилар. Доим ёлғиз
ладиган одам бу кун икки киши бўлиб келишди.
ишгра ман ойимнинг бўйруғи билан дадамга югур-
м. Дадам ҳам қиладиган ишларини чала ташлаб,
ишилб ҳовлига келдилар. У ёқ-бу ёққа жанозага
ишларни хабар қилинди. Гўрков ва ювғувчиларга
иш юборилди. Эртасига фотиҳахонликдан кейин
амаким Камийнинг бир қанча шеърлари ва баъзи ки-
ларини: «Бу укамнинг ёзган асарлари, йўқолиб кет-
син. Сиз бунини қадрлаб сақланг, бизнинг қариндош-
улар орасида бундай нарсалар қадрига етувчи йўқ
ебодида. Бу ерда турса йўқолиб кетиши ҳам мумкин.
ингизга тушганда укамизнинг руҳига қуръон ўқиб,
он такбир қилиб турарсиз»,—деб, дадам бир катта
молга тутиб Хислат эшонга ва бир оз шеър ва катта
ридан Хислат эшон билан бирга келган Шайхованд
тахурлик кишига бериб юбордилар. Амаким Камий

кўп хушхат бўлиб, ҳатто тирноқ билан ҳам хат эдилар». («Хатти ноҳуний»ни ҳам билар эдилар, мамоқчи). — Ман артистлар билан Бухорога гастрол кетган чоғимда, — дейди Ҳожимурод, сўзини давом эттириб, — Ғози Юнус (23-24 инчи йилларда «Муштум» жуналини муҳаррири, 37 нчи йилларда халқ душмани бўлиб қамалиб кетган киши) келиб, менинг дадам Маҳмудбег қўлидан амаким Камийдан қолган бир сандуқлик тўқма қийматбаҳо китобларни талаб қилиб: «Буларни олиб бориб кутубхона (библиотека)га берамиз, у ерда ҳар ким икки юз-уч юз одам китоб, газета ва журналлар ўқиб билан машғул бўладилар. Бу сиздан олган китобларни ҳам ўқуб, уқангиз мулла Каримбек Камийнинг ўқиган қуръон ўқиб бағишлаб туришадилар», — деб авраб алдаб китобларни сандуғи-мандуғи билан пулсиз олиб кетган. Бешёғоч дарвозадаги кино тўғрисида бир мажид ичида бир мактаб очилган бўлиб, шу мактаб амакони номига (Камий номлик) қўйилган эди. Бироқ кейинроқ у масжид бузулиб кетиб, Камий номи унутилди. Ҳожимуродбек Маҳмудбек Ҳожи ўғли (мулла Камийнинг катта акасининг ўғли)нинг сўзи шу ерда тугади.

IV

Исми, фамилияси ҳам ҳовли нўмирини айтишни нотамаган «Парчабоф» маҳаллалик (ҳозирги «Эркин» маҳаллалик) бир чолнинг берган маълумотига қараганда, шоир Камий ибтидоий мактабни ўша вақтнинг машҳур мактабдори ҳам хушхати Мозорхон маҳаллалик (Ҳазрати Имом ёнидаги бир маҳалла) Мансурхон домладарамом қилиб, «Бекларбеги» мадрасасига келган, Ҳожи Шомоҳмуд Охунда дарс ўқуб, «хатми кутуб» қилган. Ёшлик чоғида ҳам кўп хўшхат бўлиб, шеър ёзишга ҳам жуда ишқибоз экан.

V

Сағбон кўча «Суръат» маҳаллалик еттинчи сон ҳовлида турғувчи Воҳидуф Файз номлик бир кишини айтган ҳикоясига биноан:

Кунлардан бир кун саҳҳофларнинг бойи машҳур тобфуруш Акмал саҳҳоф⁸⁶ билан шоир Камий олати бўлган шаҳмат ўйнаб уч мартабагача қолади. Шундан сўнг Акмал саҳҳоф фахрланиб: «Сан мани қолдирган чоғингда манинг шаънимга шеър айта бериб, мазани

37 қила бериб, кўзимни очирмас эдинг. Энди ўзинг билганинг учун ўзинг шаънинга бир нарсаси де», — деди. Унда мулла Камий қуйидаги байтни ўқийди:

Эй димоғи чайқалган ҳар зану каталар бирлан,
Сан киму, ҳариф бўлмоқ ул каби дағар бирлан.

VI

Шоир Камийнинг иккинчи акаси Аҳмадбекнинг ўғли Ибодбекнинг берган маълумотига қараганда, шоирнинг кўлэма зўр бир девони бор бўлиб, вафотидан кейин қариндош-уруғлари орасида ўғирланган. Шоир сўзини олдирмаган экан. Ул: «Амаким шоир Камийнинг шу башараси худди менга ўхшар эди», — дейди.

VII. Уз биланларим

Ман Каримбек Шарифбек ўғли — мавлоно Камий билан 1901 инчи йиллардан бошлаб танишдим. Ўзим ҳам у йили «Бекларбеги» мадрасасига келиб «Шарҳи мулло Ҳомий»⁸⁷дан дарс бошлаган эдим. Ул чоқда мадрасанинг улуғ мударрисси Шомоҳмуд Охунд исмли еттидан ошган бир чол эди. Менда шеър айтишга ҳавас қилганган бўлиб, ҳали атак-чечак мақомида эдим. Озирги Эски Жўвада пожарнилар ўрнашган жой тўғрисидаги дарвозасиз бор «Бекларбеги» мадрасасининг эшиги бўлиб, унинг бутун ҳужралари муллавақчалар билан тўлиқ бўлар эди. Катта дарвозаси кунботар (ғарб) томонда бўлиб, дарвозаси олдида текис ва катта саҳна ҳам бор эди. Дарвозанинг жануб ва шимол қанотларида икки ошёнелик ҳужралар қатор тизилиб келган имом томонидаги юқори ошёнелардан бўлган ҳужраларнинг бирида шоир Камий жойлашган бўлса, ман томонидаги дарвозага яқин бир ҳужрада мулла Нурматли дарс шеригим ҳам «Жишалам» лақаблик зеҳинли бир пешқадам билан истиқомат қилур эдим. Дарвоза олдидаги саҳнага шимол томондаги пожарнилар эскида: пахта бозор ва чопон бозор) томонидан кунботардаги картушка бозор эскида: эски кийим бозори ҳам сандуқ бозор) томонидан зиналар билан

⁸⁶ «Шарҳи мулло Ҳомий» — бу китоб Алишёр Навоий билан мансур бўлган улуғ классик Абдул-р-раҳмон Ҳомийнинг асари бўлиб, «Кобфия» номидаги араб наҳшнинг шарҳидир (М. Тошқин, 1403).

чиқилур эди. Мадрасанинг биринчи катта мударрис Шомаҳмуд Охунд бўлса, иккинчи — кичик мударрис «Сақичмон» маҳаллалик Абдулмалик ҳожи деган бир китоб савдогари эди. Мукаддаслар: Нурмат ҳожи, Сақичмон, Абдулжабборхўжа ва Мухторхўжа исмли қашоқ бир бедилхондан иборат бўлиб, ҳар бирларининг 25—30 дан шогирдлари бўлур эди.

Шоир Камий сира уйланмаган ва бозорда олди-сотиб билан иши бўлмаган камбағал бир одам бўлиб, ҳар вақт ковуши ҳам, маҳсиси ҳам ва бошқа кийимлари ҳам ямоқдан чиқмас, қачон қарасангиз очлиқ-тўқлиқ ҳолда чарчаётган, қорни жуда тиришиб кетса, овқатга пул топиш маса Чорсудаги Боқижон бойниқига бориб овқатлашиб келар эди. Бу Боқижон бой ўша замоннинг обрўли аёнлари ва киборларидан бўлиб, Камий сингари шоир ва фозилларни дўст тутар ва ўзининг ҳам адабиётини анча ақлли етар, донишманд бир одам эди.

Ман ҳам жуда камбағал бўлиб, ёзда мардикор ишлаб, беш-ўн танга пул топиб қишда ўқур ва кўпни ўзига тўқ муллабаччаларнинг хизматини қилиб таркичилигимни ўтказар эдим. Арабий дарслардан кўна баҳрам йўқ, форсча, ўзбекча ҳар турли ҳикоя, қисса, дoston ва шеър китоблар ўқиб маъно олишга ҳаваси катта эди. Шоир Камий мен ўқиш бошлаган чоғимда Шомаҳмуд Охундда «хатми кутуб» қилган бўлиб, биз фозил адабиёт ва шеър ёзиш билан машғул эди.

Шомаҳмуд Охундда биз «Ҳазрати домла» дер эдик. У бу чоқларда етмиш ёшлардан ошган қоматлари билан қолган. Охунгузар маҳалладаги ҳовлиларига етганда бориб, отда келар. Отга қўлтуқларидан ўшлаб икки киши миндириб қўяр ва бир киши от ёнида шотир бўлиб юрар эди. Ман мадрасага кириб, икки йилча ўқиганман, кейин бу кекса мударрис Шомаҳмуд Охунд вафот топди. Бошқа муллабаччаларга ўхшаб мен ҳам мударрис домлага иҳлосим баланд, фойда мутаасси бўлганим сабабли ўлган шу мударрис домламга атаб бир шеър ёздим. Бироқ, ҳаммаси эсимда йўқ. Бош томонда қуйидагилар ёзилган эди:

Ҳазрати домлажоним, бу жаҳондан интиқол
Айладинлар у жаҳона, кўп паришон бўлди ҳол,
Андек олий рутбани офоқ аро толмоқ маҳол,
Олиму фозил, мубарро қалб ҳам неку хисол,
Сўзлари эрди ҳамага мисли шаккар ҳам чу бол,
Шомаҳмуд Охунд вафот топгандан кейин у киши

нинг ўрнига Ҳазрати Имом ёнбошидаги Мозорхон маҳаллалик ва Кадубод маҳаллидаги мударрис Баҳорхон маҳзум биринчи мударрис бўлиб келди. Бу кишининг таърифларида зўр илмлик муллалар! «Бухоронинг ярим илмини олиб келган» деб муболага қилардилар. Дарҳақиқат, бу одам араб нахву сарфига ҳам, фихр илмига ҳам ва Бедилга маъно беришга ҳам дини туло (узун қўл) соҳиби бўлиб, Тошкантинг манган деб чиранган олимлари ҳам бу зотнинг олдида оғиз молмас эди. Исроластик⁸⁸ ва бефойда илмлар билан имрларини зоеъ қилиб ётувчи бу ва бошқа eski мадраса муллалари шеър ва адабиёт билан машғул бўлган ва Бедил маъносини яхши билган фозилларни: «Ҳе, у бир жузъяхон-да, бўлмагўр сафсата ва афсона гаплар билан машғул бўлади юради», — деб, хорлаб сўзлаб, марга эътибор бермас эдилар.

Баҳодирхон маҳзум мударрис бўлиб келгандан кейин ўқувчи-муллабаччалар кўпайиб кетиб Камийга дарюза ташқарисидаги ҳужралардан зах бир ҳужрани бердилар. Бунинг устига Алижон деган кўкнори бир пешақадамни унга ҳамхўжра қилиб қўйдилар. Булар қарга билан булбулни бир қафасга қамагандек ҳар кун уруш, жанжал ва бир-бирларига кинояли пичинлар отиш билан тура бошладилар. Чунки у кўкнори ҳужрага тоққиллатиб кириб, тоққиллатиб чиқиб, ўтун ёриб, шалпипул кўкнори эзиб, Камийнинг шеър ёзишига ва китоб мутолаа қилишга ҳалал берар эди. Шуниси ажаброқ-қалма, мадрасанинг тўридан ва энг яхши ҳужраларидан эди) сингари илмдан жуда оз хабардор одамларга, Ўззам заргар ва мулла Қобул сингари савдогар мулла-ларга жой берганлари ҳолда, шоир Муқимий ва Фуркатлар даражасидаги бу шоирга катта кўча олдида на ярамас жойдан ҳўжра берган эдилар.

Шоир Камий кўкнорининг ўзини кўрмаслик учун ҳўжранинг ўртасига бир донадан парда ҳам тутиб олди. Шоирнинг характери ажойиб эди: Кўп вақт мутафаккир ҳолда юрар, мўйлаб ва соқолини қайириб тишлаб, кўларини тиши билан қирқиб, узуб юрганини кўп пай-замас, шунинг учун баъзи одамлар, «ришхўр мулла Камий» деб ҳам ёд қилар эдилар.

Баъзида қўлга 15—20 тийин ёки бирор сўм тушиб қолса, бир рўмолининг учига тутиб қўйнига солиб юрар, терлаганида кўйлак ёқаси кир бўлмаслиги учун бир дастрўмолини бўйнига — кўйлак ёқаси остидан солиб.

юрар, юртининг обрўлик одамлари ёки олим ва фозиллари йўлида йўлиқиб қолса, тавозеъ билан эгилиб салим берар эди. Баъзи вақтда маннинг хужрамнинг олдинга келиб: «Мулла Мўмин, юрининг, манда 15—20 тийин пул бор. Маннинг қорним очиб кетди, сизнинг ҳам қориниғиз очгандир, бир суяк ош ичиб чиқайлик», — деб, суяк ош ва баъзи чойхоналарга олиб бориб, чой олиб берар эди.

Бу биз борадиган чойхона кўпинча Ҳожи бемалол лақаблик ва Эшонхон Ҳожи исмли бир самоварчиннинг тақяси билан бозорбоши ўртасидаги (эски бўйра бозор тўғрисидаги) Илҳомжон самоварчиннинг чойхонаси эди. Икковиди ҳам созандалар бор бўлиб, шуларнинг дўтор, танбур, ғижжак ва чангларига жўр қилиб айтаган ашулаларни завқ-шавқ билан эшитиш ва аҳли топилиб қолса, шахмат ўйнаш учун борар эди.

Ҳожи бемалолнинг тақяси ёз чоқларида жуда нашлалик ва жуда ўлтуришлик гулзор, бозор кунлари ва икки байрам кунлари одамлар билан лиқ тўла бўлиб, машхур аскиябозлар ҳар турли пайровларда ҳар турли аския айтишар эдилар.

Илҳомжон самоварчи ҳам катта созанда ва ашулалардан бўлиб, акалари билан бирга созларини чиқариб, ашула айтишар эди. Ҳожи бемалолнинг чойхонаси — тақяси бозордан четроғда бўлса, Илҳом самоварчининг чойхонаси бозорнинг ўрта бир ерида (эски бўйра бозорининг тўғрисида) эди. Бу Илҳом самоварчи 1905 йилда йиллардан кейин газеталар ўқий бошлаб, фикрини очилиб, сураг олишни ўрганиб, ўзи ўрганибгина қолмасдан укаларига ҳам ўргатди. Бир томонга усталасу туллар қўйиб, ёвруполлар келса, шунда ўтқузуб, иккинчи томонига қандлик чойлар берар эди. Чойхонасининг юқори томонига нобур⁸⁹ олиб келиб, кичикроқ босмахона очиб, майда-чуйда эълонлар, везитний карточкалар⁹⁰ боса бошлади. Буни ҳам (ҳарф теришни ва босишни ҳам) укаларига ўргатди. Уша вақтларда Боғчасаройда «Таржумон», Қозонда «Юлдуз» Санкт-Петербургда (ҳозирги Ленинград) да «Улфат» ва арабча «Тилмиз» (шогира), Урунбургда «Вақт» газетаси билан «Шўро» (шогира), Бокуда «Иқбол» газетаси, Тифлисда «Мулла Насриддин» кулги журнали чиқар эди.

Тошкентда 1905 йилдан бошлаб Исмоил Обидуф таҳрири (муҳаррирлиги) остида «Тараққий», Абдуллоҳ Авлоний муҳаррирлиги остида «Шуҳрат», Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлиги остида «Озие»

фансуруллоҳ Ҳудоберхон ўғли ҳам Мунаввар қори муҳаррирлиги остида «Хуришид» газеталари чиқди. Бу газеталарнинг ҳаммаси бир вақтининг ўзида эмас, битта-бири Чор ҳукумати томонидан ёшланда иккинчиси турди. Бу газеталар Чор чиновниклари ва палитсасининг сиёсий остида бир йил ҳам давом этолмасдан кетма-кет ёпилдилар. Булар уша вақтининг зиёлилари ва тараққийпарварлари томонидан чиқорилар эди. Уша вақт диндор мутаассиб муллалари ва уларга эргашувчи фанатиклар: «Газета ва журнал ўқувчилар, ўрусча ўқувчилар ҳам устулда ўтуриб овқат егувчилар кофир ва хотинлари талоқ», — деб фатво берар эдилар. Шундай бўлса-да, газета ўқувчилари кўпая бошлади: 1. Беш-ёгон даҳа Ўзбек маҳаллалик Шохидоят боининг ўғли Шоиёматуллоҳ; 2. Раисқўналик Тангриқул Ҳожи; 3. Илҳомжон самоварчи; 4. Тўқлижаллоб маҳаллалик Убайдуллоҳ соатсоз ва Шайхонанд Тахур даҳада бир қанча одамлар газета олиб ўқуб, фикрлари очила бошлади. Шойр Камий ҳам шу газета ўқувчилари билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлгани сабабли газета ўқиниға ўргана бошлади.

Чор ҳукуматининг фикр тарқатгучиси бўлган Ўзбекча ҳам русча (ярмиси ўзбекча ярмиси русча) «Туркистон вилояти газети» номлик газетада ҳам унинг шеърларидан бор деб эшитганим бор. Бу газетада Ўқчи маҳаллалик Олим қози, Олмазор маҳаллалик Махдум ва Баланд масжид маҳаллалик Саидрасул махзум (насо-ра махзум) деган мулларлар қатнашар эдилар.

Шойр Камий Муқимий ва Фурқатлар билан асрдош ва улар билан кўп суҳбат қуришган ҳам ўшалар баробаридаги классик бир шоир бўлса-да, юқорида айтганимдек гоётада фақир, гоётада бебизоат ҳолда кун кечирар эди. Бой чононфуруш акалари ва савдогар қариндош-уруғлари Тошкентнинг кўзга кўринган одамлари унинг қадрига етмас ва иқтисодий жиҳатдан ёрдам бермас эдилар. Шунинг учун шоир Муқимий ўз қадрига йиғлаб бир газали орасида:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эгибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман, —
деганидек, шоир Камий ҳам «Эканман» деб ёзган газалида:

Аҳволими сўргудек киши йўқ,
Ўз шаҳрим аро ғариб эканман, —

деб ўз қадру қийматига йилаган. Ҳақиқатан, ўл бечора ғариблардек юрар эди. Расталардан ўтган чоғида дўконига чақириб, чой-нон қилувчилар бор бўлса-да, жуда оз топилар, улар ҳам масжид ёки меҳмонхона сод-ган бўлсалар, шеър билан бино тарихи ёздириб олиш ёки ўзларини таъриф қилдириб бир шеър ёзиб беришни айтиш учун чақирар ва кўп пул ваъда қилиб, жуда оз нарса тўлар эдилар. Шоир Камийнинг шеърларидан намуналар:

ЭКАНМАН

Ман ошқни бир ҳабиб эканман,
Доим ғазабни итиб эканман...

...Билдимки, қатор қулларингдин
Ваҳ-вахки, Камий, ҳасиб эканман.

Кулардан бир кун Кўкча дарвозасига яқин (ҳозирги 8 инчи трамвай йўлида) шоир Камийнинг бир ошмасининг ҳовлисига меҳмон бўлди. Унинг боғи ҳам ҳовлиси ҳам шу эди. Вақти кўкчам чоғи, гуллар очилган ва булбуллар сайрашган. Шоир Камий булбулларнинг овозига завқ қилиб кечаси ухлаёлмади. Ярим кечада ўр-нидан туриб, чироғни ёқиб, қуйидаги «Эй булбул» де-ган таъсирлик шеърини ёзди:⁹¹

ЭЙ БУЛБУЛ

Қаю гулчехра ёди бирла афгон эттинг, эй булбул,
Ҳазин овоз ила дийдамни гирён эттинг, эй булбул...

...Камий бечорадек шому саҳарлар тинмайин бир дам,
Қаю гулчехра ёди бирла афгон эттинг, эй булбул.

Фарғоналик Амоний тахаллуслик бир шоир шоир Ка-мийни қуйидагича таъриф қилиб ёзди:

Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,
Балки Исломбўлни олди қавли мавлоно Камий.

VIII

Уша вақтларда бир янги китоб бостирган ёки жур-нал-газета чиқарган ўзбек ёки тожиклар шоирларга бир бошлаб чиқиш тарихи ёзиб бериш учун мурожаат қилар эдилар. Шунга мувофиқ самарқандли Саидахмад Бае-лий, Мираҳмад Аълам Мирий ёки Шоиқ, Шавкат, Хис-

нат ва Камий сингари шоирлар асарининг чиқиш та-рихини шеър билан ёзиб берар эдилар. Шайхонанд-Ҳахур даҳа (Масковский район) Қатортерак маҳалла-лик Абдурахмон Сайёх номлик бир олим томонидан 1915 инчи йил 14 инчи январдан бошлаб «Ал-ислоҳ» номлик журнал нашр қилина бошланди. Шу журналга шоир Камий ҳам бир таърих-шеър ёзиб берди:

Сайёх афанди ношир, гўстарди саъю ғайрат,
Токин зуҳура келди бу навъ яхши хидмат...

...Аз рўйи хуш таъби таърихи ин мужалло
Гў эй Камий, батакрор «Ислоҳи дину миллат».

IX

Мен шоирликда юқори кўтарилиш ниятида шоир Ка-мийнинг хизматларида кўп елиб-югурсам ҳам унинг сингари санъаткор шоир бўла олмадим. Шундай бўл-са-да, билар-билмас анчагина шеърлар ёздим. Ўктабр револютсиясидан бурунги ёганларимнинг ҳаммаси у ер-дан бу ерга кўп кўчиш ва эътибор бермаслигим соя-нида йўқолиб кетди. Бўлмаса, мен ҳам шеър ёзишни 1900 инчи йиллардан бошлаган эдим.

5-6 нчи йилларда чиққан ўзбек газета-журналлари экки ва исхаластик илмлар билан бош қотирувчи мад-рисаларнинг ислоҳ қилиш кераклиги, ҳар ерда янги мак-таб ва мадрасалар очиб, уларда жўғрофия, ҳисоб, ҳан-даса⁹², илми наботот⁹³, илми ҳайвонот, илми жамодот⁹⁴ ва илми табақоту-л-арз⁹⁵, илми кимё, тарих илми, илми-иб (дўқтурлик илми), она тили қондалари, арабча, форсча наҳв-сарф қондаларини осон бир йўсинда Қуръ-он ва ҳадисларни фанга татбиқ қилиб (ҳолбуки, фан билан дин ўт билан сувдек) ўқишга тарғиб қилиб ёзар, мадраса вақфларини бекорга еб, умрларини бемаза базмлар билан ўтқарувчи ҳаромхўр муллабачча ва мул-лаларни танқид қилар эдилар. Ман ҳам шу газеталар-ни икки тийин, уч тийинга олиб ўқиб, мазкур янги фикр-ларга оға бошладим ва 8-9-10 инчи йиллари тотор ис-лохотчилари томонидан Уфа шаҳрида очилган «Мад-расан Олия»га бориб ўқиб, бинойигина намоз, рўзага сўстроқ эътиқодлик, мазор ва авлиёлардан кўмак сўраб дуо қилишга қарши ҳам хотин-қизларнинг ўқишлари-ни очилиши тарафдори бўлиб келиб Тошканд ва бошқа ерларда муаллимчилик қила бошладим.

Аммо, ўрта Осиё ўзбек ва тоjik эиёнлари бошқа янги илмларнинг ўқулиш тарафдори бўлсалар ҳам хотин-қизларнинг очилишига кўплари қаттиқ қарши ту-
рар эдилар. 14-15 ичи йилларда чиққан «Ал-ислоҳ» журналининг бир қанча сонларида бу тўғрида бир неча мақола ва шеърлар ёзилиб чиқди. Шу жумладан, са-
марқандлик Саидхмд Васлий ва андижонлик Хонб-
тахаллуслик бир шоир (яъни Хуршид) «Тасаттури ин-
сон» (хотинларнинг паранжида ёпилиши давом этиши)
ояти лозим ва керак, деб узун-уzun шеърлар ёздилар.
Булар тоторларнинг мутаассиб муллалари томонидан
Ўрунбурғда чиқариладиган «Дин ва маишат» диний жур-
нали йўли билан борар эдилар. Чўнки у мўсулмон хо-
тин-қизларининг ёпилиш ва қоронгу бир ҳолда қоли-
ши тарафдориди.

Ушга вақтда Миср олимларидан Қосимбек Аминнинг «Тахриру-л-маръа» ҳам «Ал-маръау-л-жадида» номли икки асари Уфа шаҳридаги «Мадраса Олия»нинг биомуаллими Зокир ал-Қодирий томонидан тоторчага тилга жам қилиниб, «Озод қодин» ва «Янги қодин» номлари билан босилиб чиқарилиб, эски мутаассиб муллаар томонидан қанча шов-шувга сабаб бўлган эди. Шон Қамий мактаб ва мадраса ислоҳларига ва турмуш (дунёвий) илмларининг ўқулиш лозимлигига бир мойил бўлса ҳам хотин-қизларнинг ёпиқ тутулиши (саттури нисвон) билан мазорлардан ёрдам сўраш каттигъиқод қилар эди.

Х. Авлиётовага саяхат

Бир кун ёз вақти далаларда юриб қимиз ичириб, семиз қўй-қўзилар этини норин ва шилпилдоқ ва ёйиш даври эди. Шоир Камий шу фаслда мен иш учурашиб, бирга Авлиёта томонга саёҳат қилиб таклиф қилди. Мен: «Йўл кирага пулим йўқ» дедим. Ул бориб қайтиб келгунча чиқимларимни ўзига олди. Ҳар иккимиз маслаҳатни бир қилиб йўл 17 нчи йон кечқурун соат олтиларда икки уч кунлик йўл бўлган Чимкентга⁹⁶ уч сўм кира тўлаб бир украинналикнинг беручка⁹⁶ аравасига юриб келдик. Бу аравага тўла темир-терёк торти бўлиб, бадаланимизга ботар эди. Ярим кечалда 1900-риқ мавзёга етдик. Ундан эрта билан чойдан суриб еттида жўнаб, тўққизда Дарвиншакда бўлдик. Ош

да овқатланиб олиб, соат 12-ю 15 минутда жўнаб Қизилқияда тушладик. Йўлда «Турмушми бу?» деган китобин (рўмонин) ўқий бошладим. Йўл чанг, чанг-тўзонга ботиб кетмоқдамиз. 18 нинчи июн кеч соат 11 да Шаробхонага етиб тунаб, 19 нинчи июнда эрта соат 11-у 45 минутда Бекларбегни рабонига етдик. Бекларбегнинг асли исми Лашкарбек бўлиб, Умархон замонида Тошкентда қирқ йилча хонлик даврини сурган бир одам экан. Бу ерга уч уйлик бир работ солган экан. Икки уй сайраён бўлиб, бир уй қолибдир. У ҳозир рус болалари учун ишқуллик⁹⁷ хизматини ўтайдир. Шу ерда бир пахуни кеч соат саккизда Оқтош мавзёсига бориб етдик. Ердан эрта соат иккида жўнаб 1912 нчи йил 20 нчи июн эрта соат саккизда Чимкент шаҳрига етиб, Абдулмуталиббой деган бир савдогариникига тушиб қолдик.

Бу Абдулмуталиббой асли тошкентлик бўлиб, иккинчи бабзоз ва бир ўғли ўқур экан. Бу бой шoirига кўп хамослик экан, бизни кўп хурматлар билан қарши олган. Икки кундан сўнг бизнинг хурматимиз учун Чимкент шаҳрининг обрўлик мулло, шoir ва бойларидан 40—50 кишини чақириб, катта зиёфат берди. Патигуларда оппоқ ёғлиқ non-кулчалар, варақи, сомсалар, реслар нишолда ва мурабболар, қовун, узум ва қанд-лонларда шўрва, жарқоб, чучваралар тайёрланмоқда ва бир томонда ўткур қимизларни шопуриб ичиб-моқдалар. Меҳмонларни яхши овқатлар ва қаймоғ-қуюқ қимизлар қиздириб юборди ва суҳбатлар ҳам бошланди. Катта шoirларнинг шеърларидан ҳам айрим-айрим маъноларидан лаззатландилар. Кеч бўлгач, нориниб, фотиҳа ўқулиб, меҳмонлар мамнун бўлиб тарқашдилар. Эртасидан бошлаб уйларига бир неча кунлар меҳмон қилиб қақира бошладилар. Ҳар биринда шoirлар кишиб келар эдик. Собирхўжа муфти уйига меҳмон қилиб чақирди. Ул Тошкентда мадрасада ўқу-моғида отам билан ошно бўлган экан. Шу йил шoir шoir Юсуф Сарёмий вафот қилган эди. Шундан фотиҳа қилмоқ учун 23 инчи нонда Сайрамга меҳмон бўлди. Эртасига Юсуф Сарёмийнинг қизи-қизиб, унинг руҳига фотиҳа қилди. У киши-кишининг қолдаги қосиб ўғли кутиб олди. Сарёмийнинг катта бир девонини кўрсатди. Сарёмий русча

ҳам, ўзбекча муҳр ҳам ўяр экан, кўриб билдик. Сарём-да ҳам бизни бир неча кишилар меҳмон қилиб, чопон кийгизди. Бу ерда авлиё аталган мазорлар кўп бўлар экан. Шоир Камий шуларнинг ҳар бирининг олдида 10-15 минут тўхтаб, қуръон ўқиб бағишлар ва улардан ёрдам сўрар эди. Мен жуда зерикиб кетиб: «Ҳаммаларига бир қилиб қуръон ўқиб қўя қолинг-да!» — деган эдим. Камийдан балога қолдим. «Сиз шаккокси, — сизнинг азиз-авлиёларга эътиқодингиз йўқ», — деб қўйиб берди. Ҳақиқатан, манинг «азиз-авлиё» деб ном берилган мазорларга сира эътиқодим йўқ эди. Шоир Камийнинг мазорларга эътиқоди қаттиғлигини «Ҳазрати Занги ато» деб ёзган қуйидаги шеърдан ҳам биллиб бўлади:

ҲАЗРАТИ ЗАНГИ АТО

Дарғаҳи ҳақ посбони, ҳазрати Занги ато,
Сирри ғайбӣй роздони, ҳазрати Занги ато...

...Эй Камий, изҳори қуллук бирла қилғил ҳадялар,
Фотиҳа бирлан дуони, ҳазрати Занги ато.

Шундай қилиб 27 нчи июнда яна Чимкентга қайтиб келдик. Келганимиздан кейин ҳам бир неча фозил одамлар ва боёнлар ҳовлиларига меҳмон қилиб чақирдилар. Мулла Йўлдош ва мулла Раҳматуллоҳ деган одамларникида бўлдик. Бу ернинг дўкдорлари газетадан илмий ва фанний мақолаларни ўқиб, Турк-Итолиё уруши қисмини кўпроқ ўқур эканлар. Абдулмуталибоннинг: «Жуда оз вақт турдиларинг-ку, яна уч-тўрт кун туриб борасизлар-да»сига, баъзи меҳмондорлар учун чақирган одамларга қаноатлик жавоблар бериб 1912 нчи йил 2 нчи июлда бир мусулмоннинг беручи аравасига Авлиёотагача икки киши беш сўм қира қилиб, эрта соат бешда жўнаб кетдик.

Араваимизда савдогарларнинг юки бёр эди. Биз икки нафар устида ўтириб бормоқдамиз. Худди соат 12 да Манкат деган жойга бориб тушладик. Шўрбо пишгуни бир оз ухлаб олдик. Шу кун соат бешда жўнаб, соат 7-ю 55 минутда Машат деган жойга бориб қўндик. Биз жой жуда чуқурликда экан. Азонда соат тўртда йўлга тушиб, соат 11 да Тулкибошта етиб, тушладик. Бу ерда Камийнинг бир қадрдон ошиси чақириб 2-3 соат меҳмон қилди. Кеч соат 4-ю 30 минутда юриб кетдик. Соат тўққизда Чақмоқ деган мавзегга бориб етдик. Эрта билан соат бешда жўнаб, соат 2-ю 30 минутда Нонер

да тушладик (палов қилиб едик). Кечқурун соат 5-ю 30 минутда бу ердан жўнаб соат ўнда Гуркуров мавзегга бориб қўндик. Бундан эрта соат олтида юриб кетиб, соат ўнда Қизил адир деган жойда дам олдик ва овқатландик. Пешин чоғи соат бирларда бу ердан жўнаб 1912 нчи йил бешинчи пол кеч соат олтида Авлиёотага етиб Сандвали тўра деган бир обрўлик ҳам мансабдор бойнинг меҳмонхонасида тушладик.

Аравакаш ҳар кун отларига бир сўм қирқ тийин ва бир сўм эллик тийинлик ем-хашак бериб борарди. Йўлда Чор ҳукуматининг бекатларини кўрдик. Ҳар бирда бешта-олтита чопқир отлар ҳам аравалар турар экан. Бекатдан бекатга хат ва совға-саломларни пўтачилар шу от-аравалар билан олиб юрар эканлар. Ҳар бекат сайин арава, отларини янгиллаб, чопиб келиб, чарчаган отларни аравадан чиқариб, бошқа отларни қўшар эканлар. Биз меҳмонхонасига тушган Сандвали тўра кўп обрў қозонган бир киши бўлиб, бу ернинг ҳоким ва приставидан* тортиб, бутун амалдорлари билан ошно экан. Авлиёотада бозор оқсоқоли шу бўлиб, шунинг пегани деган ва айтгани айтган экан, ҳатто ҳокимлар ҳам шунинг маслаҳатисиз иш қилмас ва кўп вақт фуарога золимлик рўлини ҳам ўйнар экан. Бу кишининг амалдор бир боғчаси бўлиб, ҳар ҳафта икки марта — жшанба ҳам жумъа кунлари мансабдорлар ва бойлар шун катта зиёфат бўлиб туради. Бу зиёфат кунлари ўйлар сўйилиб жарқоб, кабоб, шўрва, паловлар, ароқ-шолар ҳам турли нозу неъматлар бўлади. Амалдорлар ва бойлар бу ерда пул тикиб қарталар ҳам ўйнайшадилар. Рус, тотор хотин-қизлари ҳам бу зиёфатга қатнашадилар. Анча фараҳбахш ўйин-кулгилар бўлади. Зиёфатлардан баҳраманд бўлиб билан шу боғчага чиқиб, ар ва мутаассиб мулаларни кўпда ёқтирмас ва шоирларни ҳурмат қилар экан. Биз учун бир қозоққа ҳар би бир кичик мешда келтириб бериб туриш учун қимиз буюриб қўйди. Ҳар кун тушда шўрбо, кечқурун ё имов ёки норин бўлиб, қимизларни тўйиб-тўйиб ичиб эрдик. Унинг 12-13 ларга борган кичик ўғли Ганитўра ар кун бизнинг тушдаги овқатларимизни ичкаридан ичиб чиқиб бериб туради. У эртадан тушгача рус ўрта каттабда ўқуйди. Тўранинг катта ўғли Усмонтўра қўйларга оқсоқол бўлиб Олмота шаҳрига кетган экан. У ерда ҳам бизни бир неча кишилар зиёфат қилиб, шонлар кийизиб турдилар. Шомансур деган фикри

очуқ ва газетахон бир йигит ҳам бизни зиёфат қилиб чопон кийизди. Зериккан чоғимизда кўйинча шу Шоирнинг деган йигитнинг дўконига чиқиб ўтирар эдик. Сандвали тўра Нўғой маҳалласидан сув бўйига 30-40 ҳужралик мусофирхона (гастинса) солдирмоқда эди. Бунинг усталарининг ҳаммаси Тошкентдан олиб берилган. Тошлоқда яна бир бой—Абдулқодирбой катта масжид солдирган. Шу икки бино учун Сандвали тўра шоир Камийга буюриб иккита таърих-шеър ёздирмоқда эди. Ҳаммаси бўлиб шоир билан манга қирқтача чопон йиғилди. Орада кўп бўлса юз сўмдан ошмироқ пул йиғилган эди. Уша ердаги билиш-танишлар ва Сандвали тўра билан хайрлашиб Тошкентга қараб жўнайдиган бўлди. Тўра зўрға руҳсат берди. Икковимиз биттадан чопон кийизиб, 100 (юз) сўмдан ошмироқ пул берди. 1912 йили 27 йили июлда пешиндан сўнг соғат учда бир тунганини беручка аравасини тўққиз сўмга кира қилиб тушиб, Тошкентга қараб жўнадик. Ўнда Авлиёотага яқин Тунган қишлоғини ҳам кўриб ўтидик. Бу қишлоқда юз уйликча тунганлар турар экан. 1912 йили 27 йили иккинчи августда Тошкентга кириб кетдик. Бунга қараганда Тошкентдан Авлиёотага қилган саёҳатимиз қирқ беш кун давом этиб тугади.

Бу Авлиё ота саёҳатчасини ёзиндан мақсуд, «Шоирлар аро гариб эканман»,—деган шоирни бошқа шоирлардан қандай обрўга эга ва тансиқ бир зот эканлигини кўрсатишдир. Бу тажрибадан ибрат олиш мумкинки, кўп олим ва фозил ва шоирлар ўз шаҳарларини хору зор ва аҳамиятсиз бўлса ҳам, бошқа шаҳарлардан катта ҳурмат ва иззатга эга бўлур экан.

XI

1914 йили 1 йили тўртинчи апрелдан бошлаб, Тошкент шаҳрида «Садойи Туркистон» исмида ўзбекча таърих-иқтисодий газетаси чиқа бошлади. Бунинг идораси янги шаҳар, рус бўйида Ленин кўча, 30 йили ҳовлида бўлиб, бошладиган бош махона Карл Маркс кўча, 13 йили ҳовли Илми бош махонаси (ҳозирги «Саво»¹⁰⁰ исмлиқ қизил аскарлар газетаси чиқадиган ер) эди. Илми бошмахонасида биринчи уст-набуриш¹⁰⁰, Бекқулф номлиқ саксон ёшлардан бош ошкан бир тоғор чоғ бўлиб, ўзбек ва тоғорлардан бош ошкан еш болаларни йиғиб набуришлик (ҳарф терини) ни ўргатмақда эди. Унинг Изомхўжаюфга ўхшаш таърих бўлган икки-уч шоғирлари газета мақола ва хабар

ларини теринга анча уста бўлиб қолган эдилар. Рост-и-ёлгонми баъзи кишилар: «Мусулмонча ҳарфларини набуришларни» биринчи марта Петроград (ҳозирги Ленинград)дан шу Бекқулф бобой туя билан келтирилган»,—деб гаплашар эдилар. Бу Илми бошмахонасида анча Мусо Мухаммедов (Эски Жўвадаги биринчи бошмахонанинг директори бўлиб турган Юнус Юсуфнинг доласи) ўшал вақтда уста печатниклардан саналар эди. Шу «Садойи Туркистон» газетаси давом этиб турган 1914 йили 1 йили иккида Богчасарой (Қрим)да чиқадиган «Таржимон» газетасининг ўттиз йиллик муҳаррири Исмонбек Ғаспрински вафот этди. Шу чоғда шоир Камий «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йили 1 йили 1 йили ўқабрда¹⁰¹ чиққан 43 йили сонда қуйидагича бир марсия ёзди:

Бас, чекуб, аҳбоблар, юз оҳ бирдан минг фиғон,
Пиглангиз, кўздин оқузуб ёшлар ўринга қон...

...Олти ҳарфи номидин уч ҳарфи охир маҳв ўлуб,
Ғаспрински эрур таърихи фавти, бегумон.

Бу билан мавлоно Камийнинг газеталарда ҳам қатнашиб турганлиги маълум бўлади. Бу шоир революциядан бурун тараққийпарварлар қаторига ҳам анчагина кириб қолган эди.

XII

Шоир Камийнинг:

Сухан яхшиму ё дурдона яхши,
Сухандона суҳан, дур қона яхши.

Боб бошланган бир шеъри 1914 йили 1 йили бурунроқ бир ҳукумати нашри афкори бўлган «Туркистон вилояти газети» деган Тошкентда 1870 йили 1 йили бош-бош чиққан газетада нашр этилган эди. Шунинг бир йили қуйидагича:

Муаззин чирқу масжид бўлса ипоқ
Ки, андин поп ила ботхона яхши.

Ана шу байт Тошкентда ўзбек тараққийпарварлари томондан чиқарилган «Садойи Туркистон» газетаси муҳаррирларини суддан қўтарган эди. Уш чоғда маҳаррир «Туркистон вилояти газети»нинг бошқилиқчи бошмахонаси Самарқанд кўча 6-нўмир ҳовлидаги Судга бориш воқеаси қуйидагича бошланди. Ички

Русияда бир рус ибодатхонаси (черкави) ёниб кетди. Бу хабарни «Садойи Туркистон» газетасида муҳаррирлар муовини бўлиб ишловчи Рауф Музаффаруф номлик бир тотор ёзувчиси бир рус газетасидан олиб, газетанинг хабарлар қисмида қуйидагича ёзиб чиқарди:

«Путхонада»¹⁰² ёнган»

Перм шаҳрининг диний мактаб путхонасида кечки ибодат вақтида ўт чиқиб, кўп одамга зарар етибдур 28 кишини хастахонага солибдурлар. Ўлган одамлар ҳам бор, маҳалла кашини (попи) ҳам пишиб (ёниб) ўлибдур. («Садойи Туркистон», 1914 йил 20 июл, № 11-сон, 3-инчи бет).

Бу «Путхонада ёнган» деган ибората «Туркистон» вилоят газети¹⁰³нинг бош муҳаррири миссиёнёр Остроумовнинг кўзи тушиб қолиб: «Бизнинг ибодатхонамиз «путхона» деб таржима қилибдур. Бу сўз улуг рус миссионерлари учун ҳақорат», — деб, «Садойи Туркистон» газетасини тўқатадириб, муҳарририни судга беради. Шундан улар типирлашиб қолиб далилни суд чоғида Остроумовнинг ўз газетаси — «Туркистон вилоят газети»нинг 1902 йил 20 июл, 29-инчи сонидан:

Муаззин чирку масжид бўлса нопок
Ки, андин поп ила бутхона яхши, —

деган шеърни топдилар. «Мана ўзинг ҳам «путхона» деб ёзиб чиқаргансан. Ишонмасанг газетангнинг 1902 йил 20-нчи июл, 29-инчи сонига қара», — деб, шон Кайининг юқоридаги айтилган шеърини далил қилиб кўрсатадилар. Шу тўғрисида бир неча рус адаватлари ҳам: «Биз ҳам ерли халқга черковни путхона (бутхона) деб тушунтирамиз. Бу сўз ҳақорат (камситиш) сўзи эмас», — деб, бу сўз ҳақорат сўзи эмаслигини қўшниладилар. Шундан, «Садойи Туркистон» газетасининг муҳаррирлари оқлашиб, суд жазосидан қўтилиб қолдилар. Бу оқлашиб воқеаси «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 9-инчи сентябр, 39-инчи сон, 4-инчи бетиде қуйидагича ёзилиб чиқад.

«Муҳаррирларимиз суди»

Жаридамиз муҳаррирларидан Ўбайдуллоҳ Хўжаев ва А. Рауф Музаффарзода № 11-сон жаридамизда ёниб ён «Путхона» лафзи учун 73-инчи истафия угуловини

ложения¹⁰³ ила ҳукмга тортилиб эдилар. 3-инчи сен-абрда шул иш Тошканд округни судида қаралиб, ҳар бириккиси айбонз топилиб оқлашиб чиқдилар».

XIII

Мен юқорида зикр қилгонимдек хотин-қизларнинг ишги мактабларга кириб илму фан олишга ва паран-кидан озод бўлиб, очилишга жиддий равишда тарафдор эдим. Шоир Камий бўлса буларнинг ўқуб, илм-фан олишга тарафдор бўлса ҳам паранжидан чиқишга ва кўк ҳолда юрушига қарши эди. Бир кун шу тўғрисида кковимиз жанжаллашиб, тортишиб қолдик. Мен Миср-лими томонидан арабча ёзилиб, Уфа «Олия» мадрасининг муаллими томонидан таржима қилинган «Озод олин» ва «Янги қодин» исмли китобларни бир қарра қўб чиқишга тавсия қилдим. Шоир Камий бўлса анжонлик шоир Хонб (Хуршид)нинг 1915 йил 1-инчи декабр, 24-инчи сон «Ал-ислоҳ» журналинда иккан «Очиқлик» деган шеърини тақдим қилди. Бу шеър қуйидагича ёзилган эди. (Муҳим жойлари олин-и).

ОЧИҚЛИҚ

Очиқлик миллати Исломо аро феъл-и қабоҳатдур,
Очиқлик боиси ранжу алам, бўғзу адоватдур.
Очиқлик хор эдар таҳқиқ аҳли, илму урфонни,
Очиқ Исломо инсоига чу бир навъи ибодатдур.
Очиқлик дину имон хонасин таҳқир эдар барпо,
Очиқлик боиси зиллат, абу-умми жаҳолатдур.
Очиқлик офатидур илму фанлар мазруотига,
Очиқлик боиси расвои, эй, рўзи қиёматдур.
Очиқлик зиддиям, Хонб! тарафдор ўлмазам,
Очиқба зид ўлан ашхос қандай бедиенатдур.

Андижон. «Хонб» Шамсиддинхўжа

Тугали.

1945 йил 1-январ-феврал.

1948 йил 1-август.

1 «Хонб» Шамсиддинхўжанинг таҳаллуси бўлиб, «маънос» ва «идсия» маъносидир. Револютсидан кейин бу «Хонб» таънос «Хуршид»га айланди (М. Тошқин илм).

МАНБАЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1. Биринчи газалдан «Сарви бўстон, эй нари, қадини ни сар афқандаси» мисраъи билан бошланувчи таълиқча бўлган шеърлар 5736 рақамли қўлёзма билан олинди. Бу баёз УЗФАШИ қўлёзма китоблари хазинасида сақланади. Китобнинг 471-бетига баёзнинг ҳижрий 1311 (мелодий 1893) йилда Абдулқадир Камий (яъни шоир Каримбек Камий) томонидан китобат қилингани ёзилган. Ҳажми 472 бет. Баёз шоир Камийнинг 83 та шеъри бор. Шулардан 71 таси газал, еттиси мухаммас, учтаси манзум, биттаси маснавий ва биттаси рубоийдир.

Бу китоб Камий шеърлари учрайдиган дастлабки манба.

2. Аторуд — Меркурый сайёраси. Ривоятларга кўра бу бу юлдуз қалам аҳлининг ҳомийси экан.
3. Сурайё — Хулқар (бир тўп юлдуз).

4. Бу газал классик адабиётшуносликда газали деб қўфия дейилади. Газали зебоқофиянинг одатдаги таълиқчадан фарқи унинг қўфияланиш тартибиди. Одатда газалда матлаъдан кейинги байтларнинг фақат иккинчи мисраларигина газал матлаъига қўфияланиш келса, газали зебоқофияда эса газалининг барча мисралари матлаъга қўфияланиб келади. Яъни, одатда газалининг қўфияланиш тартиби *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлса, газали зебоқофиянинг қўфияланиши *а-а, а-а* тарзидир. Бундай газал шоирлардан катта маҳорат талаб қилади. Классик шеърятимизда зарийётчиларидан О. Носиров газали зебоқофия мутахассиси бўлиб, унинг 1321—1396) лар ижодидаги таълиқчадан таълиқчага қўфияланиш тартиби *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлса, газали зебоқофиянинг қўфияланиши *а-а, а-а* тарзидир. Бундай газал шоирлардан катта маҳорат талаб қилади. Классик шеърятимизда зарийётчиларидан О. Носиров газали зебоқофия мутахассиси бўлиб, унинг 1321—1396) лар ижодидаги таълиқчадан таълиқчага қўфияланиш тартиби *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлса, газали зебоқофиянинг қўфияланиши *а-а, а-а* тарзидир. Бундай газал шоирлардан катта маҳорат талаб қилади. Классик шеърятимизда зарийётчиларидан О. Носиров газали зебоқофия мутахассиси бўлиб, унинг 1321—1396) лар ижодидаги таълиқчадан таълиқчага қўфияланиш тартиби *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлса, газали зебоқофиянинг қўфияланиши *а-а, а-а* тарзидир.

Газал фақатгина битта манба — 1893 йили Қасимбой ўғли Макайликнинг Тошкентга келиши муносабати билан ёзилган. Макайлик — Қўқонга яқин. Макай қишлоғидан. Шоир Муқимийнинг дўсти. Муқимий «Ассалом» радибли шеърда:

да таҳаллус қўлланилмаган бўлса-да, у мазмунан тутааликка эга.

6. Дўзах сўзи вази талаби билан «дўзах» шаклида ёзилди.

7. Гўш этмоқ — тингламоқ, қўлоқ солмоқ.
8. Бу газал машҳур ҳофиз Муҳаммаджон Қосимбой ўғли Макайликнинг Тошкентга келиши муносабати билан ёзилган. Макайлик — Қўқонга яқин. Макай қишлоғидан. Шоир Муқимийнинг дўсти. Муқимий «Ассалом» радибли шеърда:

Бир Макайликхон билан юзлаштиролмай, оҳким,

Бўлди ҳасратлиг кўнгул устига қонлар, ассалом, —

деб ёзди. Ҳ. Каримовнинг фикрича бу шеър мактуб 1889 йил тошкентлик Маҳмудхўжа эшон номига ёзилган. Демак бунга қадар Макайлик ҳали Тошкентга келмаган эди. «Хўш келингиз» радибли шеър эса Камийнинг 1893 йилги баёзидан учрайди. Бундан маълум бўладики, Макайлик 1889—1893 йиллар орасида Тошкентга келган ва бу шеър ҳам айнан шу даврда ёзилган.

9. Бу ерда сўз Юсуф пайгамбар ҳақида. Ривоятларга кўра Аллоҳ таоло бандаларига берадиган гўзалликнинг 99 фозини Юсуф алайҳис-саломга берган, қолган бир фозини эса бошқа бандаларига. Шунинг учун ҳам Юсуф образи классик шеърятимизда инсоний гўзалликнинг тимсоли бўлиб келади, аксарият ҳолларда эса шоирлар ўз ёрларининг чироийни Юсуфнинг чироийга тенглаштириб вафс этадилар. Мисрий сўзи эса Юсуфнинг инсбаси бўлиб келган. Бу—мисрлик Юсуф маъносиди. Юсуф гарчи Канъ онда туғилган бўлса-да, акалари томонидан сотилгандан кейин у Мисрда яшайди. Шунинг учун ҳам кўпроқ «Юсуфи Мисрий» номи билан машҳурроқдир.

10. Жомин Жам — Жамшиднинг жоми. Жамшид — афсоналашиб кетган қадимий Эрон шоҳларидан. Ривоятларга кўра у бир жом (қадах) ихтиро қилган. Бу жомнинг сифатларидан бири шундан иборат эдики, ундаги май ичган билан тугамас эди. Байтда Жамшид жомининг шу сифатига кўпроқ ишора қилинмоқда.

11. Байтнинг мазмуни: «Эй замон Сўлаймони, инсоф қилсанг-чи, қумуреқалар тўласини бунчалар оёқ ос-ти қилмоқ нега, ахир?» Диний ривоятларга кўра,

Сулаймон пайғамбар Ер юзидаги бутун жонли махлуқотларга подшоҳлик қилган экан. Хатто шамол ҳам унинг ҳукм-фармониға бўйсунган эмиш. Бир кун Сулаймон ўз лашкарини «Водий-д-Намал» деган жойдан олиб ўтаётган экан, қумурсқалар подшоҳининг ўз қўшиниға «Тезроқ инларингизға кинринглари, Сулаймон лашкарининг зарари тегмасин» деган фармонини эшитиб қолибди. Бундан ранжиган Сулаймон пайғамбар қумурсқалар подшоҳини кафтига олиб, «Нега бундай фармон бердинг, бизнинг оёғимиз остида уларнинг озор топмаслигини билмасмидинг?» — деганида, қумурсқалар подшоҳи «Эй худонинг пайғамбари, сендан хотирим жам, аммо сен сезмай қолиб лашкарингдан озор етмасин деб шундай қилдим», — деб жавоб беради. Ривоятда Сулаймон энг қудратли бир подшоҳ образи бўлса, қумурсқа (мўр) эса энг ожизу нотаовон бир жонот тимсолидир. Юқоридаги байтда мазкур ривоятнинг ушбу томонига ишора қилинмоқда.

12. Ислоний эътиқодга кўра, мусулмон киши Қабба туллоҳ — Аллоҳнинг уйини қанчалар хурмат қилиши керак бўлса, инсонни, унинг кўнглини ҳам шунча эъозлаши керак, аксинча бир кўнгилни синдириш Қаббани вайрон қилиш билан баробар. Иккаласининг гуноҳи тенг. Чунки бири Аллоҳнинг уйи, иккинчиси, Ҳаззолийнинг «Айюҳал-валадаида айтилган шича Аллоҳнинг назари тушиб турадиган инсондаги ягона аъзо.

13. Тилсим. Вазн талаби билан шу шаклда ёзилди.
14. Байтнинг мазмуни: «Токи Ҳабашлар мамлакатидан занги (қора танли) бор экан, нега Ҳинд подшоҳи Рум юртиға лашкар тортиб уни фатҳ этмасин?!» Байтда Мулки Ҳабаш, Рум, лашкарлик, Ҳинд шохлари сўзлари кўча маънода келган. Яъни, Рум (Оррупо маъносига) — ёрнинг оқ юзи, Мулки Ҳабаш — юзидаги қора хол, лашкар тортган Ҳинд шохлари эса ёрнинг қора кокилидир.

15. Нофан тотор — энг хушбўй мушк.
16. Жамшид — афсонавий Эрон шоху.
17. Фаридуи — пешдодийлар сулоласига мансуб ҳукмдорнинг исми.

18. Фар — нур, шуъла.
19. Масиҳ — Исо пайғамбарнинг лақаби. Диний ривоятларга кўра Исо алайҳис-салом ўз нафаси билан уланганларга жон бахш этган. Классик шеърнатиимзо

ёрнинг лаби «лаъли Масиҳ» деб таърифланганда Исо алайҳис-саломнинг шу сифатига ишора қилинади.

Иҳё — тирилтириш.

Таъя — аслида қаландар-дарвешлар яшайдиган жой. Лекин Тошкент Чор Русияси томонидан босиб олингандан кейин дарвешчилик расман тақиқланганлиги боис таъялар чойхона ва базмхоналарга айлан-тирилган.

2. Абдулгани Муталибов — шарқшунос олим. У 1893 йилда рус-тузем мактабининг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширади. Қамийнинг «Абдулгани» радибли шеъри шу муносабат билан ёзилган. «Туркистон вилояти газети»да ҳам чоп этилган. Шеър тепасида шундай ёзув бор: «Ушбу 1893 йилда июн ойида имтиҳонлардин равшан ва маин чиқиб хатм қилгон Абдулгани Муталбой ўғлининг фазли камолоти хусусида ушбу шеърни Қамий деган шоир тақрир айлабдур. Назм». Шеърнинг газета вариантлари 16 мисра. Мақтаъи йўқ.

3. Байтнинг мазмуни: «Илмдан бебаҳра қолган, эй асрнинг ёшлари, бу кўз билан қараганда сиз тикансиз, Абдулгани эса бир гулистондир».

4. Алайҳи-р-роҳма — Аллоҳ раҳмат қилсин.

5. «Кўнглини узуб бўлмас кўзини қаросидин» мисраъи билан бошланадиган ғазалдан «Муяссар ўлса даме суҳбатинг менга, эй ёр» деб бошланувчи ғазалгача бўлган шеърлар 7710 рақамли баёздан. Бу баёз ҳам ўзФАШИ қўлёзма китоблар хазинасида сақланади. Котиби шоир Қамийнинг ўзи. Баёзда 1895 йил «Туркистон вилояти газети»да босилган «Мураббаъи дар таърифи мактаб» шеъри киритилган ҳолда шу газетда 1902 йил эълон қилинган «Яхши» маърузмаси учрамайди. Демак баёз шу йиллар орасида китобат қилинган. Унда Қамийнинг 28 та шеъри бўлиб, шулардан ўнтаси такрорий, 14 таси ғазал (биттаси тугалланмаган), битта фард, битта мураббаъ, иккитаси маснавий йўлда ёзилган.

6. Шу ғазалдан «Ал-амон, юз ал-амон, ножинслардин ал-амон» сўзлари билан бошланган ғазалгача бўлган шеърлар «БАЕЗ» номи билан чоп этилган китобга тегишли. Бу «БАЕЗ» 1907 йилда Ғ. Ҳ. Ориф-жонов матбаасида чоп қилинган. Кўчирувчиси Мулла Утаб Расулмуҳаммад ўғли. Ҳажми 240 бет. Унда Қамийнинг 51 та шеъри киритилган, шулардан

баёз 1911 йил Яковлев типо-литографиясида чоп этилган. Ҳажми 144 бет. Ундаги Камийнинг саккизта шеъридан олтитаси янги. Бундан тўрттаси газал, биттаси мусаддас ва биттаси китоб таъбияга ёзилган таърих-газал.

35. «Оразинг ёдин қилурман то жаҳонда бормен» бош-мисрали ва ундан кейинги газал «Баёзи Муҳалло»га тегишли. Баёз ҳижрий 1330 (мелодий 1912) йилда Ғ. Ҳ. Орифжонов матбаасида чоп қилинган. Ҳажми 144 бет. Бундаги Камийнинг тўртта газалдан иккитаси такрор келган.

36. «Фигон эгмайму илқингдин сани, эй чархи кажрафтор» деб бошланувчи газал ва «Барфномаи Камий» ўзФАШИ даги Абдулла Носиров фондидан олинди. Бу шеърлар иккита varaққа ёзилган. Биринчи варақнинг орқасида шундай ёзув бор: «Камий домла-Камий домланинг вафотларидан кейин мадраса мудиридан олиб, сақлаб юрган эдим. Шу жойга маҳкам этиб қўйдим. 10 VII—72».

Биз мазкур икки шеърни бошқа манбаларда уч-ратмадик.

37. Мунисхон ҳақида маълумот учратмадик.

38. Бу шеър «Ойна» журнаlining 1913 йил 7 декабр (№ 7) сониде «Тахрифи каломуллоҳ ҳақида» сарлав-ҳаси остида берилган. Сарлавҳадан кейин қаведа шундай ёзув бор: «Қазонли Харитунуф матбаасида тахриф таъб қилингон каломи шарифни таъбияга». Тахриф» сўзининг лугавий маъноси сўздаги ҳарфин бузиб, ўзгартириб беришидир. Қозонлик ношир И. Н. Харитонов Қуръонни бузиб нашр эттиради. Шеър шу муносабат билан ёзилган.

39. Исмоилбек Гаспирали — 1851—1914 йиллар ораси-да яшаган буюк маърифатпарвар. У. 1883 йил 10 апрелдан бошлаб «Таржимон» газетасини чиқара бошлайди. Бу мустамлака туркий халқлар томони-дан чиқарилган биринчи газета эди.

Гаспирали ва унинг «Таржимон» газетаси ҳақи-даги бу шеър «Ойна» журнаlining 1914 йил 19 фев-рал (№ 17) сониде эълон қилинган.

40. «Ал-ислоҳ» журнаlining 1915 йил 14 январ (№ 1) сониде.

41. «Ал-ислоҳ» журнаlining 1915 йил 4 феврал (№ 2) сониде.

42. Бу шеър «Мулла Камий Тошкандий тарафидан»

ётитаси такрор. Янги 44 та шеъридан 27 таси газал, тўрттаси мухаммас, тўрттаси рубоий, тўрттаси фард, иккитаси мурабаъ, иккитаси манзум шеър ва биттаси мусаддасдир.

27. Қизил қиёмат — қиёмат кунининг энг авж палласи

28. Офоқ — уфқлар. Шаҳри офоқ — уфқдаги шаҳарлар

29. Камийга замондош шоирлардан. Қорий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

30. Шу газалдан «Ғамзан чашминг, ажаб, жаллод эрур бошмисрали газалгача 56 рақамли баёздан олинди. Бу қўлёзма баёз Тошкент Давлат Педагогика ин-ститутининг ўзбек адабиёти кафедрасига қарашли 1911 йилда китобат қилинган А. Жалоловнинг («Узбек маърифатпарвар-демократик адабиёти», 1978, 18-6.) фикрига қараганда хаттоти шоир Ҳасан Баёзнинг ҳажми 252 varaқ. Бунда Камийнинг 47 та шеъри бор, шулардан 24 таси такрор, 23 та янги шеърлардан 16 таси газал, тўрттаси рубоий учтаси фард.

31. Бу газалдан «Оҳиста хиром айла, жоно», деб бошланувчи газалгача «Баёзи Ҳазиний»дан. «Баёзи Ҳазиний» 1910 йил Ғ. Ҳ. Орифжонов матбаасида чоп этилган. Ҳажми 228 бет. Камийнинг бундаги шеър шеъридан еттитаси такрорий. Қолган тўққизта шеърдан бештаси газал, иккитаси мухаммас ва иккитаси мусаддасдир.

32. Зангиато — Занги ота. Асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа. Сўфийликнинг Яссавия йўналишига мансуб XII—XIII асрларда яшаган тошкентлик шайхлардан. Тошкент вилояти Занги ота қишлоғида дafн этилган. XIV асрнинг охирида Амир Темур Занги ота ва унинг завжаи муҳтарамаси Анбар она қабри-ларни устига мақбара қурдирган.

33. Анбар ано — Анбар она. Уша даврдаги Хоразм хонларидан Буграхоннинг қизи. Буграхон уни Ҳанан ота — Сулаймон Боқиргонийга назр қилган. Улар уч ўғил кўришган. Ҳаким ота вафоти олдида ўғил-ларига Анбар онани Занги отага никоҳлаб бериш васият қилади. Занги ота Анбар онага уйланиб, Тошкентга олиб келган. Улар вафотига қадар шу ерда яшашган.

34. Ушбу газалдан то «Эй дидбари олижаноб, рубоийи мисраъи билан бошланувчи газал эрур чун офтоб» мисраъи билан олинди.

- ёзувчи остида «Ислоҳ» журналининг 1915 йил 15 июл (№ 13) сонидан чоп этилган.
43. 5736 рақамли қўлёзма баёздан.
44. 1907 йил чоп этилган «БАЕЗ»дан.
45. «Ойна» журналининг 1914 йил 27 январ (№ 3) сонидан эълон қилинган. Шеърнинг тағида «Тошканди «Камий» жанобларинингдур» деган ёзув бор.
46. 56 рақамли баёздан.
47. Қитъалар 56, 5736 рақамли баёзлардан олинди.
48. 56 рақамли баёздан.
49. Фалотун, Афлотун — қадимги юнон файласуфи Платоннинг шарқона номлари.
50. «БАЕЗ»дан.
51. 7710 рақамли баёздан.
52. Мисраининг мазмуни: «Мактаб — барча араб ва азам халқлари учун сингиладиған жой». Араб — арабий халқлар, Азам — ғайри араб мусулмон халқлар.
53. «Сандин ўзга, эй парил...», «Мухаммаси Камий бар дубайти шоир», Ронқий ва Котиб ғазалларига ёзилган мухаммаслар шоирнинг пароканда шеърлар тўлиминдан олинди. Бу тўлпам 209 рақам остида УЗФАҚИ «Қўлёзма китоблар» бўлимида сақланган. Бунда Камийнинг турли йилларда ёзилган шеърлари тажассум толган. Афтидан, шоирнинг вафотидан кейин кимдир уларни йиғиб қўйган ва кейин чалик Қўлёзмалар институтига топширган.
54. «Ишқида чу бизни зор қилди», «Холим дигарун айлади...», «Эй кони файз, зотинги қилминг сени аҳад», Фузулий, Муқимий, Ўзлат ғазалларига ёзилган мухаммаслар ва «Мухаммаси дар мазамин асп» 5736 рақамли баёздан олинди.
55. «Остонангизга юз суртар келиб шоҳу гадо», «Е раб замона халқи бир-бирга ҳосид ўлди» деб бошланувчи ва Хувайдо ғазалига ёзилган мухаммаслар «БАЕЗ»дан.
56. Шайх Зайниддин ота — XIII асрда яшаган тошкентлик йирик ислом олими. Кўкчадаги қабристонга дафн қилинган, мақбараси бор. Ҳозирда бу қабристон шу шайх номи билан «Шайх Зайниддин бобо» деб аталади. «Истионат ал-мадад» — ёрдам ва мадад бер, деган маънода.
57. Кўйи Орифон — орифлар кўчаси. Шайх Зайниддин ота Орифон қишлоғида яшаган.
58. «Ҳижронингиз ичра ғам бул кеча» деб бошланувчи

ва Ҳазиний ғазалига ёзилган мухаммаслар «Баёзи Ҳазиний»дан олинди.

59. Котиб — Пирмуҳаммад Турсунмуҳаммад ўғли Котиб 1858 йилда Тошкентнинг Тахтаул маҳалласида бўлин оиласида туғилган. Ўз даврининг аллома кишиларидан эди, аъламлик унвонини олган. Замондошлари Пирмуҳаммад Аълам дейишган. Шеърлари кўп эмас, бори ҳам пароканда ҳолда. Котиб 1933 йил 75 ёшда вафот этган.
60. «Ойна» журналининг 1913 йил 14 декабр (№ 8) сонидан эълон қилинган. Шеър тепасида: «Учунчи адад «Ойна»даги шеърга тахмис. Мухтарам тошкандли шоир Камий афандинингдур» деган ёзув бор.
61. «Ал-изоҳ» журнали, 1918 йил, 21 март, (№ 26) сони.
62. Уша пайтларда Туркистон Ўлка Ҳарбий комиссари Е. Перфильев эди.
63. Ҳижрий 1336 йил жумоди-л-аввал ойн мелодийининг 1918 йил февралига тўғри келади.
64. «БАЕЗ»дан.
65. «Баёзи Ҳазиний»дан.
66. Бу ва бундан кейинги мусаддас пароканда шеърлар тўлиминдан олинган.
67. Оренбург сўзи қофия ва вази талаби билан шу шаклда ёзилган.
68. Жаҳаннамий зулумот — дўзах зулматлари.
69. «Туркистон вилояти газети»нинг 1903 йил 31 январ (№ 4) сонидан эълон қилинган. Шеър тепасида шундай ёзув бор: «Анджоннинг воқеоти хайратафзон хусусида тошкандлик шоир Камийнинг мусаддас уллубида айтгон шеъри».
70. Пароканда шеърлар тўлиминдан. Шеърнинг тўла номланиши: Дар таърихи вафоти тожу-ш-шуаро ва афсаҳу-л-фусаҳо, адиби комилу фозил, аъний мавлоно Муҳйиддин афанди Хўқандийки, дар шаҳри Андижон вафот намуда буданд (раҳматуллоҳи алайҳ).
- Маълумки, шоир Муҳйи ҳижрий 1329 санада вафот этган. Бунга Камийнинг таъмия усулида ёзилган таърих-марсияси ҳам далил. «Таъмия» таърих-гўйликда энг мураккаб усуллардан бири бўлиб, у моддан таърихга бирор соннинг қўшилиши ёки исқот (чиқариб ташлаш) қилинишидан ҳосил бўлади. Одатда, таваллуд саналарини ифодаловчи тарихлардан моддан таърихга бир сон қўшилса, таърих-

Марсияларда эса ундан бирор сон чиқариб ташланади. Муҳйи вафотининг санаси таърих-марсиянинг

Чашми пўшида хуш зи-рўйи гунаҳ,

Мурд, ваҳ, тожи шоирон Муҳйи,

байтида ўз аксини толган. Байтдаги:

مرد وه تاج شاعران معيى

(Мурд, ваҳ, тожи шоирон Муҳйи) сўзлари моддан таърих. Абжад ҳисобига ундаги

م -40, ر -200,

د -4, و -6, ه -5, ت -400, ي -1, ج -3,

ش -300, ا -1, ع -70, ر -200, ا -1,

ن -50, م -40, ح -8, ي -10,

га тенг. Бу сонларнинг йиғиндиси эса 1340

дир. Энди жанрнинг қонуниятига кўра моддан

таърих йиғиндисидан бирор сон чиқариб ташлаш

керак. Унинг қандай сонлигини аниқлаш учун би

ринчи мисрага мурожаат қиламиз: «Чашми пўшида

хуш зи-рўйи гунаҳ». Таржимаси: Гуноҳнинг юзидан

кўз юмган яхши. Демак, ишорага кўра, «гунаҳ»

(كنه) нинг «юзи» бўлган «гоф» (ك) дан кўз юми

миз. Яъни, моддан таърихга тенг бўлган 1349 дан

«гоф»нинг адади — 20 ни чиқариб ташлаймиз. Анир

ма — 1329. Демак, шоир Муҳйи ҳижрий 1329 (мел

дий 1911) санада вафот этган.

71. Пароканда шеърлар тўпламидан, Шеърнинг тўла

номланиши: Ушбу марсия-таърих вафоти адиби но

милу фозил, шоири шаҳри замон ва олими таҳри

ри даврон, аъний, Тошхўжа эшон, муллақаб би Ас

рий Хўжандий (раҳматуллоҳи алайҳ). Тошкандан

мухлислари тарафидан рўҳи пурфутуҳларина итти

ҳоф.

Шоир Асирийнинг вафоти санаси:

Ҳотифки, зако рўйи билан соли вафотин,

Берайб деди: боғи Эрам жойи Асирий,

байтида яширилган. Байтдаги моддан таърих:

ب -200, م -40, ر -200,

د -4, و -6, ه -5, ت -400, ي -1, ج -3,

ش -300, ا -1, ع -70, ر -200, ا -1,

ن -50, م -40, ح -8, ي -10,

га тенг. Бу сонларнинг йиғиндиси эса 1340

дир. Энди жанрнинг қонуниятига кўра моддан

таърих йиғиндисидан бирор сон чиқариб ташлаш

ياغ ارم جاي اسيرى (Боғи Эрам жойи Асирий).

Ундаги

ب -2, ا -1, غ -1000, ا -1,

ر -200, م -40, ح -3, ا -1, ي -10,

ا -1, س -60, ي -10, ر -200, ي -10

га тенг. Игнннди: 1539. Шоирнинг иккинчи

мисрада «берайб» дейишига кўра, моддан

таърихдан «райб» (رب) исқот қилинади. «Райб»

араб ёзувида уч ҳарфдан иборат бўлиб, ر -200,

ي -10, ب -2) унинг адади 212 га тенг. Моддан

таърих (1539)дан уни чиқариб ташласак, 1327 қо

лади. Биринчи мисрада эса «Зако рўйи билан» де

йилмоқда. Демак, ишорага кўра «зако» (ك) нинг

«юзи», яъни «зе» (ز) нинг адади — 7 моддан таърих

га қўшилади. Натижада, шоир Асирий вафот этган

ҳижрий сана — 1334 (мелодий 1916) келиб чиқади.

72. «Садоий Туркистон» газетасининг 1914 йил 4 апрел

(№ 43) сонидан, шеърнинг тўла номланиши: Ха

қойиқ огоҳ, маориф дастгоҳ, устоди замон, соҳиби

Таржимон», жаноби Исмоилбек ҳазратларининг ру

ҳи пурфутуҳларина иттиҳоф.

Исмоилбек Гаспралининг вафоти санаси:

Олти ҳарфи номидин уч ҳарфи охир маҳв ўлуб,

«Гаспрински» эрур таърихи фавти бегумон,

мисраларида ўз ифодасини толган. Моддан таърих:

ف -200, م -40, ر -200,

د -4, و -6, ه -5, ت -400, ي -1, ج -3,

ش -300, ا -1, ع -70, ر -200, ا -1,

ن -50, م -40, ح -8, ي -10,

га тенг. Игнннди: 1442 бўлиб, Гас

прали вафот этган ҳижрий санадан 110 йил зиёд.

Демак, моддан таърихдан 110 га тенг ҳарфларни

топиб исқот қилиш керак. Байтнинг биринчи

мисрада эса бунга ишора бор. Яъни, «Олти ҳарфи

номидин уч ҳарфи охир маҳв ўлуб», — дейди шоир.

Хўш, бу олти ҳарфдан иборат қайси ном? Бунга

марсия-таърихнинг учинчи байтидан жавоб чиқади:

ب -200, م -40, ر -200,

د -4, و -6, ه -5, ت -400, ي -1, ج -3,

ش -300, ا -1, ع -70, ر -200, ا -1,

Олти ҳарф илан мураккаб келди номи сомеси,
Яъни Исмоилбек мирзо эди фарди замон.

Демак, бу ном «Исмоил» — **اسماعيل** Маълум бў-
лаяптики, у араб ёзувида етти ҳарфдан иборат. Ле-
кин шоир «номи сомеси» деб, диққатни шу ном-
нинг эшитилишига қаратмоқда. Яъни «Исмоил»
ўзбекча талаффузда ва эшитилишда олти товушдан
(шоир уни ҳарф деб атайди) таркиб топади.
Ёзувда эса унинг охири уч ҳарфи **ع — 70, ئ — 10,**
ي — 30 га тенг бўлиб, уларнинг умумий адади 110.
Энди биринчи мисрадаги ишорага кўра моддан таъ-
рихнинг адади 1442 дан 110 ни исқот қилсак Гас-
прали вафот этган ҳижрий 1332 (мелодий 1914) са-
на келиб чиқади.

73. Пароканда шеърлар тўпламидан. Шеърнинг тўла
номланиши: «Жаноби маҳбубу-л-уламо ва фузало,
фазлу фатонат обихаётининг манбаъи ва фаҳму
фазилат аҳлининг мақсаду маржаъи: Шариф овчи-
нинг меҳрий зоти анинг, Қуёшдин ёруғроқ сифоти
анинг, аъни Миён Фазл Яҳёу-л-муллақаб Миён
эшонча (раҳматуллоҳи алайҳ) вафотларина мар-
сия-таърихдур. Мухлислари Камий қаламчи шикаста-
забон ва хотири паришон тарафидан.
Таърих акс этган байт:

Доҳили жаннат Миён эшонча соли рихлати,
Эй Камий, ҳаққоки бас, берайбу беё айладинг.

Байтидаги таърих моддаси:

(Доҳили жаннат Миён эшонча). Ҳақиқатда

1 — 1, х — 600, л — 30, ж — 3, н — 50,
т — 400, м — 40, ы — 10, 1 — 1, н — 50,
1 — 1, ы — 10, ш — 300, 1 — 1; н — 50,
ж — 3, н — 5. Иггинди эса 1559 га тенг.

Иккинчи мисрадаги ишорага кўра моддан таърих-
дан «райб» ва «ё» нинг адади исқот қилинади. Аб-
жад ҳисобига кўра «райб» (ر — 200, ي — 10, ب — 2)
212 га, ҳарф номи ҳисобланган «ё» эса 10 га тенг
бўлиб, умумий адад 222. Моддан таърихнинг ада-
ди 1559 дан 222 ни чиқариб ташласак, 1337 қолади.

Бу эса Миён эшонча вафот этган ҳижрий (мелодий
1919) санадир.

74. Пароканда шеърлар тўпламидан. Шеърнинг тўла ном-
ланиши: Ҳашу марсия-таърих жаноби муҳтарам
Маллахўжа вафотларина (раҳматуллоҳи алайҳ).
Таърих ифодаланган байт:

Эй Камий, сўз мухтасар бе рўйн яъс,
Фавти соли Маллахўжа раҳмати.

Моддан таърих: **مله خواجه رحمتي** (Маллахў-
жа раҳмати). Ҳақиқатда

х — 600, 6, 1 — 1, ж — 3, н — 5,
р — 200, х — 8, м — 40, н — 400,
ы — 10 га тенг. Иггинди: 1348. Биринчи

мисрадаги «бе рўйн яъс» ишорати кўра «яъс»
(ياس) сўзининг «рўйн» моддан таърихдан исқот
қилинади. «Яъс» нинг «рўйн», яъни биринчи ҳарф
бирикмаси «ё» (ي) ва «алиф» (ا) ҳарфлари бўлиб
уларнинг умумий адади 11 га тенг. 1348 дан 11 ни
чиқариб ташласак, 1337 қолади. Демак, Камийнинг
бизга номаълум замондоши Маллахўжа ҳижрий
1337 (мелодий 1919) йилда вафот этган.

75. «Дар таърифи тавсифи илм...» ва «Яхши» манзу-
малари «BAF3» дан олинди.

76. «Баёзи Муҳалло» дан.

77. 5736 рақамли баёздан.

78. Николай Петрович Остроумов (1856—1930) Қозон
диний академиясининг Ислоҳ динига қарши мис-
сионерлик бўлимини тугаллаган. 1877 йилда Тош-
кентга келган. Гимназия директори ва аъни пайтда
«Туркистон вилояти газети»нинг муҳаррири вазифа-
ларида ишлаган. «Сарты» китобининг муаллифи.

79. Славян тиллари демоқчи.

80. «ТВГ» нинг 1895 йил 23 август (№ 34) сонидан.
Шеър аввалида шундай ёзув бор: «Тошкандлик Ка-
мий деган шоирнинг темир йўл хусусида айтган
манзумасидур».

81. «Шикоятномай Камий...» ва «Бир майхўр йигит ху-
сусида ибратли ҳикоя» манзумалари пароканда
шеърлар тўламидан олинди.

82. Мўминжон Мухаммадзонов — Тошқин 1883 йил
Кукча даҳа Пичоқчилик маҳалласида туғилган, 1964

- йили 81 ёшида вафот этган. Камийнинг шоғирлари—
дан. Дастлаб Тошкент мадрасаларида ўқиган, кейинчалик 1908—1910 йилларда Уфада бўлиб, «Мад-
расан Олия»да таҳсил олади. Уфадан қайтач, янги
усулдаги мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган. «Тур-
муш урунишлари», «Эски мактаб турмуши» номли
асарлари ва бир қанча форс ва татар тилларидан қил-
ган таржималари бор. М. Тошқин 1944—1948 йил-
ларда ЎзФА қошидаги (ҳозирги Алишер Навоий
номидаги) Адабиёт музейида кичик илмий ходим
бўлиб ишлайди. Шу даврда Ўзбекистон Фанлар
академияси, асосан, Ойбекнинг тошпириғи ва илти-
моси билан тошкентлик шоирларнинг ҳаёти ва ижо-
дига оид маълумотларни тўплаб, уларни қўлёзма
ҳолида ёзиб қолдиради. Бу ҳозир Қўлёзмалар инс-
титутида сақланмоқда. Китобга М. Тошқиннинг
шу — «Тошкент шоирларининг таржimai ҳоллари»
асаридан Камий ҳақидаги қисмини илова қилдик.
Унда айрим фактик чалкашликлар бўлишига қа-
рамасдан, Камий ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун
катта аҳамиятга эга. Иловани нашрга тайёрлашда
матн қандай бўлса шундайлигича, деярли ўзгарин-
сиз берилди. Шунинг учун баъзи сўзларнинг ёзи-
лиши бутунги имло қоидаларига мос эмас, ҳатто
бир сўзни икки хил ёзиш ҳоллари ҳам учрайди.
83. Себзор даҳасида Чақар маҳалла эмас, Чақар кўча
бор. Бу кўча Камий яшаган Тиккўчага ёнма-ён
жойлашган. Маҳалланинг номи эса «Парчабоф».
Совет даврига келиб «Парчабоф» маҳалласи бўли-
ниб кетган. Унинг бир қисми «Қурилиш», иккинчиси
эса «Эркин» маҳалласи деб атала бошлаган.
84. Шоир Юсуф Сарёмий (1840—1912).
85. Шеърлар китобда тўла ҳолда борлиги учун илова-
да уларнинг фақат матлаъ ва мақтаъларини берилди.
86. Саҳҳоф — муқовачи.
87. Мазаммат — ёмонлаш, ҳажв қилиш.
88. Схолостика — тажрибага асосланмаган сохта би-
лим.
89. Набор — ҳарф ва тиниш белгилар йиғиндиси.
90. Визитная карточка — чакирёқ қоғози.
91. Бу газал Камийнинг 1893 йилда тузилган баёзиди
учрайди. Демак, у 1893 йилгача ёзилган. М. Тош-
қин эса Камий билан 1901 йилда танишади. Бундан
маълум бўладики, «Эй булбул» радибли газал Тош-
қин айтган пайтда ёзилмаган.

А

Абрү—қош
Авион—замон
Авал машинотаси—яратуви,
тангри
Адил—ўхшаш
Аяз—оқиялик
Азми адам—йўқликка кетиш
Аз таҳи дил—астойдил
Ал—қўл
Альон—энди, ҳозир
Алойиқ—алоқалар
Амвол—молу мулк
Анвор—энг нурли
Анжом—охир, туташ
Анжум—юлдузлар
Аниес—улафат
Ано—уқубат
Асру—ғоят
Ауфол—болалар
Афзун—1. Кўп 2. Афзал
Афгар—мажруҳ
Афлок—фалаклар
Афьол—фезълар
Афсар—тож
Ахгар—олов
Ахзар—яшил
Аъдо—душманлар
Ақдас—энг муқаддас
Аҳе—махзун, қайғули
Аҳиббо—дўстлар
Аҳмар—қизил
Аҳмол—юклар
Аҳсан—тахсинга лонқ
Аҳфол—набиралар

Б

Бадал—алмаштириш, энди
Базауди—теда, дарров
Барфинома—қорхат
Барқи оламғўз—оламга ўт
қўлуви тақин
Бобасар—кўрмайдиган,
би сўқир
Батъид—узюк
Беашбоҳ—шубҳасиз
Бехроқ—яхшироқ
Бовар—ишонч
Боб—эшик
Буррон—кескир
Бўзўрг—катта

В

Валлиюллоҳ—Аллоҳнинг
дўсти
Вард—атиргул
Вассоф—васф этувчи
Вожиб—шарт
Вола—мафтун

Г

Газаид—зарар
Гирён—йигловчи
Гирях—туғун, чигал
Гулдиз—1. Куйиш. 2. Иги
реб
Гулчин—гул терувчи
Гург—бўри
Густоҳ—андишасиз
Гўё—тили бийрон
Гўстармак—кўрсатмоқ

Д

Давот—сиёҳдон
Дайжур—энг қоронғи
Далир—шикоятли
Давий—даъво қилувчи
Дақойиқ—нозик маънолар
Дакр—дунё
Дигаргун—бошқача
Дилжў—қўнгил оловчи
Дилқушо—қўнгил олувчи,
ёқимли
Ду бөлә—икки ҳисса
Дута—қадди этик
Дуг—ёғ

Е

Ебандә—топувчи
Едугий—қизил

Ж

Жабҳа—манглай, пешона
Жавҳар—асл тош
Жанда—дарешлар тўйи
Жамил—чиройли
Жафожў—жафо қилувчи
Жаҳим—дўзах
Жинон—жапнатлар
Жоду—сехртгар
Жониб—томон, тараф
Жуз—бошқа, ўзга
Журм—гуноҳ

З

Залаз—зарар
Замир—кўнгил
Зариф—нозик фаҳм
Заҳаб—зар, тилло
Заҳм—кулфат, озор
Зери қадам—оёқ ости
Зиллат—хорлик
Зинт—ёмон
Зухи—ғўзал

Зол—кампир
Зухур—зоҳир бўлиш,
кўриниш

И

Иктиноб—чекиниш
Ийзо, изо—уялтириш
Ийсор—бағишлаш
Илҳон—ёқимли овозлар
Ирсеол—юбориш
Истеъжол—шитоб қилмоқ
Истимоъ—ашитиш
Истигфор—кечирим сўраш
Итиб, итеб, итеб—қаҳр
Ифно—йўқотиш
Ифшо—фон этиш
Ихвон—биродарлар
Ихтилот—аралашиниш
Ихтисор—қисқартиниш
Ихфо—махфий
Иҳе—тирак

К

Кабк—канлик
Кавну макон—борлиқ
Каж—эгри
Каманд—сиртмоқ
Канис—ибодатхона
Кизб—ёгон
Кийна—ўч, кек
Килк—қалам
Кин—дин
Ком—1. Мақсад. 2. Баҳра
Кул(л)—ҳамма, жамъи
Кушойиш—осон қилиш
Кў-бақў—кўчама-кўча
Кўтах—қисқа
Кўхистон—тоғлик ер

Л

Лавҳ—1. Ёниқ нарс. 2.
Равшаник
Лавҳи ноб—маж, қизил
лаб

Лопьқил — ақсапа
Логар — хийлағар
Лутф — мархамат

М

Мавто — үлпк
Маараз — экинзор
Мазхар — пайдо бұлпш
Малжаз — папох твлайдиган жой

Малом — маломат
Манзар — назар ташланады-
ган жой

Маниз — мустахам
Маңқабат — мақтов
Маржиз — мурожаат этила-
диган жой

Мариз — касал
Маргуб — ёқимли
Маснад — тахт, мартаба
Махд — бешик
Махжуб — 1. Пардаланган
2. Уятли

Махфул — мажлислар
Махжабин — манглайи ир-
қироқ

Мидхат — мадх
Милал — миллатлар
Мистар — чизгич

Михан — меҳнатлар
Молик — мулк эгаси
Моҳасал — ҳосил, натижа

Моҳона — ойлик ҳақ
Муалло — баланд
Мубориз — баҳодир

Мубоҳ — шарый ҳукм бўйп-
ча қилса ҳам қилмаса ҳам
бўладиган иш

Мужалло — жидоаланган
Мукаррад — ёлғиз, уйлан-
маган

Муад — иш ҳақи
Мукаддар — қирланган, хира
Мукаррар — тақрорланган

Мул — май, шарбат
Мунарик — дари отиш
Муифаил — хикоятчи
Муним — неъмат берген
Муқалиб — нусхабар
Муқод — итоат қилуви
Муоф — аиф этиш
Мураттаб — тартибли

Мусаллам — таслим бўлиш
Мусалло — жойнаман
Мусаххар — бўйсундирилган
Мустакоб — қабул бўлиш
Мустаор — орингли
Мустаграқ — тарқ бўлиш
Мухаф — Қуръон
Мутаввал — 1. Узуни
Муталло — тилла суви

Мутафарриқ — фарқлаш
сочилган
Муттако — султон
Мухотаб — мурожаат қил-
ган шахс
Мушкбиз — мушк диди

Муқавас — қавс шик
Муқтадо — йўл боши
Муҳаққар — таҳқиқчи

Н

Навха — овоз чиқариш
лаш, нола

Наззора — назар қилиш
Назр — 1. Аллоҳ йўлига
этиш 2. Ваъда

Нахад — хушбўй ҳид
Наиг — уят, номуз
Наиъу намо — усб унамо

Нахд — ниҳод, кучат
Насрин — оқ гул
Наъим — фаровонли
Наъш — тобут

Ривд — аҳли дин
Рибоят — этиборга олиш
Ром — мутеъ
Рубоҳ — тулки
Рутба — мартаба
Рух — юз
Рўзи — насиба

С

Савм — рўза
Салот — намоз
Сам — захар
Сархайд — етакчи, раҳбар
Саршор — лиммо-лим
Сафнок — саф тортиб турин
Сафнок — қон тўкуви
Сахт — қаттиқ
Сахл — осон

Саҳбо — қизил май
Синон — найза
Ситез — зулм

Собит — барқарор
Сойил — сўроғчи
Сомий — олий

Соний — изкинчи
Соқ — оёқ
Сувора — уловда юриш
Суубат — азоб

Т

Таадди — адоват
Табоҳ — вайрон
Табъ — чоп этиш

Табъ — чоп этиш
Таллуқ — 1. Боғланиш.
2. Уйланиш

Тавоф — тавоф этиш
Тавф — тавоф қилмоқ, юзи
сурмоқ

Таманио — хоҳиш, истак
Тамкин — вазминлик
Тараб — шодлик

Тарийқ — йўл

Таки — дарвинлар турар жойи
 Такия айламоқ — орқа қилмоқ, суялмоқ
 Тасхир — забт этиш, ром қилиш
 Таъжя — шонилич
 Таъхир — пайсалга солиш
 Таъйир — ўзгартириш
 Тагофуз — гофилликка солиш
 Таҳаммуз — бардош
 Таҳрис — ҳирелантириш, қизиқтириш
 Таҳриф — сўздаги ҳарфларни ўзгартириб бериш
 Тифа — бола
 Тоб — мадор, чидам
 Торак — бош
 Туз — тўғри
 Турра — соч ўримлари

У

Уд — ёнганда хушбўй ҳид таратадиган ётоқ
 Увор — юз
 Улум — илмлар
 Унуб — қизил, айн: чилон-жидда
 Усру — жуда, гоятда

Ф

Фавт — вафот этиш
 Фавқ — энг юқори
 Фалоҳ — халас бўлиш
 Фараҳ — кўнгли хушлик
 Фарёдрас — фарёдин тили-ловчи
 Фарох — фаронглик
 Фарҳатфазолик — хурсанд-чилиқ
 Фасиҳ — фасоҳатли
 Фатонат — зийраклик
 Фаттон — фитна қилувчи

Фигор — жароҳатли
 Фикрат — фикр қилиш
 Фирор — қочин, айланиш
 Фузуи — кўн, андда

Х

Хайл — гурӯҳ, тўда
 Хайр — яхшилик
 Харош — тирпаиш
 Хасм — рақиб
 Хисол — ҳислатлар
 Ховар — кун чиқар, нори
 Холиқ — яратувчи, таъбир
 Хокистар — кўл
 Хома — қалам
 Хора — тош
 Хулли барин — жаннат
 Хунбор — қон билан оғир
 Хурду калон — кичику калон
 Хуруж духул — норди чини
 Хурус — хўроз
 Хуруш — қичқирин
 Хўй — одат, табиат

Ч

Чашм — кўз
 Чусту чобук — эриш
 Чуга — бойқуш
 Чўқ — кўп

Ш

Шабиҳ — ўхшаш
 Шайъ — бирор нарса
 Шамъи шабистон — тинч-шамъ, Ой
 Шар — ёмонлик
 Шарор — учқун
 Шашум — олтинчи
 Шаҳарез — бол тоғуви
 Шиносо — таниш, ошн
 Шигел — шағоллар
 Шонсё — ёмон, ярамс

Ҳариллаҳ — Аллоҳга

Ҳабо — тўзон
 Ҳалду гоят — чек ва чегара
 Ҳадисен куде — муқаддас

Ҳадис

Ҳайон суий — тириклик суви
 Ҳай (й) — тириклик
 Ҳайи азал — абадий тирик зот, таъри

Ҳайрағфзой — ҳайратга

солувчи

Ҳамжалие — мажлисдон

Ҳамто — монанд

Ҳарис — ҳирсли

Ҳаросонлик — қўрқоқлик

Ҳариф — муқобил уфат

Ҳашам — мартаба

Ҳашр — маҳшар кун

Ҳийа — ҳийла

Ҳин — вақт, замон

Ҳил — ҳийлалар

Ҳувайдо — ошкор, зоҳир,

Ҳодий — тўғри йўл кўрсатувчи

Ҳола — Ой тўлишганда ат-

рофида пайдо бўладиган

нурли ҳалқа

Ҳоло — ҳозир, ҳозирда

Ҳосид — ҳасад қилувчи

Ҳотиф — гойибдан хабар

берувчи

Ҳужжон — ҳаж қилувчилар

Хуруф — ҳарфлар

Хумро — қизил

49436-2



МҮНДАРИЖА

«Гарчи билмаймиз ҳануз кимдур Камий...»	1
Ҳазаллар	2
Маснавий	3
Рубоийлар	4
Қўтиълар, фард	5
Мўраббаълар	6
Мухаммаслар	7
Мусаддаслар	8
Тайрих-мафсиалар	9
Манзумалар	10
Илова: М. Тошқин, Мавлоно Камий	11
Манбалар ва низоҳлар	12
Дуғат	13

Адабий-баъдий нашр

КАРИМБЕК КАМИЙ

ДИЛНИ ОБОД АПЛАНГИЗ...

Танланган асарлар

Тошкент «Маънавият» 1998

Мухаррир М. Исорова

Мусаввир С. Азиз

Техн. муҳаррир Т. Зодотилова

Мусаххих Ш. Илҳомбекова

Тиражи берилди 28.08.98. Босишга рухсат эшдан 11.11.98. Бичими 64х84.
Литературная гарнитураси Юлкори босмо. Усулда босилди. Шартнома № 8/0. Шартли кр-отт 8,82. Нарх 7,72. 5000 нуска. Буюртма № 109. Нарх шартнома асосида.

«Маънавият» наشريети. Тошкент. Шотилин кўчаси, 6. Шартнома № 10.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг нотиб-назар
фабрикасида chop этилди. Тошкент, Юлусобод даҳаси, Муромин «1»
4-уй. 1998.